

ШУҲРАТ АБДУЖАББОРОВ

# ИЗҚУВАРНИНГ ЁН ДАФТАРИДАН

*(Ҳаётий воқеалар асосида)*



«SHARQ» Í ÀØÐÈ· Ò-Ì ÀÒÁÀÀ  
ÀËÖÈΒÁÍ ÐÈÈÈ ÈÌ Ì Í ÁÍ ÈΒÑÈ  
ÁÍ Ø ÒÀ² ÐÈÐÈΒÒÈ  
ÒÌ ØÈÁÍ Ò-2011

УДК: 821.512.133-3

ББК 84(5Ў)6

А-15

Т а қ р и з ч и л а р:

полковник *Оринбой Турдаков,*

юримдик фанлари номзоди, полковник

*Сорахон Аҳмедова,*

*Дурдибой Худойшукуров*

*Ушбу китобни подполковник Ҳасан Даминович Асадов каби Ватан озодлиги ва осойишталиги йўлида шаҳид кетган мард ва жасур ҳамкасбларимнинг ёрқин хотирасига бағишлайман...*

А-15 **Абдужабборов, Шухрат**

Изкуварнинг ён дафтарида. Ўзбек ва рус тилида (Шухрат Абдужабборов). – Т.: “Sharq”, 2011 – 256 б.

**УДК: 821.512.133-3**

**ББК 84(5Ў)6**

**ISBN 978-9943-00-720-8**

## ФИДОЙИЛИК ИФОДАСИ

Маълумки, ички ишлар идоралари тизимида жиноят қидирув хизмати ўзига ҳос муҳим аҳамиятга эга. Чунки жиноят содир этган шахснинг эркинликда юриши унинг ижтимоий хавфини янада оширади. Жиноятни фош қилиш, жиноятчини ушлаш эса ходимдан чуқур билим, матонат ва, албатта, фидойиликни талаб қилади.

Мазкур китобда, айниқса, «Изқуварга эргашган руҳлар» ҳикоясида капитан Сардор Ҳамидов образи орқали осойишталик посбонларининг игна билан қудук қазишдан ҳам ғоятда машаққатли меҳнати реал воқеалар асосида ёрқин ёритилиб, қаҳрамоннинг тасаввурини да ҳосил бўлган руҳлар исёни, қотилга омон йўқлиги муқаррар эканлигини таъкидлайди.

Халқ шоири Муҳаммад Юсуф таъбири билан айтганда «ором ва тин билмаган, тунлари тўйиб ухламаган» соҳа фидойисининг заҳматли хизмати китобдаги ҳар бир ҳикояда тўлақонли ифода этилган.

Ватан озодлиги ва осойишталиги йўлида садоқат билан хизмат қилиш, ҳатто қурбон бўлишга қодир мард ва қаҳрамон кишилар ҳақидаги шунингдек, ватанпарликни улуғловчи ғоялар илгари сурилган бу асар айниқса, ёш авлодни муқаддас заминни севишга, асраб авайлашга даъват этади, улар қалбида Ватанга чексиз муҳаббатни шакллантиришда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади.

*Баҳодир Матлюбов,  
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар Вазيري.*

## ЖОНФИДО ИЗҚУВАРНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

Одамзод учун икки қуёш бор, биринчиси – табиий офтоб, иккинчиси – руҳий офтоб, яъни – китоб. Қуёшсиз тириклик йўқ! Китобсиз тириклар қалбини зулмат эгаллаб олиши ҳеч гап эмас.

Элу юрт осойишталиги йўлида фидойи хизмат қилаётган подполковник Шухрат Абдужабборовнинг нафақат жиноятчиликка қарши мурасасиз курашиши, балки инсон қалби зулматга ботмаслиги учун хайрли ишга қўл ургани ҳам том маънодаги жасоратдир.

Муаллиф қаламига мансуб «Изқуварнинг ён дафтарида» номли ҳикоялар тўплами ёш авлодга бой руҳий озуқа, Ватан олдидаги фарзандлик бурчини янада теранроқ тушуниш ҳамда хушёрлик ҳаётини зарурат бўлиб, бу осойишталикни таъминлашда энг муҳим манба эканлигини ишончли мисоллар билан исботлаб беради.

«Изқуварга эргашган руҳлар» ҳикоясини ўқир экансиз, даҳшатли жиноятдан қалбингиз титраб, қотилга нисбатан кучли нафрат ҳиссини туясиз. Капитан Ҳамидов образи тимсолида осойишталик посбонининг машаққатли меҳнати акс этган, кишини ҳайратга солувчи сюжетлар, энг муҳими, тезкор ходимнинг ишонч билан ҳаракат қилиши натижасида худди ҳайкалтарошдек тошларни ўйиб кашф этган «қиёфаси» – ҳақиқий жиноятчини топиши, юксак ватанпарварлик намунасидир.

*Тўлепберган Қайипберганов,*

*Ўзбекистон Қаҳрамони.*

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси.*

*2009 йил.*

## ОГОҲЛИК ВА ҲУШЁРЛИК ЗАМИРИДАГИ ЭЗГУ НИЯТ

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг, «Милиция ходими ҳам оддий инсон, лекин ҳар ким ҳам милиция ходими бўлолмайди» деган фикрлари мазкур асарда ўз ифодасини топгани ҳеч қандай муболаға эмас. Чунки буюк неъмат бўлмиш Мустақилликни асраш, мустаҳкамлаш, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш Истиқлолнинг илк йилларида осон кечгани йўқ.

Юртбошимизнинг терроризмга қарши тутган позициясига баъзи чет эл оммавий ахборот воситаларида нопишандлик билан билдирилган танқидий фикрларни муаллиф мутлақо инкор этиб, капитан Сардор Ҳамидов образи тимсолида ўзбек милициясининг терроризм ва диний экстремизмга қарши олиб борган мардонавор курашини ҳаётий мисоллар билан аниқ ифодалаб берган.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, мазкур асар, эл тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон фидо қилишга қодир инсонларнинг машаққатли меҳнати, заҳматли хизмати фақат ва фақат эзгуликка бахшида эканлигини ёрқин бўёқларда ҳаққоний ёритиб бериши билан ҳам ғоятда аҳамиятлидир.

Жинойат қидирув соҳасида тобланган, ҳақсизлик ва адолатсизликка нисбатан нафрати тўлиб тошган, жиноятчиликка қарши муросасиз курашиб, унинг силсиласида жунбушга келган қалб кўрига йўғрилган сатрлардан пайдо бўлган мазкур китоб ўқувчилар учун нафақат маънавий озик, балки ҳушёрлик ва огоҳлик нидоси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

*Зокиржон Алматов,  
Истеъфодаги генерал-полковник.*

## ИЗҚУВАРГА ЭРГАШГАН РУҲЛАР

*...Сизда ором қайда, сизда тин қайда,  
Сиз тўйиб ухлаган, битта тун қайда...*

МУҲАММАД ЮСУФ

*Мазкур жиноят 1997 йил 23 октябрга ўтар кечаси,  
пойтахтнинг Юнусобод даҳасида содир этилган. Баб-  
зи фикр-мулоҳазаларга асосланиб, қаҳрамонларнинг  
исмлари ўзгартирилди.*

\* \* \*

Ҳавонинг илиқ келаётгани кузнинг тароватини яна-да бойитарди. Аллақачон сарғайган барглар куёшдан умидвор бўлиб, бандидан узилгиси келмай, унинг заррин нурларида ўзига хос такрорланмас гўзаллик кашф этиб, ғоятда ажиб жилваланарди. Ҳар кунгидай барвақт ишга келиб, эски «Жигули»сини машиналар турар жойига чиқиб кетишга қулайроқ қилиб жойлаётган тезкор вакилни навбатчининг қотиллик ҳақидаги хабари хушёр торттирди. Капитан Сардор Ҳамидов кўрсатилган манзилга – тўртинчи қаватдаги икки хонали уйга кириб борганида, ҳуқуқни муҳофоза қилиш идоралари раҳбарлари, ходимлар ва тиббий экспертлар ўз ишлари билан банд эди. Капитан Ҳамидов улар билан қисқа саломлашиб, уй ичинини зимдан кузатди. Ювиниш хонасидаги елим тоғорада аёл кишининг боши, сув тўла ванна ичида эса унинг жонсиз танаси ётарди. Қон аралаш сув бамисоли қизил бўёқни эслатарди. Экспертлардан бири унинг эътиборини балконга қаратди. Ҳамидов нигоҳлари ёш қизнинг тилкапора қилинган жасадига тушиб, вужудида аламли титроқ пайдо бўлди. У қон тегмаган жой қолмаган уйнинг девор, мебель ва гиламларига боқар экан, инсон зотининг бундай мудҳиш жиноятга қўл урганига ишонгиси келмас, ичидан эса бу жирканч қотиллик қандай мақсадда ва ким томонидан амалга оширилди деган саволга жавоб топги-

си келарди. Аммо кўз олдидаги буюмлар гўёки ўзларини айбдор ҳис қилгандай жим эди.

Мурдаларнинг шахсини аниқлаш қийин кечмади. Анора эридан ажрашганига анча вақт бўлиб, бозорда егуликлар сотиб, тирикчилик қиларди. Қизи Ойдин ўн уч ёшда бўлиб, мактабда ўқирди. Ходимлар гуруҳларга бўлиниб, тезкор суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Капитан Ҳамидовга эса бошлиғи томонидан бошқа иш топширилди. Катта шов-шувларга сабаб бўлган мазкур қотиллик, орадан икки ой вақт ўтиб ҳам очилмади.

– Чақиртирган экансиз? – деди бошлиқ хузурига кирган капитан Ҳамидов қаддини ғоз тутиб. Бошлиқ нигоҳлари билан унга ўтиришга рухсат берар экан, ҳануз очилмай қолиб кетаётган ўша кунги қотиллик билан шуғулланишни топширди. Ҳамидов бошлиқ олди-дан чиқар экан, билдирилган ишончининг масъулиятини чуқур ҳис қилди. Қотиллик бўйича ўн олти томдан ортик йиғилган ҳужжатларни синчиклаб кўздан кечирар экан, эътибордан четда қолдирилган ишларни ён дафтарига қайд қилиб борди. Жумладан, кўшниларнинг тушунтириш хатларида жўяли гап йўқ эди. Ҳеч бири ҳеч нарса-ни кўрмаган ва эшитмаган эмиш. Воқеа овулдаги тарқок жойлашган хонадонларда рўй берганида бунга ишониш мумкин эди. Тиқ этган товуш эшитиладиган кўп қаватли уйларда бунга ишониш қийин, албатта. Ҳамидовнинг жаҳли чиқиб кетди, уйқусираган кўзлари ачишиб, базўр соатига қаради. Соат миллари тунги уч яримдан ошаётганини кўрсатарди. У иш столидаги қоғозларни жой-жойига тахлар экан, эртага қиладиган ишларини ҳам режалаштириб олди.

Кеч ётса-да, Ҳамидов уйқусида ҳаловат тополмади. Яна барвақт уйғониб, тегишли жойлардан рухсат олиб, тўғри Аноранинг уйига борди. Ичкарига кирган тезкор вакил жасадларнинг ўша пайтдаги ётган аҳволини кўз олдига келтирди. Ювиниш хонаси полидаги қуриб қолган қон доғларини кўриб, «демак ўша куни ваннани сув босган, ўз навбатида бундан пастки қаватдаги кўшнилар ҳам

ташвишга тушган бўлиши табиий». Ўз хаёллари билан олишаётган Ҳамидов қачонлардир бу ерга ниманидир яшириб қўйиб, шу топда уни топиб олаётгандек, беихтиёр қўлини газ плитаси орқасига узатди. Бармоқлари билан ниманидир ушлаган капитан ёш боладек қувониб кетди. Бу қон доғлари қотиб қолган каттагина пичоқ эди. Тезкор вакил уни яна жойига қўяр экан, прокуратура терговчиси Шароф акага қўнғироқ қилиб, зудлик билан етиб келишни илтимос қилди. Унгача Ҳамидов яна кузатувни давом эттириб, ошхонадаги ахлат тўла челакни ағдариб, эринмасдан кўра бошлади. Туркия маҳсулоти бўлган бир дона шоколаднинг қоғозини авайлаб артиб, иш дафтари-нинг орасига солиб қўйди. Етиб келган Шароф ака нафасини ростлаб олгач, шошили-нч чақиртиришнинг сабабини сўради. Ҳамидов нигоҳлари билан газ плитасининг орқа томонига ишора қилди. Унинг орқасидан пичоқни тортиб олган Шароф ака қошларини кериб, оғзидаги ҳали ёниб улгурмаган сигаретани қаттиқ тишлади-да:

– Нега дастлабки текширувда бу ерга эътибор берилмади экан? Ҳозир холислар иштирокида пичоқни расмийлаштириб, экспертизага юбораман. Дарвоқе, сенга раҳмат айтишни унутибман, алоқада бўлиб тур, – деб у билан хайрлашди. Ҳамидов эса Аноранинг пастки қаватдаги кўшнисининг эшигини тақиллатди. Қирқ ёшлар чамасидаги кўзойнакли рус аёли эшикни очар экан, қаршисидаги гавдаси спортчиларга хос келбатли йигитга қараб, савол назари билан боқди. Ҳамидов хизмат гувоҳномасини кўрсатиб, ўзини таништириши билан аёл жазавага тушиб кетди.

– Агар қотиллик бўйича келган бўлсангиз, мен ҳаммасини ёзиб берганман, илтимос, бизни тинч қўйинг, – деб эшикни ёпмоқчи эди, капитан чаққонлик билан уни тўхтатиб. – Ҳеч бўлмаса хонангизни кўришга рухсат беринг. – деди. Аёл ҳушламайгина киришга изн берди. Капитан Ҳамидов тўғри ювиниш хонасига ўтиб, синчков кузата бошлади. Сўнг эшик кесақисига суяниб, ўзининг хатти-ҳаракатларини кузатиб турган хона-



дон соҳибасининг диққатини девордаги қизғиш доғга қаратди. Аёл билмадим, дегандай чап елкасини хиёл кўтариб кўйди.

– Ўша куни Аноранинг уйини сув босган, у сизларни ҳам ташвишга солган. Бу ерни таъмирлаган бўлсангизлар ҳам қон аралаш оққан сувдан қолган доғлар барибир билиниб турибди. Афсуски, тушунтириш хатингизда булар ҳақида бир оғиз ҳам айтмагансиз, – деди капитан аёлнинг кўзларига тик қараб. Аёл кўзларини олиб қочиб, йиғлаб юборди. Ҳамидов унинг ниманидир билишини сезиб, ҳақиқатни айтишга қийналаётган аёлга тасалли берди. Шундан кейин анча енгил тортган аёл, ҳақиқатан ҳам ўша куни уларнинг уйига тепадаги хонадондан сув оқиб тушганини, турмуш ўртоғи билан тезда қўшни хонадонга кўтарилишганини, эшикни тақиллатишганида, ичкаридан келаётган эркаклар овози жимиб, сал вақтдан кейин эшикни йигирма-йигирма икки ёшлар чамасидаги йигит очганини, унга сув ҳақида айтишганида, гўшт чопиш билан овора бўлиб, сувни очиқ қолдирганини унутиб кўйгани учун узр сўраганини батафсил гапириб берди.

– Унинг афт-ангорини, қайси шевада гапиришини эслаб қолдингизми? – сўради капитан.

– Ҳаммаси ёдимда, бироқ, кейинчалик бу ерда котиллик бўлганини эшитиб, кўрққанимиздан тўғриси айти олмадик. Энди бизни нима қилишади? – яна пиқиллаб йиғлашга тушди аёл.

– Агар ўшанда тўғриси айтганингизда, ҳозир жиноятчилар эркин юришмаган бўларди. Лекин биз уларни албатта топамиз, фақат ёрдамларингизни аямасангизлар бўлди, – деди Ҳамидов. Аёлнинг тиниқ хотираси у кўрган йигитнинг фотороботини тайёрлашда ходимларга жуда қўл келди. Йўл-йўлакай суҳбат давомида капитан Ҳамидов аёлдан биринчи қаватдаги хонадонларнинг бирида яшовчи Дилбар исмли қиз Ойдиннинг яқин дугонаси эканлигини ҳам билиб олди. Яна бир гувоҳ Наталья билан суҳбатлашган прокуратура терговчиси Шароф ака

капитанга қараб мамнун кулиб қўйди. Капитан яна ортига қайтди, мактабдан энди келиб, уй эшигининг қўнғирок тугмачасини босишга уринаётган қизга ёрдамлашди.

– Сиз ҳам бизникигами? – ажабланиб сўради қиз.

– Агар исминг Дилбар бўлса, топдинг, – деди капитан болаларга хос кувноқ тарзда.

– Адашмадингиз, – деди қиз ҳам қикирлаб кулиб. Бироқ Дилбарнинг онаси ҳам тезкор вакилнинг ташриф мақсадини билгач:

– Қотиллик содир этилган куни оиламиз билан меҳмонда эдик. Бу ҳақда тушунтириш хатимда батафсил ёзиб берганман, – деб Натальяга ўхшаб, тўнини тескари кийиб олди.

– Мен фақат сизнинг иштирокингизда, қизингиз билан икки оғиз суҳбатлашмоқчиман холос, – деб капитан сумкасидан иш дафтари олаётганида, ичидаги шоколад қоғози ерга тушди.

– Сиз ҳам конфет қоғозларини йиғасизми? Бу менинг сеvimли машғулотим, – деб Дилбар хонасидан худди шундай конфет қоғозни чиқариб, капитанга кўрсатди.

Ҳамидов шоколадни қайси магазиндан олганлиги билан қизиқди. Дилбар уни Акбар исмли киши берганлигини айтганида онаси вайсақи қизини жеркиб берди. Капитан аёлни тинчлантириб, фақат эшитиб туришни тайинлади. Дилбар эса ҳамон кўзларини онасидан узолмай, ўша куни дугонаси Ойдинларникига чиққанида, иккита эркак кишини кўрганлигини, кейин яна уйга қайтганлигини, шоколад берган Акбар акани яхши эслаб қолганини айтди. Сабаби, Акбар амаки Ойдинларникида уч-тўрт кундан бери ижарада яшаганини, бозорда аравакашлик қилишини, бир гал Анора холанинг нарсаларини аравада олиб келиб берганини ҳам ўз кўзлари билан аниқ кўрганини гапирди. Бундан ташқари қиз Акбарнинг ўрта бўйли, сочи қизғиш тусда, сепкилли, тепа жағининг ўртасида битта тиши йўқлигини, дудуқланиши ва ўзбекча, русча сўзларни аралаштириб, зўрға гапири-

шини аниқ баён қилди. Ходимлар Дилбарнинг тасвирлаши бўйича яна гумондор шахснинг суратини чизишди. Капитан Ҳамидов уни олдинги сурат билан солиштириб кўраётганида Дилбар ҳайрон бўлиб унга қаради.

– Бу бошқа бир гувоҳнинг сўзлари асосида тайёрланган эди, ишимиз шунақа, – деди изкувар унга яна бир бор миннатдорчилик билдириб.

Она-боланинг гапларини қоғозга тушираётган прокуратура терговчиси Шароф ака ҳам хурсанд эди. Тезкор вакил иш режасига энди қотилликда гумон қилинувчининг шахсини аниқлаш вазифасини киритди. Шу мақсадда капитан суратларнинг ксеронусхаларини кўпайтириб, бозор ҳудудида хизмат қилаётган профилактика инспекторига бериб, бозорда аравакашлик қилган барча Акбар исмли шахсларнинг рўйхатини беришини сўради. Сўнг Аноранинг уйи яқинидаги тижорат дўконларига кириб, ёш боладай шоколадларга тикилиб, уларни кўлидаги шоколад қоғози билан солиштириб кўрарди. Кап-катта одамнинг бу беўхшов ҳаракатидан сотувчилар ҳайрон эди. Ниҳоят, навбатдаги дўконда у излаётган шоколадини топиб, чиндан ҳам болалардек қувониб кетди. Ҳайратини яширолмай енгил кулиб турган сотувчи аёл унинг жиноят қидирув хизмати ходими эканлигини билгач, ҳайрати янада ошиб, бир оз ҳадик ила савол тўла нигоҳларини капитанга қаратди.

– Сиз ҳеч ташвиш тортманг, мен йигирма иккинчи октябрда айнан мана шундай шоколадларни сотиб олган одамлар билан қизиқаяпман, – деди капитан.

– Лекин уларнинг ҳаммасини эслаб қолиш қийин, – деди сотувчи.

– Балки мана бу суратдаги одам ҳам шоколад харид қилгандир, – деди капитан унга сурат чизилган қоғозни узатиб. Сотувчи аввал суратга, кейин иш дафтарига қараб, айтилган санани кўздан кечириб,

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам у ўша куни шоколадлар билан бирга ароқ ва шампан виноси ҳам сотиб олган эди. Бел-

гиларига келсак, дудукланиб гапиради, тепадаги битта тиши йўқ, талаффуздан тожикка ўхшарди, – деди сотувчи бир оз дадиллашиб.

– Эҳтимол, яшаш жойини ҳам биларсиз? Капитаннинг бу саволидан кейин сотувчи унга ён томондаги тўққиз қаватли уйни кўрсатди. Ҳамидов сотувчи билан илиқ хайрлашиб, кўрсатилган манзилга келганда, уй олдидаги ўриндиқларнинг бирида, уч-тўртта кекса ёшдаги аёллар суҳбатлашиб ўтирарди. Капитан уларга ўзини таништириб, уй масъулини излаётганини билдирди. Аёллардан бири:

– Тинчликми болам, мен шу уйнинг домкоми бўламан, – деди. Ҳамидов шу уйда ижарада яшаётган шахслар билан қизиқаётганини айтди ва кўлидаги суратни кўрсатди.

– Шунга ўхшаш бола саккизинчи қаватдаги Коля тоғаникида яшайди. У бирор ишқал чиқарибдими, болам? – яна сўради кампир.

– Ҳозирча аниқ айтолмайман, – деб капитан юқорига кўтарилди.

Лифтнинг ишламаслиги, тезкор ходимни анча терлашга мажбур қилди. Ўзига керакли хонадоннинг эшик тугмачасини анча вақт босиб, ҳафсаласи пир бўлган капитан қўшни эшикни тақиллатди. Эшикни очган хонадон соҳибасидан Коля тоғани суриштирди. Унинг ўн кундан бери кўринмай қолганини бепарволик билан айтган аёл эшикни қарсиллатиб ёпди. Шу топда Ҳамидовнинг хаёлига ёмон фикрлар келиб, эшикнинг тирқишларига бурнини теккизиб, ҳидлаб кўра бошлади. «Наҳотки, Акбар, Коля тоғани ҳам тинчитган бўлса». Хаёллар қуршовида қолган капитан ўзини қўлга олиб, тезда профилактика инспектори, домком ва яна бошқа холислар иштирокида эшикни бузиб, ичкарини кўрмоқчи бўлди. Усталар энди иш бошламоқчи бўлиб туришганида, осмондан тушгандай зинадан Коля тоғанинг ўзи чиқиб келди. Капитан Ҳамидов дарҳол ўзини таништириб, рўй берган бу ва-

зиятнинг сабабларини тушунтирди. Ичкарига киргач, Коля тоғанинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фахрийси эканлиги маълум бўлди. Коля тоға нафасини ростлаб олгач, капитан берган суратга узоқ термилар экан, Акбарни оч, юпун ҳолда кўчадан топиб, уйига олиб келганини, аммо у бошпана берган одамнинг тузлиғига тупуриб, ўлимликка йиғиб қўйган нафақа пулларини ўғирлаб кетганини, бироқ бу ҳақда ҳеч кимга айтмаганини, аниқроғи, унинг қайтиб келишига умид қилганини кўзда ёш билан гапириб берди. Капитан, Акбарнинг ҳужжатлари билан қизиқди. Коля тоға унинг шахсини тасдиқловчи ҳеч қандай ҳужжатига кўзи тушмаганини билдирди. Капитан ҳар эҳтимолга қарши пейжер рақамини қолдириб, ўзи эса унинг телефон рақамини ёзиб қария билан илиқ хайрлашди.

Капитан Ҳамидов, кўчага чиққанида чироқлар ёғдуси, зимистон тунни аранг ёритарди. У машинасига хорғин ўтирар экан, беихтиёр соатига тикилди – 23<sup>40</sup>. Ошқозоннинг ғалати ғўлдираши тушликни унутгани етмай, кечки овқатнинг ҳам уволига қолмасликка чақирарди. Қорин ғамини ўйлаб, бирор ерда овқатланиб олишни ўйлаётган капитаннинг пейжерига хабар келиб тушди. Унда Коля тоға кўнғироқ қилишни сўраган эди. Ҳамидов машинасини тўғри уйига қараб хайдади, етиб келиши билан стол устидаги телефонга ёпишди. Гўшакни кўтарган Коля тоға, йигирманчи сентябрь куни Акбар учун, тез ёрдам чақиргани эсига тушганини маълум қилди. Ҳамидовда излаётган одамнинг шахсини аниқлашга бўлган умид янада орта бошлади. У ўзида йиғилган барча маълумотларни яна бир бор таҳлил қилиб, эртанги кун режасини тузиб қўйди.

Эртасига тумандаги «тез ёрдам» маъмуриятига бориб, қўлидаги манзилни кўрсатиб, шу ердан келтирилган беморнинг қайси шифохонага ётқизилгани билан қизиқди. Бош шифокорнинг буйруғи билан ҳамшира зарур қоғозларни олиб келди. Улардан бирида «Очилов

Акбар, 21 ёш» деган ёзувни кўрган капитан, шифокорларнинг ёзувига унчалик тушунмай ҳамширага узатди. Буни пайқаган ҳамшира енгил табассум қилиб, беморга иягининг ўнг томони шишиб кетганлиги бўйича ташхис қўйилиб, қайси шифохонага ётқизилгани ҳақида ҳам аниқ маълумот берди. Ишга астойдил шўнғиб кетган Ҳамидовнинг пейжерига яна хабар келиб тушди. Унда бозорда хизмат қилаётган профилактика инспектори катта лейтенант Ашурали Бойматов тез учрашиш зарурлигини билдирган эди. Капитан у ерга етиб борганида профилактика инспекторининг хонасида тожик миллатига мансуб, лўлисифат йигит ўтирарди. Катта лейтенант уни Шерзод деб таништириб, кўрсатилган суратдаги шахсни билишини айтди. Ҳамидов унга зимдан тикилар экан, суратдаги шахс ҳақида билганларини гапириб беришни сўради.

– Акбар билан бирга бозорда аравакашлик қилганмиз. У ўзининг тожик эканлигини, Каттақўрғондаги етимхонада катта бўлганини айтганди. Лекин анчадан бери кўринмай қолганидан очиги мен ҳам хавотирландим, – деди Шерзод бир инспекторга, бир капитанга боқиб. Капитан Шерзодга пейжерининг рақамини қолдириб, мабодо уни кўриб қолса ёхуд у ҳақида бирорга маълумотга эга бўлса, албатта, хабар қилишни тайинлади. Сўнг, профилактика инспекторига ҳам раҳмат айтиб, елкасига дўстона уриб қўйди-да, шифохонага бориб, Акбар Очиловни қабул қилган шифокорга учрашди. Ҳамидов беморнинг ташхиси, кўриниши ва гапириш шеvasи билан кизикаётганини билдирди. Шифокор ҳамшира айтган ташхисни такрорлаб, беморнинг кўринишига келганда олдинги гувоҳларнинг кўрсатмаларини тасдиқлади. Бироқ унинг даволанишга ётмай, уйига етиб олиш учун пул сўраганини, раҳми келиб, озроқ пул берганини, шунингдек, шеvasи хўжандликларникига ўхшашлигини ҳам маълум қилди.

Шундан кейин капитан Ҳамидов, барча вилоят ИИБ-

ларига Акбар Очилов бўйича белгилар юбориб, қилган ишлари бўйича батафсил ахборот тайёрлаб, бошлиғига берди. Самарқанд, Бухоро вилоятларига хизмат сафари уюштиришга рухсат беришни сўради. Етарли ахборотга эга бўлган бошлиқ, капитаннинг кўлини маҳкам қисиб, унга омад тилади. Сафар ҳужжатларини тайёрлаб бўлган Ҳамидов бозорга ўтиб, Шерзодни топганида, у саломни ҳам унутиб, бир нарса эсига тушганини, бундан тўрт ой олдин, тожик миллатига мансуб иккита йигит Акбарни излаб келишганини, яваликмиз, дейишганини айтди. Маълумки, жиноят қидирув хизмати амалиётида ҳеч бир нарса эътибордан четда қолмаслиги керак. Шерзоднинг ушбу маълумотига диққат қилмаган тезкор вакил – капитан Сардор Ҳамидов йўл қўйган ушбу хатоси учун, кейин кўп афсус чекди. Капитан Шерзодга эртага ўзи билан Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига олиб кетишини маълум қилиб, учрашиш вақти ва жойини белгилаб, у билан хайрлашди.

Афсуски, қотилликда гумон қилинаётган шахсни излашга кетган тўрт кунлик хизмат сафари самарасиз яқунланди. Орқага қайтаётган Ҳамидовнинг кайфияти тушиб кетган, машина рулини маҳкам қисганча, орқа ўриндикда ўтирган Шерзодни, Акбар тўғрисида яна кўпроқ нарсаларни эшлашга ундарди. Тоғ ва тепаликлардан кўз узмай жим келаётган Шерзод ҳам тушкун кайфиятда:

– Мен тожикман, бу ерда яшовчи тожикларнинг шева-си Акбарникига ўхшамаслигини биламан. Унинг шева-си кўпроқ хўжандликларникига ўхшарди. Уни излаб келган явалик йигитлар ҳам шундай шевада гапирган эди,– деди. Уни кунт билан тинглаётган капитаннинг хаёлига кутилмаганда бир фикр келди-ю, дарҳол машинани четга олиб тўхтатди. Сўнг, давлатлар харитасини олиб, ниманидир излай бошлади. Тожикистон республикасининг Ленин-обод, ҳозирги Хўжанд шаҳрини топди, кейин Ява деган ёзувга кўзи тушиб, йўл қўйган хатосини англаб етди. Бу пайтда Шерзод ташқарида сигарет чекиб турарди.

– Явангни топдим ука, худо хохласа энди ўша ёққа борамиз, – деб қичқирди капитан. Тошкентга етиб келиши билан капитан Ҳамидов тўғри бошлиқ хузурига кирди. Унинг хизмат сафари ахборотини ва энди Тожикистонга боришга рухсат сўраётганини эшитган бошлиқ тутоқиб кетди.

– Мен бунга қаршиман, ахир у ёқларда уруш кетяпти. Юбормайман, гап тамом.

– У ерда менга ёрдам берадиган курсдош ўртоқларим бор. Телефонда гаплашиб, ҳаммасини ҳал қилиб қўйибман. Илтимос, шунча қилган меҳнатим зое кетмасин. Ички ҳис-туйғум ҳам ишонч билан шунга даъват этипти,– деди капитан ўз қарорида қатъий туриб. Бошлиқ бошини сарак-сарак қилди-да:

– Буни катта бошлиқ ҳал қилади, менимча у ҳам рухсат бермаса керак, – деди.

– Ахир тўпланган барча ҳужжатлар, гумондорнинг шу ёқда эканлигини кўрсатиб турибди-ку. Биргалашиб катта бошлиққа, шуларни тушунтирсак, балки рухсат бериб қолар. Йўқ деманг, бир таваккал қилайлик, – деди капитан ҳамон ўз фикридан қайтмай.

– Ундай бўлса, у ёқда ўтказиладиган тадбирлар ҳақида билдирги тайёрла. Майли, сен айтганча бўла қолсин, – деди бошлиқ, бироз шаштидан тушиб.

Ҳамидовнинг фикри-хаёли гумондор шахсни тезроқ топиб, барча нарсаларга ойдинлик киритишда эди. У деярли дам олишни ҳам унутиб қўйганди. Бошлиқ хузуридан чиқиши билан хонасига ўтиб, хизмат сафари учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштиришга киришди. Бир даста қоғозларни кўтарган Ҳамидов вақтни ўтказмай яна бошлиқ олдига ўтди. Телефонда ким биландир гаплашаётган бошлиқ, нигоҳлари билан унга ўтиришга рухсат берди. Ҳамидов халақит бермаслик учун чиқиб кетмоқчи бўлди. Бошлиқ яна ўтиришга ишора қилди ва гўшакни қўйгач:

– Ким билан гаплашганимни билдингми? – деб



сўради. Гарчи капитан буни пайқаган бўлса-да, бошини кимирлатиб, – Йўқ, – деб жавоб берди. Бошлиқ мийиғида кулиб:

– Бу катта бошлиқ эди. Ходимларнинг жиноятни очишга бўлган фидойилигига раҳмат айтиб, хизмат сафарингга рухсат берди. Эҳтиёт бўлишларингни эса каттик тайинладилар, – деди ва унинг қўлидаги қоғозларга имзо чекар экан, гапида давом этиб, – Ўзинг билан қайси ходимларни олиб кетмоқчисан? – деб сўради.

– Сиз кимни тавсия қилсангиз, шуни, – деди капитан. Бошлиқ бир зум ўйланиб турди-да:

– Тезкор вакил катта лейтенант Қосимов ва «Дамас» машинасини ҳайдовчиси билан олиб кетишингга рухсат бераман. Улар ҳам тезда хизмат сафари ҳужжатларини тайёрласинлар. У ерга борганингдан кейин менга вазият ҳақида тез-тез қўнғироқ қилиб тур, – деб капитан билан илиқ хайрлашди.

Ҳамидов каттик чарчаган бўлса-да, кеч ётишига қарамасдан эрталаб соат бешда уйғонди. Унга нимадир куч, сабр-тоқат берарди. Бу унинг ўз ички ҳис-туйғусига бўлган ишончи эди. У келишилган жойда кутиб турган Шерзодни олиб, бўлимга қайтди. Тезкор вакил Қосимов ва ҳайдовчи Тожиевлар уни кўриб:

– Бу ким, у ҳам бизга ҳамроҳлик қиладими? – деб сўрашди.

– Исми Шерзод, бозорда аравакашлик қилади. Уни ҳам сафимизга кўшдик. – жавоб берди Ҳамидов.

– Демак, у ёқда бозор ҳам қиларканмизда, – деди кулиб Қосимов.

– Аравакашнинг иш беришига кўзим етмайди, – деб энсаси қотди Тожиевнинг.

– Сизлар тожикчани биласизларми ёки гумондор шахсни кўрганда танийсизларми? – ўшқирди капитан Ҳамидов. Уларнинг нафаслари ичига тушиб, жим қолишди. Ҳамидов давом этиб:

– Оллоҳнинг ўзи қўллаб, сафаримиз беҳатар бўлсин.

Омин! – деб қўлларини юзига тортди-да, йўлга чиқишга рухсат берди.

Тезкор гуруҳ ўтирган «Дамас» машинаси ўн соатлар чамаси йўл босиб, чегара ҳудудлардаги кўп қийинчиликлардан сўнг, ниҳоят Хўжандга етиб келди. Шерзод орқали ўткинчи йўловчилардан ички ишлар бўлимига қандай боришни билиб олишди. Унинг тожик тилида бемалол гаплашаётганини кўришган Қосимов ва Тожиевлар ўз хатоларини тўлиқ тушуниб етишди. Ҳамидов бўлимга боргач, навбатчидан Муҳаммаджон Иномовни чақириб беришни сўради. Навбатчи унинг бўлимда эмаслигини маълум қилиб, пича кутиб туришларини сўради. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ойналари қорайтирилган «Жигули» машинаси бўлим олдида тўхтади. Елкасига автомат осган ходимлар машинадан тушиб, ичкарига юра бошлашди. Ҳамидов кутилмаганда бирдан:

– Иномов, – деб бақириб юборди. Улардан биттаси ортига ўгирилиб, – Мен, – деб жавоб берди-ю, ўртоғи Сардорни таниб, унга бағрини очди. Икки дўст анча вақт жим кучоқлашиб туришди.

– Ҳа, шайтон-а, телефонда бораман деганингда очиғи ишонмагандим. Маладец, қани ичкарига кирайлик, бафуржа гаплашамиз, – деб Муҳаммаджон уни хизмат хонаси томон бошлади. Хонада бир стол ва курсилардан ташқари яна тўртта каравотларни кўриб ҳайрон бўлган Ҳамидов ҳазиллашиб:

– Бу сизларнинг хизмат хонангизми ёки ётоқхонангиз?– деди.

– Бир неча йилдан бери шу аҳвол. Тўғриси, сизларга ҳавасимиз келади, ватанингизда тинчлик ҳукмрон. Дарвоқе, Омскка бордингми, бошқа курсдош ўртоқларни ҳам кўрддингми? – деди Муҳаммаджон талабалик йилларни ёдга олиб.

Икки дўст Омск милиция олий мактабида таҳсил олган даврларни хотирлаб, мириқиб суҳбатлашди. Сўнг Сардор дўстига ташриф мақсадини ва режаларини батаф-

сил гапириб бериб, бошлиғи билан учраштиришни илтимос қилди. Қабулхонага ўтишгач, Муҳаммаджон бошлиқ ёрдамчисига, Ўзбекистон республикасидан ички ишлар ходимлари келишганини, бошлиққа билдиришни сўради. Ичкарига кириб, тезда чиққан ёрдамчи, Муҳаммаджонни бошлиқ хонасига киргизиб, меҳмонлардан бирпас кутиб туришни илтимос қилди. Сал ўтмай ичкарига капитан Ҳамидовни таклиф қилишди. У шерикларини қабулхонада қолдириб, навбатчи бошлаб борган хонага кирганида, кўринишидан жуда чарчаган, мўйлови ўзига ярашиб турган полковник, ўрнидан туриб, у билан саломлашди-да қатор терилган курсиларнинг бирига ўтиришга рухсат этди. Ҳамидов ўзини таништириб, портфелини очиб, хизмат сафарининг мазмун-моҳияти ва иш режалари битилган қоғозларни олиб, полковникка кўрсатмоқчи бўлганида:

– Шарт эмас, менга ҳаммасини Муҳаммаджон батафсил тушунтириб берди. У сизлар билан бирга бўлади. Агар бирорта муаммо туғилгудек бўлса, менга тортинмай мурожаат этаверинглар. Ишларингизга омад, – деди бошлиқ.

Бошлиқ хонасидан хурсанд чиққан дўсти ва унинг ҳамроҳларини Муҳаммаджон шу яқин атрофдаги ошхоналарнинг бирида меҳмон қилди. Кейин яна стол атрофига жамланишиб, қилиниши лозим бўлган ишларни бўлиб олишди. Катта лейтенант Қосимовга, маълумотлар бюросида 18–25 ёшгача бўлган Акбар Очиловларнинг рўйхатини олиш топширилди. Капитан Ҳамидов эса қидирувдаги жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларнинг тўрт юздан ортиқ йиғма жилдини синчиклаб қараб чиқиб, ўн битта Очиловни топди. Ҳар битта суратга узоқ вақт диққат билан тикилган Шерзод, буларнинг бирортаси ҳам Акбарга ўхшамаслигини билдирди. Ҳамидов ҳамкасбларидан Ява тумани ИИБ томонидан қидирилаётган жиноятчилар ва бедарак йўқолган шахсларнинг йиғма жилдларини ажратиб беришларини

сўради. Ҳеч қанча вақт ўтмай унинг қўлига ўн иккита йиғма жилд тутқазишди. Афсуски, уларда ҳам биронта Очилов фамилияси кўзга ташланмади. Ҳамидовнинг асаблари таранглашиб, қўл узатса етгудек бўлиб кўринган шахсни аниқлашга бўлган ишонч дарз кетгандек бўлди.

– Фамилиялари бошқа бўлса ҳам суратларини яхшилаб кўриб чиқ! – бақирди Шерзодга капитан аламини яширолмай. «Солиев Рустам Шукурович, 1979 йилда туғилган» деб ёзилган йиғма жилдда умуман сурат йўқ эди. «Инкасаторларни тунаб, уларнинг қуроолларини олиб кетиш каби оғир жиноятни содир этиб, 1995 йилдан бери қидирувда юрган шахснинг сурати бўлмаса. Буниси жуда қизиқ-ку», – хаёлга ботди капитан. Сўнг унинг суратини топиб беришни сўраганида, тожикистонлик ҳамкасблари бирмунча вақт излаб, қуруқ овора бўлганлари қолди, холос. Ҳамидов унинг яқин кишиларидан бири шу соҳага алоқадор одам бўлганлигини фаҳмлади. Ҳар эҳтимолга қарши суратсиз йиғма жиллдаги бу шахснинг исм фамилиясини иш дафтарига ёзиб қўйди. Мингдан ортиқ қарточкаларини излаб топган Қосимов, ҳорғин кайфиятда капитандан,

– Буларни нима қиламиз? – деб сўради.

– Эртага паспорт столига ўтиб, ҳаммасининг «форма-1» ларини кўтариб, суратларини Шерзодга кўрсатамиз, – деди капитан, бир оз тушкун кайфиятда. Шу куни Муҳаммаджоннинг уйида дам олишди. Эртасига мингга яқин Очиловларнинг суратларини кўриб чиққан Шерзод маъносиз бош чайқади. Шунча меҳнатнинг самарасиз яқунлангани, тезкор гуруҳнинг кайфиятини батамом тушириб юборди. Улар Муҳаммаджоннинг хизмат хонасига қайтиб келишлари билан Ҳамидов дўстидан:

– Ява тумани бу ердан қанча километр узоқликда жойлашган? – деб сўради.

– Чамаси юз километрча бор, – деди Муҳаммаджон.

– Энди у ёққа ҳам борамизми? – сабри чидамади Қосимовнинг.

– Йўқ, бормаймиз, шунчаки қизиқиб сўрадим, – деди Ҳамидов ҳамкасбини тинчлантириб.

– Унда нима қилмоқчисизлар? – савол берди Муҳаммаджон.

– Эртага ортимизга қайтамиз, – деди капитан. Буни эшитиб Қосимов хурсанд бўлиб кетди.

– Тўрт кундан бери дам олмадингизлар. Бугун уйга эртароқ борайлик, хотинга палов тайёрлаб қўйишни тайинлагандим, – деди Муҳаммаджон дўстига азбаройи ачиниб.

– Раҳмат дўстим, сен бўлмаганимда биз нима қилардик. Қосимов билан ҳайдовчини олиб кетавер. Шерзод иккимиз шу ерда қоламиз, – деб дўстининг елкасидан секин кучиб қўйди капитан.

Уларни олиб кетишга астойдил уринган Муҳаммаджоннинг ҳаракатлари зое кетди. Ҳамидов дўстининг икки хонали уйда кўпчилик бўлиб яшашларини била туриб, уринтириб қўйишни истамади. Улар кетишгач, Ҳамидов Шерзод билан анча вақт гаплашиб ўтирди. Сўнг унинг маъюс кўзларига тикилиб:

– Мана, Тожикистондамиз, лекин Акбар қани? – деб сўради. У ўзини айбдор ҳис қилгандай, бошини эгди.

– Бунда сенинг ҳеч қандай айбинг йўқ, чироқни ўчириб, дамингни ол. Эрталаб соат олтида йўлга тушамиз, – деб Сардор Ҳамидов секин бошини ёстикқа қўйди. Ярим кечаси чўчиб уйғонган Сардор Шерзодни уйғотди. Уйқусираган кўзларини базўр очган Шерзод соатига нигоҳ ташлаб,

– Ҳали тонг отишига эрта-ку, – деб минғирлаб яна ётиб қолди. Капитан ташқарига чиқди. Салқин ҳаво бир оз этини жунжиктирди. Шундай бўлса-да у водопровод жумрагини очиб, яхшилаб ювинди, ўзини анча тетик ҳис қилди. Табиатан тушларга, фолбин ва ҳар қандай ирим-сиримларга ишонмайдиган капитаннинг тушида кўрганлари ҳеч хаёлидан кетмасди.

Катта йўлдан бораётган капитан Ҳамидов, масофа-

ни янада қисқартириш мақсадида, ён томондаги кичик йўлдан кесиб чиқмоқчи бўлди. Лекин машинани энди бурай деганда кимнингдир «Сардор ака», – деб аянчли бақирганини эшитди. У машинани тўхтатиб, овоз келган томонга қаради. Сал узоқроқда оқ ҳарир кўйлак ва рўмолда Анора қизи Ойдин билан ғамгин боқишарди. Ойдин бамисоли шаффоф идишдек, ҳаммаёғи тиник кўриниб турарди. Унинг қорнидаги жароҳатларни тиқишга ишлатилган иплар худди ўргимчак уясига ўхшарди. Лекин танасининг ичи бўм-бўш эди. Беихтиёр уларга яқинлашган Ҳамидов кетма-кет саволлар бера бошлади.

– Қандай қилиб бу даражада яраландингиз? Бу ерларда нима қилиб юрибсизлар? Ойдин капитаннинг саволларини жавобсиз қолдириб,

– Бу ёққа бурилманг, илтимос, тўғрига юринг. Биз сизга эргашиб келгандик, – деб кўздан ғойиб бўлишди. Хонага қайтиб чиққан капитаннинг бошқа уйқуси келмади. «Тушимда кўрганларим яхшиликками ёки ёмонликка? Улар нима дейишмоқчи? Наҳотки, бизга эргашиб юришган бўлса? Балки, Тошкентга қайтиб кетишимни иташмаётгандир. Қизиқ, ўзлари ҳам тўғрига юришди-ку. Нега? Нима учун?» Хаёллар қуршовидан кутулган Ҳамидов, дарҳол харитага назар ташлади. Чиндан ҳам Явага бориш йўлида Тошкент томон бурилишни кўрсатувчи белги бор эди. Соат миллари энди бешдан ошган, назарида вақт тўхтаб қолгандек эди. Ҳамидов ҳеч қачон бунчалик, тонгнинг тез отишини сабрсизлик билан кутмаганди. Қайтишга ҳамма нарса тахт бўлган пайтда капитан Ҳамидовнинг қарорини ўзгартириши ҳамроҳларига ёқмади.

– Сен нима десанг шу дўстим, хозироқ сизларни Явага бошлаб бораман, – деди Муҳаммаджон. Ярим йўлга етишганида йўл чеккасида ағдарилиб, ёниб ётган ПАЗ русумли автобус ва унинг атрофида автомат осган ҳарбийларни кўриб, тўхташди. Муҳаммаджон дарҳол улар-

нинг олдига бориб, тинмай сигарет чекаётган майор билан суҳбатлашди.

– Кимдир автобусни ўққа тутибди. Бизда бундай ҳолат тез-тез учраб туради. Яхшиямки, унинг ичида йўловчилар йўқ экан. Ҳайдовчини касалхонага олиб кетишибди. Ходимларимиз бутун ҳудуд бўйлаб вазиятни кўлга олишган, бемалол юришда давом этсак бўлади, – деди машинага келиб ўтирган Муҳаммаджон. Ҳамидов билан Тожиев капитанга хўмрайиб қараб кўйишди. Бу ерлар тоғликлардан иборат бўлганлиги боис, манзилга икки соатда етиб келишди. Шу вақт оралиғида ҳамроҳлари бир оғиз ҳам гапиришмади. Ҳамидов уларнинг астойдил хафа бўлишганини ҳис қилар, бироқ кечаги тушини уларга айтолмасди. Чунки изкувар ҳамиша ички ҳис туйғусига ишонмоғи, мақсади йўлида дадил қадам ташламоғи керак.

Ява туман ИИБ ЖҚБ архиви ҳужжатларида ҳам Солиев Рустам Шукуровичнинг сурати топилмаганлиги капитан Ҳамидовнинг тоқатини тоқ қилиб юборди. У машинага чиқар экан, алам билан ҳайдовчига, – Ҳайда!– деб бақирди.

– Энди қаёққа борамиз? – деди Муҳаммаджон дўстини бир оз юмшатиб.

– Солиев Рустам Шукурович ўқиган мактабга, – деди Ҳамидов сал ўзига келиб. Муҳаммаджоннинг беғараз кўмаги билан мактаб ҳам осон топилди. Изланаётган йигитнинг синф раҳбари бўлган эллик ёшлар чамасидаги ўқитувчи аёлдан, Солиев Рустам Шукуровичнинг синфдошлари билан тушган суратини топиб беришни илтимос қилишди.

– Мактабни тугатиш арафасида барча синфдошлар суратга тушиб, альбом тайёрлаш анъанаси бизларда ҳам мавжуд. Ҳозир ўша «винетка»ни олиб чиқиб кўрсатаман,– деб ўқитувчи синф хонасига кириб кетди.

– Ишончим комилки, бу ерда ҳам унинг расми топилмайди, – деди Ҳамидов дўстига қараб. Муҳаммаджон

жим елкасини қисиб кўйди. Бирпасдан кейин винетка-ни олиб чиққан ўқитувчи кўзойнагини тақиб, унга анча тикилди-да:

– Бу ерда унинг расми йўқ, афтидан у суратга тушмаган бўлса керак, – деб узр сўради.

– Ҳечқиси йўқ, малол келмаса, бизга унинг уйини топишда ёрдам бера олмайсизми? – деб сўради Ҳамидов хушмуомалалик билан. Аёл розилик билдириб, машинага ўтирди-да, тор кўчалардан бошлаб, муюлишга етганида пастқам жойни кўрсатди. Ҳамидов аёлга яна бир бор раҳмат айтиб, уни кузатиб кўйди.

– Бу ёғига энди хийла ишлатамиз, – деди Ҳамидов дўстига қараб ва ўз режасини унга яхшилаб тушунтирди. Дарвозани очган, қадди хиёл букчайган, соч-соқоли оқарган кишига Муҳаммаджон ўзини таништириб:

– Булар Ўзбекистондан келган милиция ходимлари. Тошкентда тожик миллатига мансуб бир кишининг жасади топилибди. Биласиз, ўғлингиз анчадан бери кидирувда юрган экан. Унинг бирорта суратини кўрсатсангиз, шунга қараб ойдинлик киритмоқчимиз, – деди. Рустамнинг отаси кўзларига ёш олиб, ичкарига кириб кетди ва бирпасдан кейин бир даста суратларни кўтариб чиқди. Унда Рустамнинг ёлғиз ўзи, дўстлари ва оиласи даврасида тушган турли хил суратлари бор эди.

– Уларни шерикларимга ҳам бир кўрсатай, – деб Ҳамидов узокроқда қолдириб келинган машина томон ўқдай учди. Суратларга термилиши билан Шерзод:

– Худди шунинг ўзи, – деб бақириб юборди. Қосимов билан Тожиев тош қотишди. Ҳамидов эса қувончдан ка-рахт эди. У ўзини қўлга олиб, орқага қайтди ва:

– Биздаги расмга ўхшамади, рухсат этсангиз, ҳар эҳтимолга қарши бир-иккита суратни олиб кетамиз, – деди Ҳамидов. Муҳаммаджон дўстининг гапини суҳбатдошига етказганида, Рустамнинг отаси енгил тин олиб, боши билан унсиз ризолик белгисини билдирди. Улар қайтиб машинага ўтиришганида, дўстининг қувончини пайқаган Муҳаммаджон сабри чидамай:



– Ростдан ҳам топдингми? – деб сўради. Ҳамидов тайёрланган фоторобот ва боягина қўлга киритган суратни кўрсатди. Дўсти уларни солиштирар экан:

– Худди ўзи, яшавор ўртоқ, сен ўқишда ҳам доим интилувчан эдинг, – деб Ҳамидовнинг елкасига уриб кўйди. Хўжандга етиб келиши билан Ҳамидов бошлиғи билан уланди. Бироқ бошлиқ саломга алик олишни ҳам унутиб:

– Хавотирдан ўлиб бўлдим-ку. Нега шу пайтгача бирон марта кўнғироқ қилмадинг? – деб бақирди.

– Ҳаммаси жойида, гумондорнинг тўлиқ исми-шарифини ёзиб олинг, – деб капитан Рустам ҳақида маълумот берди. Муҳаммаджон ҳамкасбларини чегарагача кузатиб кўйди. Икки дўстнинг хайрлашиш онлари ҳаяжонли кечди.

– Ҳаммаси учун раҳмат, дўстим, – деб Ҳамидов Муҳаммаджонни бағрига босди. Машина кўздан узоқлашиб кетгунча, Муҳаммаджон қўл силкитиб қолди. Қаттиқ чарчаган ва машина тебранишидан бир оз ором олиб, кўзи илинган капитан Ҳамидов бирдан уйғониб кетди.

– Мени кечиринг, бунчалик тиришқоқлигингизни билмаган эканман, – деди катта лейтенант Қосимов унга қараб.

– Чиндан ҳам сизга қойил қолдим, – деб унинг гапини маъқуллади ҳайдовчи Тожиев.

– Бу сизларнинг ҳам меҳнатингиз самараси, – деб Ҳамидов ҳамроҳларининг қўлларини қаттиқ сиқиб кўйди. Шерзоднинг меҳнатини эса алоҳида эътироф этиб, елкасидан маҳкам кучди. Эртасига эса сафар мобайнида тўпланган барча ҳужжатларни кўриб чиққан бошлиқ капитан Сардор Ҳамидовга яна бир раҳмат айтди.

– Шахсини аниқладик, энди унинг ўзини ҳам, албатта тутамиз, – деди капитан бунга жавобан қадини ғоз тутиб. Барча вилоят ИИБларга Солиев Рустам Шукурович бўйича белгилар жўнатилди. Орадан бир-икки ҳафта ўтгач, навбатдаги тезкор йиғилиш пайтида теле-

фон жиринглади. Гўшакни кўтарган бошлиқ ким биландир тез гаплашди-да, капитан Ҳамидовга қараб, жазони ижро этиш муассасаларидан бирига зудлик билан боришни тайинлади. Капитан, айтилган манзил томон бамисоли ўқдек учди. Ўзини жазони ижро этиш муассасаси бошлиғининг ўринбосариман деб таништирган майор Қодиров уни хонасига бошлаб кирар экан:

– Бизда сиз юборган суратдаги шахсга жуда ўхшаш ва алоҳида белгилари ҳам мос келадиган бир маҳбус ўтирибди. Лекин унинг исми, фамилияси мутлақо бошқача. Ҳар эҳтимолга қарши кўриб қўйсангиз фойдадан холи бўлмас деб қўнғироқ қилгандим, – деди.

– У қайси жинояти учун қамалган? – сўради Ҳамидов.

– Собир Раҳимов туманида содир этган талончилиги учун, – жавоб берди майор ва ён томондаги тугмачани босиб, навбатчига ўша маҳбусни олиб келишни буюрди. Сал ўтмай муассаса назоратчиси маҳбусни олиб келгани ҳақида ахборот берди. Майор киришга изн берди. Хонага кирган йигирма-йигирма беш ёшлар чамасидаги маҳбус дудукланиб:

– Ме-ен О-чил-ов А-акба-ар Рў-ўзи-имов-ич, бирр ми-ннг тў-ўқ-из юз, етм-иш са-аккиз-зинчи йи-ил-да ту-уғилга-анман...– деб, ўзбекча ва русча сўзларни қориштириб, ўзи ҳақида маълумот берар экан, капитан Ҳамидов шу топда ўзини йиллар давомида тошларни ўйиб, буюк бир санъат асарини яратган ҳайкалтарошдай ҳис қилди. Дарҳақиқат, унинг аниқ қиёфасини жонлантиргунча озмунча тер тўқдими. Қанча тунлар ором билмади. Ниҳоят ўз хаёлларидан чалғиган капитан Ҳамидов унга қараб:

– Рустам, мана бу расмга қара-чи, – деб қўлига унинг оиласи билан тушган суратини берди.

– Рус-таам де-едингизми-и? – ҳайрон бўлгандек кўрсатди ўзини.

– Ҳа, Солиев Рустам Шукурович, мен сени анчадан бери излаб юргандим, – деди капитан Ҳамидов кулим-

сираб. Махбус расмга разм солар экан, беихтиёр қўллари калтираб, кутилмаганда бирдан йиғлаб юборди. Сўнг кўз ёшларини тез артиб:

– Си-изз уйимг-аа ростда-анн ҳам бо-ррдинги-ззми? – деб сўради. Капитан Ҳамидов унинг мактаби, синф раҳбари, маҳалласи ва отаси ҳақида гапирар экан, шундай замин ва шундай оилада бунчалик ваҳший инсоннинг етишганига ҳамон ишонгиси келмаётганини билдирди. Буларни тинглаётган майор Қодиров ҳам ҳайрон қолиб:

– Демак, хужжатларинг қалбаки экан-да. Сен чиндан ҳам Солиев Рустам Шукуровичмисан? – деб сўради.

– Ме-е-е-ни ке-чи-рринглар, – деб яна йиғлаб юборган Рустам бир оздан кейин Анора билан Ойдинни қандай ўлдирганликларини ипидан игнасигача гапириб берди. Уни обдон тинглаган капитан Ҳамидов:

– Сўнгги саволимга ҳам жавоб бер. У бечораларни нима учун ўлдирдингизлар ва Ойдиннинг ички аъзоларини нима қилдингизлар?

– Аноранинг қизи Ойдиннинг номусига тажовуз қилдик, буни кўрган Анора милиция чақираман деб бақирди, шунинг учун.

У шериги Акмалнинг қиз қорнини ёриб, ичидаги аъзоларидан қўлига кирганини суғуриб олиб, бу жиноятни ҳеч кимга айтмаслик ҳақидаги қасамга содиқ қолишни исботлаш учун Ойдиннинг қораталоғини унга бир тишлатиб, ўзи ҳам тишлаб, сўнг деразадан улоқтириб юборганини, бироқ қораталоқ дарахт шохларига осилиб қолганини гапириб берди.

Шу заҳоти тезкор вакил, капитан Сардор Ҳамидов тегишли хизмат ходимларини олиб, Аноранинг уйига борди. Тўрт қаватли уй билан бўйлашиб турган дарахтадаги қуриб қолган бир парча гўштни кўриб, капитан ҳайратдан қотиб қолди. Сал вақт ўтмай Акмал ҳам қўлга олинди...

## ҚАБОҲАТ

*«Ёвузлик ҳамиша шафқатсизлик ва заифликдан келиб чиқади».*

СЕНЕКА

\* \* \*

Эскиларнинг айтишича, ёмон аёл бўлмас экан. Уларнинг ахлоқсизлик ва охир-оқибат жаҳолат кўчасига киришларига асосан эркакларнинг ўзлари сабабчи бўлишаркан. Ривоят қилишларича, Раҳмонбек исмли киши исми жисмига монанд келмайдиган хулқ-атворда бўлиб, рўзғорга зарур нарсаларни харид қилишда сарф-харажатни ниҳоятда кам бичиб, аммо хотинини бозорга жўнатаётганида кўпроқ нарса олиб келишни талаб қилар экан. Агар харид кўнгилдагидай бўлмаса, бечора ожизани уқувсизликда айблаб, роса дўппосларкан. Хотини шўрлик бозорга боргач кўпроқ нарса харид қилиш илинжида арзонроқ мол излаб, сарсон-саргардон бўларкан. Сифати пастроқ ширинликларни ийманибгина танлаётган жувонга қараб баққол:

– Сиздай ҳурилиқо аёлга тишни синдирадиган бундай қанд-қурсларни тановул қилиш ярашмайди, – деб тугунчасига мазаси оғизда қоладиган ширинликлардан анчагина солиб бериб, пулини ҳам олмабди. Бироқ жувон бу ҳақда эрига айтишга кўрқибди. Эри ҳам чиройли хариднинг сабабини суриштириш ўрнига лоқайдгина хотини олиб келган нарсаларни паққос туширибди. Бу гал калтакдан қутулиб қолган хотин кейинги гал бозорга борганида беихтиёр яна ўша баққолни излай бошлабди. Чунки хотин эридан ҳеч қачон ёқимли сўзлар эшитмаган экан. Баъзилар, хотинни мақтасанг, талтайиб кетади, уни кулдек сақлаш керак деб фикрлашади. Лекин эр айтмаган мақтовни кўчадан эшитган хотиннинг дунёқараши тубдан ўзгариши ҳам ҳеч гап эмас экан. Баққолнинг ширин сўзлари ва саховатпешалигидан лол қолган жувон унинг қўйнига қандай тушиб қолганини билмай қолди.

Эрнинг лоқайдлиги ва бадфеъллиги эса жувонга ўзига мавҳум бўлган иккинчи дунёни кашф этиб, боши берк йўл томон бошлади...

...Эридан ҳеч ширин сўз эшитмаган, лоқал бир марта бўлса-да, эркаланиб кўрмаган, ҳаттоки унинг бағрида ҳам иссиқ тафтни сезмаган замондошимиз Аня ҳам бошқа бир эркадан эътибор топгач, тубдан ўзгарди. Бир неча бор судланган, турқининг совуқлигидан ҳатто ит ҳам хуркадиган Фёдор эса издан чиққан оиласини йўлга солиш ўрнига, хотинининг хиёнатидан баттар тушкунликка тушиб, аламини ичкиликдан ола бошлади. Унинг руҳий ҳолати шу даражага бориб етдики, мутлақо бефарқ бўлиб қолган эрига хотини бир шиша ароқ бериб, қўшни хонада жазмани билан бемалол кўнгилхушлик қиларди. Аммо ароқ топилмаса, Фёдор шердай наъра тортар, сўкиниб, ҳамма ёқни остин-устун қилиб ташларди. Ўша куни ҳам уйда ароқнинг йўқлиги Анянинг «меҳмон» кутишига халақит қилди. Аниқроғи, бойвачча «мижоз»лардан бири, уйдаги шовқин-сурондан кўрқиб, жуфтакни ростлади. Пул бериб, эрини кўчага аранг кузатиб қўйган хотини ундан қутулишнинг йўлларини излай бошлади. Қош қорайганда уйга кайфи тароқ кириб келган Фёдор ғўлдираб сўкинганча ухлаб қолди. Аня эса кабиҳ ниятини амалга ошириш учун бутун вужудини ларзага солаётган нафратнинг кучли босими остида қўлига илинган болта билан эрининг бошига аёвсиз туширди. Жон ҳолатда қичқирса-да, нима бўлганини англай олмаган Фёдорнинг уйқули кўзлари мангу ёпиклигича қолди. Жиноятни яширишнинг турли йўлларини излай бошлаган аёл бир тўхтамга келиб, бу борада бир оз тажриба тўплаган, тиконли сим ортининг аччиғини татиб кўрган отасини ёрдамга чақирди. Олтмишга яқинлашиб қолган Арсеннинг мункиллаган гавдаси ва қон қочган юзидаги ўргимчак инига ўхшаш чандиқлар худди даҳшатли кинолардаги кўрқинчли қиёфаларни акс эттирарди. Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бу кимса бир зумда Фёдорнинг

жасадини бўлаклаб, олиб чиқиб кетишга қулай қилиб қўйди. Фёдор кичик сумкаларга жойланди ва туннинг қора пардаси борлиқни қоплаганида сув қаъридан жой олди. Елкасини тоғдек босиб турган оғир юкдан халос бўлган Аня отасининг пинжига кириб:

– Қилмишимиз ошкор бўлишидан кўрқаяпман, – деди.

– Бу гал ўйлайманки, хато қилмадим. Ҳатто машҳур изкувар Шерлок Холмс тирилиб келса ҳам, бу жинойтни фош қилолмайди. Менга ишонавер, қизим, – деди отаси уни юпатиб.

Шундан кейин Аня «балиқ ови»га кетган эрини унутиб, кайфини суриб юраверди. Орадан ўн кунлар чамаси вақт ўтиб, «каналда чўмилаётган болалар одам калласини топишибди, копток деб ўйлаб уни ушлаган боланинг қаттиқ кўрққанидан юраги ёрилишига бир баҳя қолибди», деган миш-мишлар Анянинг ҳам қулоғига етиб, ток ургандек сесканиб кетди. Бироқ отасининг тасаллиси уни анча тинчлантирди. Бу вақтда туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, капитан Сардор Ҳамидов каллани кўздан кечириб, эксперт-криминалистика хизмати ходимларига тегишли кўрсатмалар бераётган эди. Мутахассислар марҳумнинг жинси, миллати, ёши ва қачон ўлганлиги ҳақида етарли маълумот беришгач, капитан Ҳамидов юқори ташкилотлар раҳбарлари билан боғланиб, канал сувини маълум муддат ёпиб қўйишларини сўради. Бу кутилган самара бериб, тезкор изланишлар натижасида марҳумнинг бошқа аъзолари ҳам топилиб, яхлит бир инсон жасадини ташкил қилди.

Туман ИИБнинг бутун шахсий таркибига Фёдорнинг бош сурати ксеронусхалари тарқатилиб, ўн кундан бери уйига келмаётган 40–45 ёшлардаги эркак кишиларни суриштириш вазифаси топширилди. Эртасига профилактика инспекторларидан бири капитан Сардор Ҳамидовга кўнғироқ қилиб, ўзи хизмат қилаётган худудда берилган маълумотга тўғри келадиган хона-

дон борлигини хабар қилди. Капитан Ҳамидов вақтни ўтказмай тўғри унинг олдига борди. Профилактика инспектори, лейтенант Адҳам Момутов, балиқ овига кетиб, қайтиб келмаган шахс – қирқ бир ёшли Фёдор Алексеевич Смирнов бўлиб, муқаддам судланганлиги, кейинги пайтлар ичкиликка ружу қўйганлиги ҳақида батафсил маълумот бериб, бироқ суратдаги башара унга бир оз ўхшамаслиги, чунки унинг озғин эканлигини таъкидлади. Кесилган ва анча пайтгача сувда бўлган калланинг бир оз шишган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас деб тахмин қилди капитан ва тезкор вакил катта лейтенант Асад Шуҳратовга марҳум ва унинг турмуш ўртоғи Анянинг яқин қариндошлари ҳамда улар орасида судланганлар бор-йўқлигини суриштиришни топширди. Суҳбатга тортилган қўшнилар Фёдор ва Аня тўғрисида жуда аччиқ танқидий фикрлар билдиришди. Жанжалкаш бу оиладан аллақачон безиб, қўлларини қўлтиққа уришганини ҳам тап тортмай айтишди. Ўзи излаётган хонадон тўғрисида қисман маълумотга эга бўлган Ҳамидов унинг эшигини оҳиста тақиллатганида, қаршисида пайдо бўлган ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги рус аёли негадир саволомуз эмас, балки ноз-карашма билан боқди. Ҳамидов гувоҳномасини кўрсатиб, ташриф мақсадини маълум қилганида ҳам аёл юзида ўзгариш сезилмади, аввалгидай маъноли табассум қиларди.

– Ичкарига кирсам майлими? – сўради капитан.

– Сиздай келишган, кўркам йигитга қайси аёл ҳам монелик қиларди. Марҳамат, – деб аёл ичкарига бошлади. Аёл қадди-қоматини кўз-кўз қилиш учун оғирлигини гоҳ чап, гоҳ ўнг томонга ташлаб, товусдай товланиб, ҳовлининг тор йўлагидан майда одимлар, капитан эса бефарқ атрофни зимдан кузатарди.

– Янглишмасам сиз Аня Смирнова бўлсангиз керак, – деди капитан.

– Худди шундай, тинчликми, эрим бирон ножўя иш қилибдими? – ҳамон ўша алфозда эркин турарди жувон.

– Эшитишимча, эрингиз балиқ овига кетиб, ханузгача қайтмаган эмиш. Эҳтимол, у билан бирга кетган бирон улфатини биларсиз?

– Ким билан кетганини аниқ билмайман. Келинг, яхшиси кофе ичайлик, мабодо эсимга тушиб қолса, бафуржа гапириб бераман. Сиз ҳам чарчаган бўлсангиз керак, кофе баҳона бирпас гаплашиб ўтирамыз, – деб Аня капитаннинг қаршилигига қарамай ошхона томонга ўтиб кетди. Пайтдан фойдаланиб, хоналарни зимдан кўздан кечираётган капитан мебеллар остидаги аранг кўриниб турган дастакни тортди. Бир томони болға, иккинчи томони болта шаклида ишланган дурадгорлик иш қуроли марҳумнинг узилган бошидаги жароҳатларнинг ўлчамига тўғри келаётгани Сардор Ҳамидовни янада хушёр торттирди ва уни авайлаб олиб қўйди. Кофе тайёрлаб келган хонадон соҳибаси, меҳмонга илтифот кўрсатаркан, халатининг пастки тугмаларини ечиб, рўпарадаги стулга оёғини чалиштириб ўтириб олди.

– Турмуш ўртоғингиз билан муносабатингиз қандай?– сўради капитан.

– Жуда яхши, севиб турмуш қурганмиз. Лекин у кейинги пайтлар анча кўп ичадиган одат чиқарди. Мана энди тўрт ёшли ўғлим билан мени ташлаб кетди, – деди аёл ҳамон ундан кўзини узмай.

– Нега шунча кундан бери эрингизни суриштирмадингиз?

– Олдин ҳам шунақа уйдан чиқиб кетганча анча пайтгача йўқ бўлиб кетарди-да, кейин икки бармоғини бурнига тикиб, қайтиб келарди. Бу гал ҳам шундай бўлса керак деб ўйлаб, милицияни безовта қилишни истамадим.

– Фёдорнинг кўзи қанақа рангда эди?

– Худди меникига ўхшаш жигарранг, – жавоб берди аёл.

– Унинг биронта рангли расмини кўрсатинг-чи, – деди капитан. Аввалги ҳолатидан асар ҳам қолмаган Аня энсаси қотиб, расмнинг йўқлигини билдирди. Шаштидан



кайтмаган капитан эса унга излаб топишда ёрдамлашиб, стол тортмасидан Фёдорнинг паспортини топди. Ундаги суратда Фёдор кўзининг ранги кўк эканлиги яққол билиниб турарди. Анянинг ёлғон гапираётганига тўла ишонч ҳосил қилган Сардор Ҳамидов яна хоналарни зимдан кўра бошлади. Шу пайт тезкор вакил катта лейтенант Асад Шухратов қўнғироқ қилиб, Анянинг отаси Арсен Николаев илгари қотиллик қилиб судланганлигини маълум қилди.

– Баракалла, – деди капитан Ҳамидов ва уни дарҳол бўлимга олиб боришни тайинлади. Шундан кейин ўзи ҳам Аняни бўлимга олиб бориб, суриштирувни бошлаб юборди.

– Нега эрингизнинг кўзини жигарранг деб ёлғон гапирдингиз?

– Мен тўғриси айтдим.

– Унда мана бу расмга қаранг-чи, – аёл капитан кўрсатган расмга нигоҳ ташлади-да, гўё ҳеч нарса бўлмагандай тескари қараб олди. Агар бошқа аёл бўлганда бундай расмни кўриши билан хушидан кетарди ёхуд даҳшатдан бақириб юборарди. Мулоҳаза юритаётган Ҳамидов яна сўради

– Суратдаги калла эрингиз Фёдорга ўхшайдими?

...

– Майли, гапириш-гапирмаслик хоҳишингиз. ДНК текширувлари ҳам буни аниқлаб беради. Лекин бояги гапларингизга мени ишонди деб, хомтама бўлманг. Сиз ҳақингизда етарли маълумотга эгамиз. Чунки нариги хонада отангиз ҳаммасини терговчига гапириб берди, – деди капитан. Буни эшитиши билан Аня кутилмаганда, – Отамда айб йўқ, эримни мен ўлдирдим. Боя сиз олиб кетган болта билан уни бир неча марта урдим. Отам эса жасадни йўқотишда менга ёрдамлашди холос, – деб бақириб, йиғлаб юборди.

Капитан Сардор Ҳамидов узатган оқ қоғозга қора қилмишини битаётган Аня ўзи мутлақо билмаган ва та-

саввурга ҳам эга бўлмаган фақат отасидан эшитган Шерлок Холмсни кўргандай изкуварга ўғринча, бот-бот қараб кўярди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, мазкур аянчли жиноят содир бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Юқорида келтирилган ривоятнинг мазмун-маъносини тушуниб, оила ва жамият олдадаги бурч ва масъулиятини ҳис қилиб, йўл қўйган хатоларига танқидий қараб, теран фикрловчи инсон буни чуқур англаб етиши шубҳасиз.



## ЕРТЎЛАДАГИ МОЗОР

*«Жиноятчи баъзан жазодан қутулиб қолиши мумкин, аммо жазо даҳшатидан қутулмайди».*

СЕНЕКА

\* \* \*

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йилнинг ёзи. Кўнглига қил сиғмаётган Наталья ишхонасидан рухсат олиб, тўғри синглизиникига борди. Озиб-тўзиб кетган Саша холасини кўриб, кучоқ очиб югурди. Жиянининг қисқа вақт ичида афтодаҳол бўлиб қолганидан қалби ўртанган Наталья узок вақт уни маҳкам кучоқлаб турди.

– Онам қани? Нега улар келмайдилар? – деб йиғламсиради Саша.

Сашанинг мунгли саволларига анчадан бери ўзи ҳам жавоб излаб, тополмай қийналаётган Натальянинг дарди баттар оғирлашди. У баъзўр ўзини тийди ва олиб келган егуликларни Сашанинг олдига қўйди. Тез-тез нафас олиб, оғзидагини чала чайнаб ютаётган боланинг овқатланишини кўриб, Натальянинг юраги янада эзилди. У Сашани уйига олиб кетишга уринди.

– Мен ҳеч қаерга бормайман, шу ерда ойимни кутаман. Ойим менга ўйинчоқ телефон олиб келадилар. Кейин мен ҳам ўртоқларимга ўхшаб, унинг музыкасини эшитиб юраман, – деб бола узокларга тикилди.

Наталья умид ва ишонч билан бийрон гапираётган етти ёшли жиянининг кийимларини алмаштириб, кирларини ювиш учун олиб кетди. Бироқ синглизини кутакута сабри тугаган ва Сашанинг илтижоларига ортик тоқат қилолмаган Наталья туман ИИБга йўл олди. Катта тезкор вакил майор Жасур Солиев синглизини Анастасияни йигирма бир кундан бери излаётган аёлни диққат билан эшитиб, унинг аризасини навбатчи қисмда рўйхатдан ўтказди. Сўнг тезкор гуруҳни олиб, Анаста-

сия яшаган жойга жўнаб кетди. Кечга яқин тезкор гуруҳ қайтиб келишди. Майор Жасур Солиев стулга ўтирди-да, чарчоғини ёзиш учун оёқларини узатди. Шу пайт хонага кириб келган капитан Сардор Ҳамидов:

– Яхши бориб келдингизларми, нима гап экан? – деб сўради.

– Уйни кўздан кечирдик, қон ёки бошқа шубҳали нарсаларни кўрмадик. Ҳамма жиҳозлар жой-жойида, фақат, уйга тузук қарашмаган экан, ҳужжатларни тўплаб, прокуратурага юборамиз, яна битта бедарак йўқолган шахс рўйхатга олинадиган бўлди, – кўзларини юмганча жавоб берди майор.

– Ўғли-чи, уни кўрддингизларми? – шошиб сўради капитан.

– Йўқ. Чунки биз борганда у мактабда экан. Сенга нима керак ўзи? Намунча бошимни қотириб, кўп савол бераверасан. Бирпас дам олай, худо билади ҳали эрталаб-гача яна қанча жойга боришим керак, – деди бир кўзини хиёл очганча майор.

– Ҳеч нарса керак эмас, хонангиз очиқ экан, шунчаки ўзим киргандим, – деб капитан Ҳамидов ўз хонасига ўтиб кетди. Бироқ негадир қўли ишга бормади. Фикру хаёли бедарак йўқолган Анастасия ва уни интизорлик билан кутаётган ўғлида бўлди. Шартта ўрнидан туриб, Анастасияникига бормоқчи бўлди-ю, у ҳақда тўпланган ҳужжатларнинг прокуратурага тушишини кутиш маъқул деб ўйлаб, яна фикридан қайтди. Уйга кеч қайтган капитан Ҳамидов ухлаб қолган учта ўғлига меҳр билан термилиб, яна Сашани ўйлади. «У шўрлик ёлғиз қандай яшаётган экан. Онаси боласини ташлаб, нега бунчалик узоқ кетдийкин»? Хотини келтирган овқат ҳам капитаннинг томоғидан ўтмади. Аммо ичидаги изтиробни турмуш ўртоғига билдирмади. Ҳамидов иши ҳақида оиласига гапиришга одатланмаган эди. Орадан тўрт кун ўтиб, синглисини излаётган ўша рус аёли яна ИИБда пайдо бўлди. Капитан Ҳамидов кўзларидан тинмай ёш қуйилаётган аёлга салом бериб:

– Кечирасиз, синглингиз халиям топилмадими? – деб сўради.

– Йўқ. Лекин бу кўргулик етмагандай ўғлиям йўқолиб қолди, – яна пиқиллиб йиғлашга тушди Наталья, Ҳамидов уни хонасига бошлаб бўш ўриндиқларнинг бирига ўтқизиб, бир бошдан гапириб беришни сўради.

– Ўтган гал ҳаммасини айтган эдим, лекин ҳеч қандай натижа бўлмади. Мана уч кундирки ўғли Саша ҳам исиз йўқолди. Ахир, ишлайсизларми ўзи? – жаҳл билан бақириб юборди аёл. Капитан Ҳамидов Натальяга бир пиёла муздек сув бериб, синглиси ва унинг эри қаерда ишлаши билан қизиқаётганини билдирди.

– Анастасия уй жой қурилиш ширкатида ишлайди. Эри у билан ажрашиб, Россияга кетганига уч йил бўлди, – бир оз ўзини босиб саволларга жавоб бера бошлади Наталья.

– Эри Россиядан келган бўлиши ҳам мумкин-ми?

– Йўқ, келолмайди, чунки у ногирон эди.

– Синглингиз бошқа бир эркак билан ҳам учрашиб турармиди?

– Ҳа. Анастасия ўзи билан бир ширкатда ишловчи Вали исмли йигит билан учрашиб юарди.

– Сиз уни яхши танийсизми?

– Йўқ, унчалик эмас, фақат бир марта синглимнинг туғилган кунда кўргандим, холос. Лекин ширкатда ҳам ҳозир кўринмай қолган. Айтишларича, у кейинги пайтлар синглимникида яшаган экан. Лекин мен уни ҳечам учратмаганман. Яқиндагина бориб, Сашадан хабар олган эдим. Ўтган икки кун ичида бола ҳам йўқолди, ахир уларни ер ютиб кетмагандир, – деб яна йиғлашга тушди аёл.

Натальяга тасалли бериб, тушунтириш хати олган тезкор вакил Сардор Ҳамидов у билан бирга Анастасиянинг уйига борди. Бор-йўғи битта кириш эшиги ва учта панжарали деразаси мавжуд бўлган уй – кичик ҳовли жойдан иборат бўлиб, майор Жасур Солиев айтгани-

дек, жуда ёмон аҳволда эди. Эшикка осилган бесўнақай кулфни кўриб, Сардор Ҳамидов:

– Калит кимда? – деб сўради.

– Менда, ҳозир очаман. – деб аёл кулфга калит солиб, эшикни очди.

Капитан шошилмай ичкарига кириб, хонани синчиклаб кўздан кечира бошлади. Эшикдан киришдаги ювишиш жойида соқол олишда ишлатиладиган жилет устара-си ва кўпик суркагични кўриб, дастрўмоли билан уларни кўлига олди. Лезвиялар орасидаги соқол қолдиқлари ва суркагич толаларининг ҳали қуримаганлигини кўриб, аёлдан:

– Бу ерда кимдир яшайдими? – деб сўради.

– Йўқ, ким ҳам яшарди бу ерда.

– Яна кимда уйнинг калити бор?

– Ҳеч кимда.

– Унда мана бу нарсалар кимники? Ҳамидовнинг кўлидагиларни кўриб, аёлнинг хайрати ошиб:

– Кеча келганимда бу нарсаларни кўрмагандим, – деб жавоб берди. Капитан уларни жойига қўйиб, ўткир нигоҳлари билан ичкарига разм сола бошлади. Уй ичи жуда тартибсиз аҳволда бўлиб, ёмон ҳиддан кўнгил айнирди. Деразаларга обдон назар солган Ҳамидов улардан бирининг яқиндагина очилиб ёпилганлигини пайқади. Чунки панжаранинг таг қисми пичоқ қалинлигида очик эди. «Кимдир бу ердан кириб чиққан», хаёл қилди капитан ва хонанинг бир бурчагида турган фанердан ишланган дарс столига кўзи тушди. Дафтарлардаги уч кун олдинги санада ёзилган Сашанинг қинғир-қийшиқ ёзувларини ўқиб, вужудини ўртаган ҳисдан беихтиёр кўзига ёш келди. Уй ичида қон доғлари ёки жанжал пайтида қоладиган бирон-бир ашёвий далил топилмаганлиги боис, Ҳамидов аёлга ҳеч нарсага тегмасликни ва эшикни боягидай кулфлаб кетишни тайинлади. Капитан Натальяни уйига ташлаб, ишхонасига келди-да, бошлиғига ахборот бериб, уйни кузатувга олиш зарур-

лигини тушунтирди. Бу борада бошлиғидан тегишли кўрсатмаларни олган капитан Ҳамидов ҳамкасби Асад Шухратовни олиб, қоронғи тушиши билан Анастасиянинг уйини кузатишга қулай жой топишиб, машина ичида бутун диққат-эътиборларини ўша томонга жалб қилишди. Ярим тунда кузатувдаги уй деразасидан митти чўғ кўринди.

– Кимдир сигарет чекапти, – деди капитан.

– Ахир эшикда отнинг калласидай қулф осилиб турибди. Деразаларга ҳам темир панжаралар ўрнатилган. У ерда одам нима қилади, – кўзларига ишонмай сўради лейтенант.

– Яна бир оз кузатамиз – деб капитан қўлига тўппончасини олди. Шу пайт ичкарида шам шуъласи пайдо бўлди-ю, зум ўтмай ўчди.

– Менимча, ухлаш учун ўзига жой тайёрлади, – деди капитан ҳамон хотиржам.

– Эшитишимча, руҳлар шуъла билан ўйнашар экан. Ким билади балки, шайтондир, – деди лейтенант ҳамон деразадан кўзини узмай.

– Кўркма, қуролимиз бор-ку. Қани бўл, энди ичкарига кириб, унинг қандай шайтон эканлигини аниқлаймиз, – деди капитан.

– Эшик, деразалар маҳкам берк бўлса, ичкарига қандай кирамиз, – деди лейтенант.

– Шайтон қаердан кириб чиқаётган бўлса, биз ҳам ўша ердан кирамиз, – деди капитан.

– Унинг қаердан кириб чиқаётганини биз билмаймиз-ку, – деди лейтенант ҳамон ҳадик билан.

– Кундузи келганимда буни аниқлаб кетгандим, – деб капитан лейтенантни дераза олдига олиб борди ва уни ташқарида қолдириб, ўзи панжарани пичоғи билан товуш чиқармай очдида ичкарига кирди. Уй зимистон бўлиб, оғир сукунатга чўмган эди. Ҳар бир нуқтани яхши эслаб қолган Ҳамидов девордаги чироқ ёқиш тугмачасини осонгина топди. Кутилмаганда пайдо бўлган ўткир

чирок нурларидан кўзи қамашган одам жон талвасасида бошини кўтариб, ётган ерида бир сапчиб тушди.

– Қимирлама отаман! – бақирди Ҳамидов унга тўппончасини қаратиб ва ҳамкасбини чақириб, унинг кўлига кишан солишни буюрди. Увадаси чиқиб кетган шолча ва пахталари титилиб кетган кўрпачада юзтубан ётган одамни кўриб, лейтенант бир оз иккиланди.

– Кўрқма, у сенга ҳеч нарса қилолмайди. Салгина ҳаракат қилгудек бўлса, шартга отиб ташлайман, – деди капитан лейтенантни дадиллантириб. Асад кўрқувдан дағ-дағ калтираётган одамнинг кўлларини қайириб, кишан солгач, капитан ҳам тўппончасини кабурасига солиб, уни сўроққа тутди.

– Сен кимсан? Бу ерда нима қиляяпсан?

– Исмим Вали, шу ерда яшайман. Мен ҳеч нарса қилганим йўқ. Мени кечиринглар.

– Ҳеч нарса қилмаган бўлсанг, нега кечирим сўрайсан?

– ...

– Хонага қаердан кирдинг?

– Деразадан.

– Қачон?

– Икки кун бўлди.

– Кундузи келганимизда сени кўрмадик-ку?

– ...

– Ҳа, майли қолган гапни ишхонада гаплашамиз, – деб капитан Ҳамидов ва уни бўлимга олиб келишди.

Сухбат давомида Валининг Анастасия билан ноқонуний яшаб юргани, уни бошқаларга рашк қилиб бўғиб ўлдиргани, маълум вақт ўтгач Саша онасининг жасадини кўриб қолганлиги боис, айтиб қўйишидан кўрқиб, уни ҳам бўғиб ўлдириб, онасининг ёнига жўнатгани ойдинлашди.

– Жасадларни қаерга яширдинг?

– Полнинг очиладиган махсус жойи бор. У ердан эски-туски нарсалар қўйиладиган кичик ертўлага туши-



лади. Уларни шу ерга кўмганман. Бугун ҳам сизларнинг келаётганингизни кўриб, ўша ерга яширинган эдим.

– Энди кўнглинг хотиржам бўлдимми? – тишларини гичирлатди капитан.

– ...

– Шу кунгача онасини интизорлик билан кутаётган болани нима деб алдаб келдинг?

– Эрталаб уйғонганда, онанг ишга эрта кетди, кечкурун эса, ҳали кеч келади, дердим. Саша онасини кутиб-кутиб ухлаб қоларди. Капитан Ҳамидов унинг гапларига ишонч ҳосил қилиш учун жасадларни ўз кўзи билан кўришни истади ва Асадни унинг ёнида қолдириб, яна Анастасиянинг уйига келди. Уйга худди олдинги тарздай кириб, чироқларни ёқиб, ертўланинг қопқоғини топди. Тўрт-бешта миҳсиз тахталарни жойидан кўчириб, қўл фонари ёрдамида пастга тушди. Бадбўй ҳиддан капитаннинг кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Эски-туски кийимлар ва ярқисиз рўзғор буюмлари қалашиб ётган жойда янги қовланган тупроқни кўрди ва яқинроқ эмак-лаб бориб, қўллари билан оча бошлади. Бармоқлари ни-магадир текканини ҳис қилган капитан фонарини ўша ёққа қаратди. Узун оқ сочли аёлнинг совуқ башараси ярқ этиб, бадбўй ҳид янада кучайиб кетди. Унинг ёни-да яна битта кичик ўрани кўрган Ҳамидов ташқарига ўқдай отилди. У ишхонага келиши билан ҳамкасби лей-тенант Асад Шухратовга Валининг алдамаган эканли-гини билдириб, бошини қимирлатиб кўйди. Лейтенант капитаннинг ўзгариб кетган рангига қараб буни ҳис қилди ва эти жимирлаб кетди. Бироқ ундан нималарни кўрганлигини сўрашга юраги бетламади. Ҳамидов Ва-лидан қилмишлари батафсил битилган тушунтириш хати ёзилган қоғозларни олгач, соатига қаради. Унинг милла-ри беш-у ўн иккини кўрсатарди. Тонг ёришишига оз вақт қолганлиги учун бошлиқларни безовта қилишни истамай яна бир оз сабр қилди.

Эрталаб капитан Ҳамидовнинг ахборотини эшитган бошлиқ:

– Балки, Вали алдаётгандир, – деди.

– Жасадларни ўз кўзларим билан кўриб келгандан кейин қотиллик содир этилганлигига тўла амин бўлдим, – жавоб берди капитан.

– Ярим кечаси кўркмадингми? – яна сўради ҳайратини яшира олмай бошлиқ.

– Қилган ишимнинг натижаси аниқ бўлгандагина ахборот беришга одатланганман. Устозларим мени шунга ўргатишган. Бир оз кўркқаним рост. Бироқ қатъий тартиб-интизомга айланган бу одат кўркувни енгишда катта ёрдам беради.

– Раҳмат, сенга капитан, узоққа борасан изкувар, – деб бошлиқ ўрнидан туриб, Ҳамидовнинг кўлини маҳкам қисиб қўйди.

...Тор кўча бўйидаги ғариб кулба атрофида тумонат одам тўпланган. Бошлиқ билан биргаликда келган прокурор капитан Ҳамидов билан қисқа саломлашиб:

– Кечаси билан излаб топган нарсаларни кўрсатингчи. Хабарим бор, бошлиғингиз ҳаммасини айтиб берди, – деб капитаннинг елкасига оҳиста уриб қўйди.

Капитан уларни ертўла томон бошлади ва чакқонлик билан тахталарни жойидан кўчириб, ичкарига тушиш зарурлигини билдирди. Раҳбарлар костюмларини ечиб, пастга тушишди ва фонар ёруғида жасадни кўришиб, оғизларини дастрўмоллари билан ёпганча ташқарига чиқишиб, ходимларга ишни бошлашга буйруқ беришди. Бирпасдан кейин тиббий экспертлар, она-боланинг жасадини ташқарига олиб чиқишди. Салафанга ўралган етти яшар норасида гўдакнинг бузила бошлаган мурдаси юракларни ларзага келтирди. Анастасиянинг қариндошлари ва яқинлари уввос тортиб йиғлаб юборишди. Прокурор капитан Ҳамидовга миннатдорчилик билдириб, Валини тушунтириш хати билан биргаликда тезда прокуратурага етказишни тайинлади. Капитан машинасига яқинлашганида бўғиқ овозда кимдир чақираётганини эшитди. Кўзлари шишиб кетган Наталья югуриб келди-да, бир оз нафасини ростлаб олгач:

– Узр, ички ишлар ходимлари тўғрисида нотўғри халёлга борган эканман. Ҳаммаси учун раҳмат, – деб йиғлаб юборди.

– Лоқайдликка берилмай, салгина хушёр бўлганингизда балки Сашани сақлаб қолармидингиз, – дея капитан аччиқ бўлса-да ўз эътирозини аёлга билдириб, йўлга тушди. Наталья капитаннинг ортидан узоқ термилиб қоларкан, бефарқлик оқибатида юз берган фожиадан баттар эзилди.



## БИР КЎЗЛИ ҚАРОҚЧИ

*«Иродали киши ўзининг ҳар бир сўзи ва ишида ҳалолдир».*

САМУЭЛЬ СМАЙЛС

\* \* \*

Куз. Ҳаво илиқ ва сокин, осуда туннинг хотиржам ороми янада тотли. Лекин чироғи хира тортган бир хонадонда безовталик. Молларни бўлишаётган кимсаларнинг бири дабдурустдан:

– Қўрқиб кетяпман, эртага бу қинғир ишимиздан уйимиз куймаса бўлди. Менимча, элчини тунаб, яхши иш қилмадик. У бошқа давлатдан изкувар чақиртириб, албатта бизни топтиради, – деди.

– Намунча ваҳима қиласан. Биз ўғри, босқинчи, муттаҳам, газандамиз. Бизни фақат ва фақат пул кизиқтиради. Шунинг учун бу йўлда ҳеч кимни аямаймиз. Кейин қўрқишингга ҳам ҳожат йўқ, четдан келган одам қандай топиши мумкин, – деди гуруҳ бошлиғи.

– Ҳақ гап, анча-мунча иш қилиб қўйдик. Ҳали бирон жойда ҳид чиққани йўқ. Тутқич бермас, уддабурон тўдабошимиз омон экан, ҳеч бир изкуварнинг бизга тиши ўтмайди. Шунинг учун бемалол эртанги маишатнинг режасини қилсак бўлади, – деб чўтир юзли йигит ниқобларни яшириб қўйди...

...Мажлисни бошқараётган бошқарма бошлиғи, жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш гуруҳи бошлиғи, капитан Сардор Ҳамидовдан Руминия элчихонасига қилинган босқинчилик жинояти бўйича олиб борилаётган ишларни суриштирди.

– Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг шахсан ўзи йигирма ходимдан иборат гуруҳ билан иш олиб бораяпти, – деди капитан қаддини ғоз тутиб.



*Посольство Румынии*

*выражает личную благодарность и признательность  
господину Шухрату АБДУЖАББАРОВУ  
майору Милиции, заместителю Начальника Отдела  
по борьбе с терроризмом и организованной преступностью  
Городского Управления Внутренних Дел города Ташкент  
за высокий профессионализм и мужество в раскрытии преступления  
по нападению на Посольство Румынии*

*Посол Румынии в Республике Узбекистан*

*Траян Бордеяну*

## **Руминия элчисининг Шухрат Абдужабборовга йўллаган раҳматномаси.**

– Ким ва қанча ходим ишлаётганини эмас, жиноятнинг қачон очилишини сўрадим. Элчи жаноблари илгари ўз давлатида прокурор бўлиб ишлаган. Агар жиноят тез фош қилинмаса, у четдан изқувар ҳам таклиф қилиши мумкин. Наҳотки, биз улардан кам ишласак, уялиш керак ўртоқ Ҳамидов. Бугундан бошлаб сиз шу ишга жиддийроқ киришинг, сизнинг бой хизмат тажрибангизга ишонамиз, – деди бошлиқ. Ҳамидов хонасига келиши билан ходимларни йиғиб, бошлиқнинг танбеҳи ва тезкор топшириғини етказиб, мазкур жиноят бўйича маълумот йиғишни буюрди.

– Аини дамда бу жиноят билан шуғулланаётган бошқа ҳамкасбларимизга халақит қилмаймизми? – сўради ходимлардан бири.

– Жиноятнинг ким томонидан эмас, балки тезроқ очилиши долзарб бўлиб турибди, – деб капитан уларга яна бир бор қилиниши лозим бўлган ишларни кўрсатиб ўтди. Капитан Ҳамидов элчи билан суҳбатлашиш учун йўлга отланди. Афсуски, элчининг қабул қилмаслиги

хақидаги хабар унинг ҳафсаласини пир қилди. Таъби хира бўлган капитан машинасига ўтираётганида кимнингдир чақираётганини эшитиб, орқасига ўгирилди. Таниши Валера у билан кучоклашиб кўришиб:

– Бу ерга қайси шамол учирди? – деб сўради.

– Ўзинг нима қилиб юрибсан? – саволга савол билан жавоб қайтарди Сардор.

– Элчида ишим бор эди, – деди Валера.

– Мен ҳам учрашмоқчи эдим, лекин қабул қилмади, – деб Ҳамидов машинаси томон юраётганди, Валера уни тўхтади:

– Ўзим сени у билан таништириб қўяман, – деб йўл бошлади.

Капитан дўсти Валеранинг элчи билан қалин эканлигини кирган заҳоти тушуниб етди. Иззат-икром билан қарши олиш ва дўстона муносабат бунга шубҳа қолдирмаганди. Валера дўстини таништирар экан, элчининг юзидаги қувноқлик ўз-ўзидан ғойиб бўлди.

– Ходимлар тез-тез келишиб турибди, фақат натижа йўқ, – деб афсус билан бош чайқади элчи.

– Воқеа қандай содир бўлганини билишни истайман, – деди капитан.

– Мен прокурор ва ҳамкасбларингизга ҳаммасини ипидан-игнасигача гапириб чарчадим. Лекин Валеранинг ҳурмати учун сизга ҳам айтаман, – деб элчи ўша куни ярим тунда ниқобли кимсаларнинг хонага бостириб киргани ва қўл-оёқларини боғлаб, рус тилида жуда ёмон талаффузда пул талаб қилишгани, ҳамда йигирма икки минг доллар пул, икки блок ВТ сигарети ва баҳоси йигирма беш минг доллар турадиган Ролекс русумли соатини олиб кетишганини маълум қилди.

– Уларнинг ёши ва алоҳида белгилари эсингизда қолгандир? – сўради капитан.

– Адашмасам, йигирма икки, йигирма беш ёшлар чамасида бўлиб, биттаси ниқоби бўлса-да, менга тесқари қараб гаплашди, – деди элчи иш дафтарига ҳар

бир гапини қайд қилиб бораётган капитанга синчков тикилиб.

– Қўлларингизни нима билан боғлашди?

– Ўзлари билан бирга олиб келишган қизил рангли мато билан, – деди элчи капитанга юзакироқ боқиб. Ҳамидов элчи билан илиқ хайрлашди. Орадан уч кун ўтиб туманда яна битта босқинчилик жинояти содир этилди. Ҳамидов бошлиқ тезкор гуруҳ зудлик билан воқеа жойига етиб боришди. Хонада ҳамма нарса сочилиб ётарди.

– Улфатлар билан отамлашиб, уйга жуда кеч қайтдим. Кайфим яхши бўлганлиги боис тез ухлаб қолибман. Бир пайт кўзимни очиб қарасам, қўл-оёқларим боғланган. Уйда ниқоб таққан кишиларнинг ивирсиб юришганини кўриб, кимсизлар? – деб сўрашим билан улардан бири ёнимга келиб, пул ва қимматбаҳо тақинчоқларнинг каерда туришини сўради. Мен қўлларим увишиб қолганини айтиб, ечишни илтимос қилганимда, қорнимга тушган зарбадан дамим ичимга тушиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди, – деди жабрланувчи лат еган қўлларини силаб.

– Мабодо ўша ниқобли кимса, сизга тескари қараб гаплашмадимми?

– Ҳақиқатан ҳам худди шундай тарзда туриб, овозини бир оз ўзгартириб гаплашди. Ўзим ҳам унинг бу хатти-харакатидан хайрон бўлдим.

– Қўлларингизни нима билан боғлашди?

– Жуда қаттиқ қизил мато билан. Агар шу зайлда яна бир кун ётганимда қўлларимни қийиб юборарди, – деди жабрланувчи. Капитан Ҳамидов бу матони олдинги жиноятда қўлланилган мато билан солиштириб кўриб, иккала жиноят ҳам битта жиноий гуруҳ томонидан амалга оширилганига амин бўлди. Бундан ташқари жиноий гуруҳ аъзоларидан бирининг кўзида қандайдир камчилик борлиги ҳақидаги тахмини ҳам тўғри бўлиб чиқди.

– Босқинчилик жинояти содир қилиб, камалиб чиққан шахсларнинг рўйхатини кўздан кечирганимизда, боксга қизиққан Асроров Али Султоновичнинг машғулотларнинг бирида жароҳат олиб, бир кўзига оқ тушганлиги ва жазони ижро этиш муассасасида «бир кўзли қароқчи» деб лақаб олгани маълум бўлди, – деди капитан Ҳасан Асадов.

– Жабрланувчининг кўшниси Улуғбек исмли боланинг айтишича, бундан уч кун олдин велосипедини тузатиб ўтирганида бошқа маҳаллада яшовчи Али деган йигит келиб, Абдусаид аканинг яшаш тарзи, машинаси, қаерда ишлаши ва оила аъзолари ҳақида суриштириб, ҳаттоки томидаги паробола антеннасининг нархи билан ҳам қизиққан. Унинг таъкидлашича, Алининг гавдаси спортчиларга хос келбатли, чайир, бироқ бир кўзига оқ тушган экан, – деб ахборот берди майор Тоҳир Якубов. Кўрсатилган суратлар орасидан боланинг Алини таниши, Капитан Ҳамидовнинг тахминларига ҳеч қандай шубҳа қолдирмади.

– Эндиги вазифамиз Алини диққат билан кузатиш. Унинг ўзи бизни шерикларига олиб чиқади – дея капитан Ҳамидов ходимларга кўрсатма берди. Уч кун ичида жиноий гуруҳ ҳақида етарли маълумотга эга бўлган капитан Ҳамидов ахборот тайёрлаб, прокурор ҳузурида бўлди. Жиноий гуруҳни қўлга олиш ва уларнинг уйида тинтув ўтказишга санкция олган капитан Ҳамидовга ИИББ бошлиғи тезкор тадбир ўтказиш учун рухсат берди. Ўзгаларнинг мулкига кўз олайтириб, уларнинг тинчини бузиб, ўлдириш билан қўрқитиб, бор-будини талаб, текин маишатга ўрганган босқинчи, газандаларнинг бу галги лўқмасидан тош чиқиб, тишларини синдирди. Айни зиёфат авжига чиққанида кўққисдан пайдо бўлган тезкор ходимларни кўриб, бир пайтлар ўзлари қийнаган одамлардек, қарахт бўлиб, типирчилаб қолишди. Ўзини удабурон деб билган «бир кўзли қароқчи»нинг қаршилиги ҳам бир зумда синди. Унинг уйдан тилла буюмлар, пуллар топилди.



Руминия  
давлатининг  
сенатори, таниқли  
киноактёр  
Некалоеско ўзи  
ижро қилган  
«Охирги ўқ» бадий  
фильмининг бош  
қахрамони комиссар  
Миклаваннинг  
портретига дастхат  
ёзиб, шахсан  
комиссар Ҳамидовга  
бериб юборган.



*La dragoste,  
Admiratorului meu SADRAT,  
din R. Uzbekistan  
Senator - J. Nidaev*

– Қолган бир блок сигарет ва элчининг соати қани?–  
сўради капитан.

– Сигаретни чекиб тугатдим, соатнинг ранги сал  
ўчган экан, такси ҳайдовчисига ўн минг сўмга сотиб  
юбордим.

– Ўша ҳайдовчини танийсизми?

– Албатта, уни жуда яхши танийман, – деб Али  
ҳайдовчининг манзили ва телефон рақамини берди.

– Ўша соат қанча туришини биласизми? – яна савол  
берди капитан.

– Йигирма-ўттиз минг сўм турса керак.

– Йигирма беш минг доллар туради.

Капитан ҳайдовчи билан боғланиб, соатни тез  
ИИББга олиб келишни тайинлади. Алининг эса  
хайратдан оғзи юмилмасди.

...Ўз соатини кўлига олар экан, элчи ҳайратланиб,  
кўзларига ишонмай, капитан Ҳамидовга қайта-қайта  
рахматлар айтар эди. Тергов жараёнида «бир кўзли қароқ-

чи» – Али Асроров бошлиқ жиноий тўданинг бир нечта оғир жиноятлар содир этгани ҳам ойдинлашди. Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтиб, ИИБ маърифат залига чет эл меҳмонлари ташриф буюришди. Маърифат дарсини олиб бораётган раҳбар меҳмонларни таништириб, Руминия давлатининг элчисига сўз берди. Элчи рус тилида Руминия давлати номидан ИИББ раҳбарияти ва шахсан комиссар Ҳамидовга миннатдорчилик изҳор қилиш учун келганини айтиб, капитанни ёнига чақирди. Буни мутлақо кутмаган Сардор Ҳамидов ҳамкасбларининг турткисидан кейин зўрға сахна томон ҳаракатланди. Элчи, Руминия давлатининг сенатори, таниқли кино актёр Некалоеско ўзи ижро қилган «Охирги ўқ» бадийий фильмининг бош қаҳрамони комиссар Миклаваннинг портретига дастхат ёзиб, шахсан комиссар Ҳамидовга бериб юборганини маълум қилганида гулдурос қарсақлардан зал ларзага келди!



## ҲАЗОН БЎЛГАН ҒУНЧА

*«Пул ҳамма нарсага қодир, дейдиган одам пул учун ҳамма нарсани қилишдан ҳам тоймайди».*

### ПЕЪР БУАСТ

\* \* \*

Ҳаво қизигандан қизиб, нафас олишни қийинлаштирарди. Терлаб-пишиб тортишаётган одамлар ниҳоят бир тўхтамга келишди. Йигирма беш минг долларга сотилган уйдан сотувчи ҳам, харидор ҳам мамнун бўлишиб, тезда расмийлаштириб олишди. Игорь билан Света бахтдан сармаст эдилар. Уларнинг қувончига шерик бўлган дўстлар учун ҳам шу оқшом янада файзли ўтди.

– Онангнинг сени яхши кўриши ҳақиқат экан. Сенга васият қилиб қолдириб кетган бу уйни яхшигина пуллаганинг бунинг исботидир, – деб қадаҳларга ароқ қуйди Константин.

– Ростини айтсам, онанг бебаҳо аёл эди. Қирқ йил ўқитувчилик қилган бу муҳтарама аёлдан бирон кишининг нолиб гапирганини эшитганим йўқ. Аслида, онангдан қолган уйни сотмасанг ҳам бўларди. Энди бу пуллар хайрли ишларингга буюрсин. Ушбу қадаҳни шу онахоннинг руҳи шод бўлиши учун ичамиз, – деди Валерий.

– Сир бўлмаса галдаги режаларингни биз билан ўртоқлаш. Қўлимиздан келганча ёрдамлашамиз. Пулларни ўз вақтида ишлатмасанг, кейин қуйиб қоласан, – деди Сергей.

– Ҳозирча эр-хотин иккаламиз бир қарорга келолмаямиз. Озгина йиғиб қўйган пулларимиз бор. Мен шуларни ҳам қўшиб, ҳовли-жой сотиб олайлик десам, хотиним «Нексия» олишни истаяпти, – деди Игорь меҳмонларни овқатдан олишга ундаб. Шу пайт хонасидан чиқиб келган етти ёшли Максим меҳмон амакилари билан саломлашиб, дадаси ёнидаги бўш стулга ўтирди.

– Пулларни ишлатиш борасида қандай қарор қабул қилишингиз сизларнинг муаммонгиз. Аммо маслаҳатим, мана бу меросхўрни ҳам унутманг. Чунки фарзандлар ҳақида қайғуриш ҳаёт қонуни, – деб Константин яна бўшаган қадахларни тўлдирди. Сергей эса болага тикилганча жим ўтирарди. Алламаҳалда меҳмонлар шодон қийқириқлар билан уй-уйларига тарқалди.

Мактабдан қайтмаган ўғлидан хавотир олган ота-она Максимнинг бориши эҳтимол бўлган барча хонадонларни суриштиришди. Лекин ҳеч ким жўяли гап айтмади. Бир-бирига тасалли бериб, эшикка муштоқ бўлиб кўз тикаётганлар телефон қўнғироғидан сапчиб тушишди. Гўшакдан эшитилаётган дўриллаган овоз уларнинг ғулуғуласини янада оширди. Сабри чидамаган Игорь унинг дағдағасидан кўркмай, телефонга ёпишди. Туман ИИБ навбатчи қисми алоқага чиқди.

– Алло, милиция. Бугун мактабдан қайтмаган ўғлимни тополмай хуноб бўлиб ўтирганимизда кимдир қўнғироқ қилиб, болангни тирик кўришни истасанг, ўн минг долларни айтган жойимга келтирасан. Агар милицияга айтсанг, болангдан ажрадинг, – деди. Илтимос, ёрдам беринг.

Капитан Сардор Ҳамидов бошчилигида тезкор гуруҳ барча эҳтиёт чораларини кўриб, Игорникига ташриф буюришганида, хонадон соҳиби ва соҳибасининг қовоқлари шишиб кетган эди. Йиғлашга мажоли қолмаган Светани ва кучли асабийлашганидан ўзини кўярга жой тополмаётган Игорни бир оз тинчлантирган Сардор Ҳамидов ишга киришди.

– Сизда бунча пул борлигини кимдир билармиди? – савол берди капитан.

– Бизда олдин бунчалик катта пул бўлмаган, яқинда онамдан қолган уйни сотган эдик, – жавоб берди Игорь

– Демак, яқинларингиз бундан огоҳ бўлган.

– Туғишганларим Россияда яшайди, уларнинг ҳа-

ли бундан хабарлари йўқ. Уй сотганимизни эшитиб, ўртоқларим отамлашиб кетишган эди. Лекин уларнинг бундай қилишига асло ишонмайман. Яна телефон жиринглади, яна дағдағали овоз Игорнинг юрагини эзди. Уларнинг суҳбатини параллел телефонда тинглаётган Сардор Ҳамидов кейинги гал кўнғироқ қилганида, айтилган долларнинг тайёрлигини ва қаерга, кимга беришни сўрашни тайинлади. Ходимлардан бири кўнғироқнинг кўчалардаги қайси таксофондан қилингани ҳақида аниқ маълумот берди.

– Демак, бу қабиҳ ишга қўл урган шахс тажрибали ёхуд чет эл кинофильмларини кўп кўрган, – деб мулоҳаза юритди Ҳамидов.

– Агар ўртоқларимга айтсам, улар ҳам сизларга ёрдамлашарди. Айниқса, Сергей Шарк якка кураши бўйича жуда моҳир спортчи. Унинг тайёрлаган шогирдлари мусобақаларда нуфузли ўринларни олишмоқда, – деди Игорь капитанга юзланиб.

– Ҳозирча ҳеч ким билмагани маъқул. Акс ҳолда, қош қўяман деб кўз чиқариб қўйишингиз мумкин, – деб қатъий талаб қўйди капитан. Шундан кейин хонага оғир сукунат чўкди. Бутун вужуд қулоққа айланган, кўзлар эса телефонга қадалган эди. Вақт эса ниҳоятда имиллаб, асаб торларини янада таранг қиларди. Ҳар қандай вазиятда ҳам сабр-бардош ва ақл билан иш кўрувчи ходимлар ўта ҳушёр эди. Ниҳоят!! Нафас ичга ютилиб, бутун диққат қулоқларга берилди. Нималарнидир шоша-пиша ёзиб олган Игорь қўлидаги қоғозни капитанга узатди. Талаб қўяётган нотаниш шахснинг бу галги овози ниҳоятда асабий эшитилганидан Сардор Ҳамидовнинг юраги бир нима сезгандай жиз этиб кетди. Аммо буни ҳеч кимга сездирмади. Долларларни қўйиш кўрсатилган жой автомобиль ва темир йўллари кесишадиган чорраҳадан унча узоқ бўлмаган ахлат қутиси эканлиги маълум бўлгач, капитан жиноятчининг ниҳоятда маккорлигини тушунди. Чунки темир йўлнинг бир томонида ҳовли-жойлар

жойлашганлиги, автомобиль йўлининг нариги томонида эса кўп қаватли уйлар мавжудлиги ҳамда машина гаражларининг лиммо-лимлиги пистирма қўйиш учун қулай бўлса-да, жинойтчининг тез яшириниб, қочишига ҳам шундай катта имконият яратарди. Сардор Ҳамидовнинг хизмат тажрибасида бундай чигалликлар кўп бор кузатилган. Лекин ҳаммаси ҳам ўз вақтида ижобий ечилган. Рекет билан боғлиқ мана шундай жинойтларнинг бирида, жабрланувчининг яқин қариндоши жинойтга қўл уриб, олийгоҳда ўқиб юрган қизини ўлдириш билан қўрқитиб, катта пул талаб қилади. Пулнинг текисликдан иборат даштнинг бир нуқтасига қўйиш талаб қилинганлиги ҳам ўшанда ходимлар учун бир талай қийинчиликлар туғдирган эди. Чунки бундай вазиятда пистирма қўйиш, қўйган тақдирда ҳам пулни олишга келган жинойтчига етиб олиш амримаҳол эди. Сардор Ҳамидовнинг ходимлари кузатувни узоқдан олиб боргани ва барча эҳтиёт чораларни кўргани натижасида чўпон қиёфасида келган жинойтчи ашъвий далил билан қўлга олинганди. Бу галги вазият эса тамоман тескари эди.

Пешин пайти пайдо бўлган узун бўйли, келбатли рус йигити чорраҳадан ўтиб, лабига сигарет қистирди-да, секин атрофни кузатди. Бекатда йигит билан қиз бир-бирининг пинжига кириб ўтиришарди. Сал нарида такси машинаси – «Жигули»нинг ҳайдовчиси офтобдан қуриб кетган лабларини ялаб, мижоз кутарди. Кўча фаррошлари ҳам ҳар галгидек ўз ишлари билан банд эди. Ширакайф йигитлар эзмалик қилиб, писта сотувчи билан тортишарди. Жиддий хавф сезмаган рус йигити сигаретни бир-икки сўриб ташлаб юборди-да, тез-тез юриб ахлат кутисидаги қора сумкани олиб қочди. Фаррошлар, ошиқ-мошиқлар, ширакайф йигитлар, писта сотувчи ва такси ҳайдовчиси образидаги ходимлар уни кувишга тушишди. Рус йигити чорраҳадан ўтиб олиши билан сфетофорнинг қизил чироғи ёнди. Кувиб келаётган ходимларга улкан машиналар оқими бир оз қийинчилик туғдирса-

да, қувишда давом этишди. Машина гаражлари орасига ўзини урган қочоқ, бир зум йўқ бўлиб кетди-да, ховли-жойлар томон қоча бошлади. Турли томондан таъқиб қилишаётган ходимлар унга деярли етай деб қолишганда катта йўлдаги шлагбаум ёпилиб, тез юрар электричкага йўл очиб берди. Бу эса қочаётган шахсга жуда қўл келди. Уни қўлдан чиқаришган ходимларнинг руҳи тушиб кетди.

– Аблах, сфетофор ва поезднинг ҳисоб-китобини ҳам аниқ олган экан. Лекин у узоққа қочиб кетолмайди, бардам бўлинглар, – деди капитан Ҳамидов. Катта тезликдаги поезд бирпасда ўтиб кетди. Ходимлар гуруҳларга бўлиниб, таъқибни давом эттиришди.

– Шунчалик ҳийлакор экан, демак унинг яна ҳийла ишлатиши аниқ. Ниҳоятда хушёр бўлинглар, – деди Ҳамидов шерикларига. Бир одамни ўнта одам қувганини қоралаётган хотинлар ёнидан секин ўтиб бораётган велосипед ҳайдовчиси капитаннинг диққатини тортди. Орқасига сафар халтасини осиб олган, қора кўзойнак такқан, чиройли спорт кийимидаги йигит қўққисдан олдидан чиқиб қолган капитандан қочмоқчи бўлди. Капитан Ҳамидов унинг йўлини тўсишга ҳаракат қилганида жиддий қаршиликка учраб, оёғи лат еди.

– Яна аҳмоқ бўлиб қолдинг-ку, – деб беўхшов кулди йигит.

– Ҳамма нарсага етган ақлинг, «хўрак»нинг қалбаки бўлиши ҳам мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмаганингга ҳайронман. Энди ким аҳмоқ эканлигини тушунгандирсан, – истехзоли кулди Ҳамидов. Йигит шошганча елкасидаги халтани очмоқчи бўлганида капитан унга ташланди. Пул талвасасида ўртаниб, худди дўзах ўтига тушгандай наъра тортган йигит ғазабга минди. Аммо капитаннинг қўллаган оғриқ берувчи усулидан войлаб юборди. Шу пайт етиб келган ходимлар Ҳамидовга ёрдамлашиб, йигитнинг қўлига кишан солишди. Ходимлар қуршовидаги Сергейни кўрган Игорнинг ҳайратдан тили калимага келмай қолди. Хаёлида пайдо бўлган бир са-

вол ҳеч тинчлик бермасди. «Наҳотки, наҳотки...?» Юз-кўзини қўллари билан бекитиб, бошини оёқлари орасига олиб ўтирган дўстининг ёнига оҳиста чўккан Игорь:

– Ҳазиллашдим, дегин дўстим. Мен сени кечираман, қанча пул керак бўлса, бераман. Фақат бу ҳаммаси ҳазил эди, мен Максимни яхши кўрганим учун уни вақтинча яшириб қўйдим деб айтгин, – деб илтимос қилди. Кутилмаганда Сергей дўстини итариб юборди-да:

– Афсуски, энди кеч, чунки, боланг мени таниб қолди. Айтиб қўйишидан қўрқиб, уни бўғизлаб ўлдирдим. Пичоқ ҳам занглаган экан, шўрлик ўғлинг жон беролмай анча ўртанди. Ўзим ҳам жуда қийналиб кетдим. Қаердан ҳам ўша куни сенинг уйингга бордим. Мени йўлдан урган долларларга минг лаънат, – деб ўкириб йиғлаб юборди. Нафратдан тўлиб-тошган Игорнинг бармоқлари мушт бўлиб тугилди. Лекин қўлини кўтаришга мажоли етмай ҳушидан кетди. Сергейга тегишли машина гаражи ичидан Максимнинг ваҳшийларча бўғизланган жасади топилганда, ҳамманинг юраги тилка-пора бўлди. Бу кабиҳликни инсон боласи қилганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмасди.



**БЕВАҚТ УЗИЛГАН ЯПРОҚ**  
**ЁКИ**  
**«УЗОҚ ЙИЛЛАР ҚИЙНАЛГАН РУХ»**

*«Фосихдан ҳаё тилама, золимдан вафо  
тилама».*

**АЛИШЕР НАВОИЙ**

\* \* \*

Кузнинг осуда туни, бир-биридан чиройли, жимжимадор юлдузлар кучоғидаги тўлин ой янада гўзаллашиб, кўнгилга ажиб тароват бахш этади. Сарғайган япроқлар энгил шабада таъсирида майин шитирлаб, мўъжизакор табиатнинг бетакрор куйини чалишади. Аммо ғариб кулбада истиқомат қилишаётган чол-кампирининг кўнглига қил сиғмайди. Ойниса аянинг негадир дили хуфтон.

– Ҳалиям ухламаяпсанми? – деди кампирининг чуқур уфф тортганидан уйғониб кетган Олим бобо.

– Қизим Гулчеҳрадан ташвиш тортаяпман. Кейинги пайтлар эри уни кўп ҳақоратляпти. Кеча йиғлаб келганида ҳам шўрлик қизимни оиланг билан бўл, деб яна уйига қайтариб жўнатгандик. Беш олти кун уйда сақлаганимизда балки куёвимиз хотинининг қадрига етган бўлармиди, – пиқиллаб йиғлади ая.

– Ётиб ухла, ҳаммаси яхши бўлади. Икки-уч кундан кейин ўзимиз куёв билан яхшилаб гаплашиб келамиз, – деб кампирини тинчлантирди чол.

Бу пайт Лола рашк оловида қовурилиб, захрини Дилшодга сочмоқда эди.

– Яна хотинчангизнинг олдига бордингизми?

– Кеча ҳайдаб юборгандим, яна қайтиб келибди, – минғирлади Дилшод.

– Фақат, мен туфайли шу даражага етганингизни унутдингизми? Агар отам бўлмаганида, ўша кичик фирмангиз аллақачон касодга учрарди. Бугун кимсан,

хиссадорлик жамиятининг раҳбари бўлиб кўкрак кериб юрибсиз. Аммо мен «Зайнаб»га ўхшаб рашк ўтида ич-ичимдан куйиб кетаяпман. Сиз эса буни била туриб, «Кумуш»нинг олдига чопасиз. Менинг ҳам кундошимга заҳар бериб қотилга айланишимни истайсизми? – уйни бошига кўтариб бақирди Лола.

– Мен муаммомни ўзим ҳал қиламан. Фақат сиз мендан воз кечмасангиз бўлди, жоним, – деб суюклисининг ёнокларидан ўпди Дилшод.

Индинига тушдан кейин Дилшод кўл телефони орқали шумхабарни эшитиши билан ўқдай кўчага отилди. У уйига етиб келганида чор-атрофда одамлар тўпланган, ичкарида формали ва формасиз кишилар нима биландир банд эди. Уй ичи худди бомба тушгандек, буюмлар ҳар томонда сочилиб ётарди. У турмуш ўртоғи Гулчехранинг қонга беланган жасадини кўриб, ўзини унинг устига ташлаб, хўнграб йиғлаб юборди. Яқинлари ва кўни-кўшнилари унинг ғамига шерик бўлишиб, тасалли беришарди. Томорқасида пишган мева-чевалардан невараларига олиб келишган чол-кампир ҳам бу аянчли воқеани кўришиб, шалвираб қолишди. Олим бобо кампирини суяди, аммо Ойниса аянинг қулоғи том битган, кўзи кўр, оёқ ва кўллари мажолсиз эди. Унинг увушган бармоқлари орасидан сирғалиб тушган юпқа халта йиртилиб, алвон рангли олмалар ҳар томон ёйилиб кетди. Чол-кампир куёвининг қизига бўлган муносабати охириги пайтлар анча ёмонлашганини кўрқа-писа айтишди. Аммо уни қотилликда айблашнинг ҳеч қандай имкони йўқ эди. Чунки Дилшоднинг эрталаб фарзандларини боғчага ташлаб, кейин ишга ўтганини ва кун бўйи ишхонадан чиқмаганини тасдиқловчи гувоҳлар кўпчиликни ташкил қиларди. Чол-кампир мўйлови сабза ура бошлаган Алишер ва тўрт яшар Наргизани бағирларига босганча нафасларини ичига ютиб, мунғайиб қолаверишди...

...Орадан уч йил вақт ўтиб, 2001 йил куз фаслининг

илк кунларидан бирида кечки соат тўққизлар чамасида ишга шўнғиб кетган тезкор вакил капитан Ҳамидовнинг хаёлини телефон кўнғироғи бузиб юборди. Жиноят кидирув хизматида ишончли шахслар билан ишлашнинг нақадар муҳим аҳамият касб этишини жуда яхши билгани боис капитан ҳар бир кўнғироқ ва ҳатто кўча-кўйдаги имо-ишораларга ҳам эътибор билан қарарди. Сардор Ҳамидовнинг ички ҳис-туйғуси алдамаган экан, гўшакни кўтариши билан ана шундай танишларидан бири, шошилинч учрашиш зарурлигини ва метронинг «Буюк ипак йўли» бекатида кутишини айтди. Сардор Ҳамидов курт-касани йўл-йўлакай кийиб, айтилган жойга шиддат билан етиб келганида Собир бетоқат у ёқдан-бу ёққа юриб турганди. Кучли ҳаяжондан эсанкираётган Собирни Сардор Ҳамидов аввал тинчлантириб, кейин гапиришга руҳсат берди. Собир маҳалладоши Рустам Тошевнинг беш минг АҚШ доллари эвазига Гулчехрани ўлдирган эканлигини, бироқ буюртмачи – унинг эри Дилшод бир ярим минг доллар бериб, қолганини бермаганлигини, бирга улфатчилик қилиб ўтиришганида, аламзадалиқ билан гапириб берганини айтди. Ўзи бу ҳақда эшитиши билан хабар етказишга кўрққанлигини, ҳозирда Рустамнинг гиёҳванд моддалар сотиш ва истеъмол қилишда айбланиб, қамокда ўтирганини ҳам маълум қилди.

Шундан кейин капитан Сардор Ҳамидов маълумотлар бюросидан Рустам Тошевнинг шахсини тўлиқ аниқлади ва эртага қиладиган ишларини режалаштириб олди. Бу вақтда соат тунги бирга яқинлашган эди. У уйига борганда бир-биридан ширин уч нафар ўғли аллақачон уйкуга кетишганди. Эрининг касби, машаққатли хизмати, шунингдек, бу каби кутишларга кўникиб кетган Марина эрига пешвоз чиқиб, тайёрлаб кўйган овқатни олдига қўйди. Сардор Ҳамидов кеч ётса-да, одатдагидек эрта туриб, очиқ хавода бадантарбия қилди. Ишхонасига келиши билан марҳума Гулчехра Олимованинг сирли

ўлими юзасидан олиб борилган суриштирувлар мажмуаси тўпланган йиғма жилдни топди. Ундаги мавжуд барча тушунтириш хатларни ўқиб чиққан Сардор Ҳамидов Гулчехранинг эри Дилшоднинг тушунтириш хатига тоқат қилолмай, беихтиёр сўкиниб юборди.

– Аблах, «Шу куни эрталаб болаларни боғчага ташлаб, ишга ўтдим, бу мудҳиш воқеани ҳам ишхонада эшитдим, келсам хотиним ўлиб ётибди», деб атиги тўрт қаторгина ёзибди, холос. Шундан кейин Сардор Ҳамидов мазкур қотиллик бўйича воқеа жойига боришган ҳамкасбларини топиб, ўша пайтда Гулчехранинг ўлиб ётганини ким биринчи кўрганлиги, яқин қариндошлари қаерда бўлганлиги, эри Дилшод соат нечада келганлиги ва турмуш ўртоғининг жасадини кўриб қандай ҳолатга тушганлиги каби саволларга жавоб топишни истаётганини билдирди. Капитан ҳамкасбларини анча уринтириб қўйганини жуда яхши тушуниб турарди. Ахир уларнинг амалиётида бундай қабих жиноятлар кўплаб учраши боис, ҳақиқатан ҳам ҳаммасини эслаб қолиш мушкул эди. Аммо ҳамкасблари эслашга уриниб, воқеа жойига боришганда уйда ҳеч ким йўқлиги, эшик очик қолганлиги, буюмлар ҳар томонда сочилиб ётганлиги, марҳуманинг жасадини биринчи бўлиб қўшнисини кўриб, милицияга хабар берганлиги, Дилшоднинг кейинроқ келганлиги ва хотинининг тепасида бақириб йиғлагани, ҳатто ҳушидан ҳам кетганлигини батафсил гапиришиб, бу борада қандай янги маълумотлар борлиги билан ҳам қизиқишди. Сардор маълумот борлиги, фақат ҳали ҳом эканлигини айтиб, улар билан хайрлашди.

Сардор Ҳамидов ишхонасига келиб, қилинган ишлар юзасидан батафсил ахборот тайёрлаб, бошлиқ олди-га кирди. Уни диққат билан ўқиб чиққан бошлиқ бир зум сукут сақлаб, капитаннинг галдаги режалари билан қизиқди. Сардор Ҳамидов прокуратура терговчиси билан биргаликда Рустам Тошевни сўроқ қилишини бил-

дирди. Бошлиқ капитаннинг кўзларига меҳр ва ишонч билан боқар экан, шунчаки оддий хабар билан бу каби оғир жиноятни фош қилиш жуда мушкул эканлигини тушунтириб, топилган калаванинг учини маҳкам тортишда унга омад тилади. Ишга жон-жаҳди билан шўнғиб кетган капитан чала-чулпа тушлик қилиб, прокуратура терговчиси Қобил ака билан жазони ижро этиш муассасаларининг бирига боришди. Муассаса раҳбарияти уларнинг ташриф мақсадини билгач, ўн дақиқа ўтар-ўтмас Рустам Тошевни тергов хонасига олиб чиқишди. Капитан Сардор Ҳамидов ва прокуратура терговчиси унга ўзларини таништириб, ўтиришга рухсат беришди. Гарчи Сардор Ҳамидов уни биринчи маротаба кўраётган бўлса-да, худди олдиндан танишдай муомала қилиб, аҳволини сўради.

– Раҳмат, яхши – деб жавоб берди Рустам ерга қадалган нигоҳларини узмай. Капитан енгил табассум қилиб, – Ташқарида қарздорларинг қолмадими? – деб сўради. Рустам бошини кўтарди ва бир зум ўйланиб турди-да:

– Қанақа қарздорлар, мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, – деди. Прокуратура терговчиси уларнинг суҳбатига жим қулоқ тутарди.

– Сендан сўм, манат, танга, рублдан эмас балки доллардан қарздор бўлиб қолган кимсани назарда тутаяпман, – бир оз аниқлик киритди капитан. Рустам худди чаён чакқандек бир сапчиб тушиб, пойинтар-сойинтар гапира бошлади.

– Қанақа доллар, қанақа қарз, мен ҳеч кимни билмайман, билишни ҳам истамайман.

Капитан ниҳоятда ўзини босиқ тутар, унинг кўзларида қаҳр-ғазаб эмас балки ачиниш ҳисси акс этарди. Маҳбуснинг дағ-дағ титраётган елкасига қўлини қўйиб:

– Демак, сенга уч ярим минг АҚШ доллари бериши керак бўлган инсонни унутгансан. Шундайми? Буни эшитиш билан Рустамнинг кўзлари хонасидан чиқиб кетгудек даражада катталашиб:

– Аблах, котилликка ўзи буюртма бериб, яна устимдан арз қилибди-да. Менга қоғоз-қалам беринг, ҳаммасини ёзиб бераман. – деди.

– Тўғри қиласан, ҳақиқатни айтсанг, енгил тортасан, виждон азобидан қутуласан. Оқ қоғозни қоралаётган маҳбусни терговчи ва тезкор вакил жим кузатиб туришди. Шундан кейин улар қилинган ишлар юзасидан ахборот тайёрлаб, прокурор хузурида бўлишди. Прокурор ўз миннатдорчилигини билдириб, галдаги ишларига омад тилади. Капитан Сардор Ҳамидов эртаси куни Дилшод яшайдиган маҳаллага бориб, у ҳақда сўраб-суриштирди. Яқин кўшниларида бири унинг қатор данғиллама уйлари ва сўнгги русумдаги машиналари ҳақида оғиз кўпиртириб, уни роса мақтади. Капитан унинг уйига борганда ҳақиқатан ҳам бунинг шоҳиди бўлди. Баланд қасрнинг нақшинкор дарвозасидаги митти тугмачани босди. «Булбул»нинг завқ берувчи хонишидан кейин дарвоза эшигини ўн саккиз ёшлар чамасидаги ўспирин очди.

– Дилшод аканинг уйи шуми? – деб сўради капитан саломни ҳам унутиб, кўзларини лўқ қилиб қараб турган йигитга.

– Ҳа, нима ишингиз бор эди? – деди йигит ҳамон безрайиб. Сардор Ҳамидов ўзини таништирди, шу пайт ичкаридан эркак кишининг:

– Алишер, ким келди? – деган дағал овози эшитилди.

– Милициядан экан, сизни сўраяпти, дада, – деди йигит баланд овозда:

– Кирсин, – яна ўша дағал овоз кўпол оҳангда жаранглади.

Сардор Ҳамидов ҳовлига кирар экан, ям-яшил арчалар ва куз фаслига ҳамоҳанг гуллар ичидаги мрамар тошлардан ясалган йўлаклардан ўтиб, қорақалпоқ ўтовларини эслатувчи чодирга яқинлашди. Чодир усти хилма-хил матолардан ёпилганлиги боис, ўзгача чирой кашф этиб, ичидан ўтган бетон ариқ сувининг шилдира-

ши дилга ором бериб, кўзни ўйнатарди. Тўқис ва ғоятда мафтункор қилиб безатилган дастурхон атрофида эркак-жувонлар қаҳ-қаҳ уриб ўтиришарди. Капитан Сардор Ҳамидов улар билан қисқа саломлашиб, ўзини таништирди ва:

– Қайси бирингиз Дилшод Ғофуров бўласиз? – деб сўради. Етти-саккиз ёшлар чамасидаги қизни эркалатиб ўтирган, охори тўқилмаган кийимларда янада савлатли кўринаётган киши қизининг узун қора сочларини майин силар экан, беписандлик билан,

– Тавба, Дилшод Ғофуровни танимайдиган, унинг кимга куёв эканлигини, тоғлардан ҳам бақувват тиргову-чи – қайнотасини билмайдиган кишилар ҳам бор экан – деди.

– Мен бундай майда-чуйдалар билан қизиқмайман, – деди Сардор Ҳамидов ўзини босиб.

– Ўзинг майда-чуйдасан, мен сени орқаваротдан танийман. Милицияга ишга кирганингга анча йил бўлишига қарамай, ҳамон ўша шарти кетиб парти қолган эски «Жигули»да юрибсан, – деди Дилшод мириқиб кулиб. Бошқалар ҳам уни маъқуллаб, энгил кулишди.

– Бу ерга сизнинг шон-шуҳратингиз ва мавқеингизни билиш учун келганим йўқ. Сизнинг уйингизда ўғирланган «Нексия» автомашинаси бор экан. Шунга аниқлик киритиш мақсадида сизни бошқармага олиб кетиш учун келдим – деди капитан Сардор Ҳамидов бу гал овозини сал баланд кўтариб.

– Бу тухмат, мен ҳеч қаерга бормайман, – асабий бақирди Дилшод.

– У ҳолда сизни мажбуран олиб кетишимга тўғри келади, – деди капитан. Дилшод баттар жазавага тушиб:

– Отиб ташласанг ҳам бормайман – деб бақирди. Капитан Сардор Ҳамидов унинг қаршилигини синдириб, машинага олиб чиқди ва яқинларига телефон рақамини қолдириб, Дилшодни тезда олиб кетди.

– Қизингизнинг туғилган кунини нишонлаётганми-дингиз? – машина маҳалладан узоқлашиши билан сўради капитан.

– Ёлғиз қизимнинг шундай хурсандчилигини бузиб, яна сўрашингга ўлайми? – деб қовоқларини осди Дилшод.

– Узр, хизматчилик. Лекин онаси тирик бўлганида қизингиз бундан-да шод бўларди, – деди Ҳамидов ўсмоқчилаб. Дилшоднинг ранги кутилмаганда тубдан ўзгариб:

– Бу билан нима демоқчисан? Онасига тил теккизма, раҳматли хотиним гўрида тинч ётсин, – деб ижирғанди.

– Раҳматли хотинингиз Гулчеҳранинг у дунёда тинч ёки нотинч эканлиги ёлғиз Аллоҳга аён. Аммо унинг жонига қасд қилган бошқа бир инсоннинг виждон азобида ўртанаётгани аниқ, – деди Сардор Ҳамидов нигоҳларини Дилшодга қадаб. Дилшод капитаннинг ўтли нигоҳларига дош беролмай, кўзларини олиб қочиб:

– Нимага шаъма қилаяпсиз, тушунмадим? – деб елкасини қисди.

– Рустам Тошевдан уч ярим минг АҚШ доллари қарз бўлиб қолганингизни назарда тутаяпман, – деди капитан ҳамон нигоҳларини ундан узмай.

– Машинани тўхтатинг, гаплашиб оламиз, – жон холатда бақирди Дилшод. Унинг бояги важоҳатидан асар ҳам қолмаган эди.

– Бошқармага борганда бафуржа гаплашишга етарлича имкон бўлади, – деди капитан.

– Хоҳласанг эски «Жигули»нгни янги «Нексия»га алмаштириб бераман. Илтимос, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолсин, – ялинишга ўтди Дилшод. Айнан шуни кутаётган Сардор Ҳамидов ундан янада кўпроқ нарсани билиш илинжида, йўқ, маъносида бош чайқади.

– «Нексия»га қўшиб, эллик минг доллар ҳам бераман.

– Бу кам, – деди капитан Сардор Ҳамидов ўқрайиб.



– Саксон минг доллар етадими? – тобора ялинишга тушди Дилшод.

– Тушунмадим, нега хадеб бахони ошириб бораяпсиз. Буларни менга ўзи нима учун бермоқчисиз? – яна ўсмоқчилади капитан. Дилшод қўллари билан сочларини юлганча:

– Хотинимни ўлдиртирганим учун – деб беўхшов бақирди.

– Афсуски, ҳамма нарсани ҳам сиз ўйлаганчалик пул, мол-дунё билан ва кимнингдир соясида туриб ҳал қилиб бўлмайди, – деди Сардор Ҳамидов баланд овозда. Бошқармага келишлари билан капитан Дилшоднинг олдига қалам-қоғоз қўйиб, бояги гапирганларини ёзиб беришни тайинлади.

– Бекорга хомтама бўлма, мен ҳеч нарса демадим. Сенга мол-дунё, таниш-билишнинг қудратини кўрсатиб қўяман. Погонингни юлишиб, башарангга отишганида, ишдан ҳайдалиб, думингни қисиб юрганигда беихтиёр мени эслайдиган, ҳатто тушларингда ҳам мени кўриб, васвасага тушадиган бўласан. Ҳозир прокурорга бориб, устингдан арз қиламан – виқор билан кекирдагини чўзди Дилшод.

– У ерга боришнинг ҳожати йўқ, чунки прокурорнинг ўзи сизни кўшни хонада кутиб ўтирибди. Фақат озгина вақтингизни оламан холос, – деб капитан диктофон тугмачасини босди. Қабих жиноятини яшириш учун ўзининг боягина қилган илтижоларини эшитиб, Дилшод оғзини ланг очганча анграйиб қолди.

– Ўзингизни доно билиб, бошқаларни аҳмоқ деб ўйлаганмидингиз? Ўғирланган машина ҳақидаги ҳийла ва сездирмай овоз ёзиб олишлар бизнинг оддий иш услубимиз, – деди капитан яна бир бор қоғоз-қаламга ишора қилиб. Батамом чорасиз қолган Дилшод чуқур уфф тортиб, бутун оғирлигини столга ташланганча ёза бошлади. Сўнг прокуратура терговчиси Қобил ака ҳам холислар

иштирокида уни сўроқ қилди ва ушбу жараён видеотасвирга туширилди. Бу пайтда Дилшоднинг ўғли Алишер телефон орқали Сардор Ҳамидов билан боғланиб, унинг хонасига чиқди.

– «Нексия»ни дадам туғилган кунимга совға қилганди. У ҳеч қандай ўғирлик эмас, нега дадамни қамаб қўйдинглар? – худди отасидек қўпол гапирди йигит.

– Ёшинг нечада? – саволга савол билан жавоб қайтарди капитан.

– Ўн тўққизда.

– Онангни яхши кўрармидинг?

– Ким ўз тукқан онасини ёмон кўради. Нималар деб бошимни қотираясиз. Онаминг машинага нима дахли бор? Ахир улар раҳматли бўлиб кетишган-ку, – асабийлашди Алишер.

– Агар онангнинг қотили яқин дўстинг бўлса, нима қилардинг?

– Ўлдирардим, – бақирди йигит.

– Мабодо яқин кишинг бўлса-чи?

– Ким бўлишидан қатъи назар аямасдим.

– Ҳатто қотил отанг бўлса ҳамми?

– Нималар деяпсиз, тушунтириб гапиринг, – бақирди Алишер.

– Сен энди ёш эмассан, ҳамма нарсага ақлинг етади. Отанг онангни ўлдириш учун ёлланма қотилдан фойдаланган. Бунинг эвазига унга беш минг доллар беришни ваъда қилган, – деди Сардор Ҳамидов босиқлик билан.

– Ёлғон, бу тухмат, мен бунга ишонмайман, – аламзада бақирди Алишер. Капитан уни қўшни хонага бошлаб, прокуратура терговчисининг саволларига жавоб бераётган дадаси Дилшодга юзланиб:

– Ўғлингизга ҳақиқатни айтадиган пайт келди – деди. Дилшод ўғлига маюс тикилиб:

– Эшитганларингнинг бари рост. Онангни мен ўлдиртирдим, мени кечир ўғлим, энди уйга бориб синглингга қара, – деб йиғлаб юборди.

Алишернинг вужуди ток ургандек сесканиб кетди ва бўғзига келган нарсани бир наъра тортиб чиқаргиси келди. Аммо кўз олди қоронғилашиб, беҳуш йиқилди. Бирпасдан кейин ўзига келиб, онасининг қотили ким эканлигини суриштирди. Сардор Ҳамидовдан унинг исми Рустамлигини билиб, онаси ўлмасидан бир кун аввал унинг отаси билан уйга келганини таъкидлади. Сардор Ҳамидов бунга ишонч ҳосил қилиш мақсадида, Рустамнинг суратини бошқа суратлар билан қориштириб, стол устига ёйди. Алишер уларнинг орасидан Рустамнинг суратини осонгина топди. «Демак, Дилшод ёлланган қотилга уйини ва бўлажак қурбонни кўрсатиб кетган», – фаҳмлади капитан. Шундан сўнг Алишернинг ушбу кўрсатмаси ҳам ишга қўшилди. Бироқ булар ҳам Дилшодни жиноий жавобгарликка тортиш учун етарли эмасдай туюлди. У яна бир бор Гулчеҳранинг ўлими бўйича тўпланган йиғма жилдни кўлига олиб, марҳуманинг отаси берган тушунтириш хати ва телефон рақамига кўзи тушиб, улар билан ҳам гаплашишга қарор қилди. Дарҳол телефон орқали Олим ака билан боғланиб, ўзини таништириб, учрашиш зарурлигини билдирди. Чол-камбир уни тўрга – кўрпачага ўтқазишди. Сардор Ҳамидов уларнинг ажин босган юзларига ва сўниб қолган кўзларига боқиб, бирпас гапни нимадан бошлашни билмай қийналиб турди.

– Ўғлим, бемалол гапираверинг, биз ҳамма нарсани бошимиздан ўтказганмиз, сизларнинг хизматингизни ҳам жуда яхши тушунамиз, – деди Олим бобо бир унга, бир кампирига қараб қўйиб.

– Қизингизнинг ўлимида бирор кишидан шубҳаланганмидингизлар? – сўради капитан Ҳамидов.

– Шу пайтгача куёвимиз Дилшоддан гумонланиб келмоқдамиз. У шўрлик қизимизга кўп ситамлар етказганди. Ҳар гал йиғлаб келганида, эр-хотиннинг уриши– дока рўмолнинг қуриши деб уни овутиб, яна уйига

жўнатардик. Лекин, энди бунинг нима даҳли бор, ахир шунча вақт ўтиб кетди, – деб кўзига ёш олди Олим бобо.

Капитан уларнинг шубҳаси асосли эканлигини, беш минг доллар эвазига хотини Гулчеҳрани йўқ қилиш учун қотил ёллаган Дилшоднинг қабиҳ жинояти фош бўлганлигини айтганида чол-кампир худди ёш болалардек бақириб, йиғлаб юборишди. Сардор Ҳамидов уларни юпатишга уринди.

– Бу бизнинг қувонч ёшларимиз. Бошқалар дардини ўзиникидек биладиган – сизга ўхшаганлар борлигига беадад шукрлар бўлсин, – деди Ойниса ая ҳамон кўз ёшларини тиёлмай.

Орадан бир ой вақт ўтиб, одил суд ҳукмига кўра Дилшод Ғофуров йигирма ва Рустам Тошев йигирма етти йилга озодликдан маҳрум этилди.

Тошкент шаҳар ИИББ мажлислар залида, бошқарма бошлиғи, генерал – майор Равшан Ҳайдаров бир неча йилдан бери очилмай келаётган ўта оғир жиноятни тағтомири билан фош қилгани учун тезкор вакил, капитан Сардор Ҳамидовга миннатдорчилик билдириб, ўзининг қўл соатини совға қилди. Албатта, бундай рағбат Сардор Ҳамидовни руҳлантириб, унга янада куч-қувват бағишлади.

У кунларнинг бирида одатдагидек ишдан ярим кечаси қайтаётганида бензин тугаб, машинаси ўчиб қолди. Қўлига елим идиш олиб, машина капотига суяниб турган капитан йигирма метрлар чамаси наридаги баланд девордан тушаётган шуъладан ҳайратга тушди. Шуъла бамисоли тунни чароғон қилиб турарди Сардор Ҳамидов унга диққат билан тикилди. Нур оқ харирга ўралган аёлнинг мамнун қиёфасидан тараларди. Сардор Ҳамидов бирдан сесканиб кетди ва дуч келган томонга қараб юра бошлади.

... Эрталаб хизмат хонасига кириши билан стол торт-

масидан Гулчехранинг суратини олиб унга яна бир бор  
разм солди. У ҳақиқатан ҳам кеча Минор қабристонини  
девори устида кўрган аёлга жуда ўхшарди. Сардор  
Ҳамидов Олим бобо билан боғланиб, Гулчехранинг  
қайси қабристонга қўйилганлиги билан қизикди. Гўшак-  
дан, Минорга, – деган овозни эшитди-ю капитан алғов-  
далғов бўлиб кетган фикрларини жамлашга уринди. У  
узок йиллар қийналган руҳнинг безовталиги, ниҳоят  
якун топганини тушуниб етди, аммо бу ҳақда ҳеч кимга  
чурқ этмади.



## МАЖРУҲ ҚАЛЪЛАР

*«Кимки ўз кирдикорларидан уялмаса, у  
икки карра айбдордир».*

**ПУБЛИЛИЙ СИР**

\* \* \*

Шаҳар осуда ва осойишта турмуш тарзидан янада гўзал ва файзли бўлиб, вақт деб аталмиш учқур отни ҳар ким ўзи истаганча елдирарди. Кўп қаватли турар жойлардан унча узоқ бўлмаган жойдаги ахлатхона олдида одатдагидек ахлат титувчи киши пайдо бўлди. Таниганлар Мирон амаки деб мурожаат қилувчи бу шахсга танимаганлар ачиниш билан боқиб, нахотки бу бояқишга фарзандлари қарашмаган бўлса деб, бошларини сарак-сарак қилиб қўйишади. Аслида Мирон амаки ўзига тўқ яшайди. Унинг энг суюкли хоббиси эски рўзғор буюмларидан чиройли кўғирчоқлар яшаш. «Топилма»ларини обдон тозалаб, кичик дастгоҳи ёрдамида улардан чиройли шакллар яратади. Бу қария учун кундалик эрмак бўлиб, болаларнинг кўнглини топишда ҳам жуда асқатади. Бу гал улканроқ буюмни топдим шекилли деб хурсанд бўлган қариянинг қувончи узоққа чўзилмади. Қўлига илиниб чиққан одам оёғини кўриб, ҳушини йўқатишга бир баҳя қолди. Тезда ўзини қўлга олиб, ИИБ навбатчи қисмига хабар қилди...

...Хизмат фаолияти давомида илк маротаба ишга кеч келган тезкор вакил капитан Сардор Ҳамидов навбатчи инспекторнинг шошилинич берган хабарини эшитиши ҳамано зудлик билан воқеа жойига етиб борди. Ахлатхона атрофини милиция ходимлари ўраб олишган, ҳамкасблари ахлатлар орасидан ниманидир излашарди. Ҳаттоки топилган мол, қўй ва товук суяқларини ҳам синчиклаб кўздан ўтказишарди. Раҳбарлар кўзига тушиб қолмаслик учун ахлатхонага кириб чиқаётган ходимларга қўшилиб, ҳамкасби майор Хайрулла Нуриевдан топилган оёқнинг қаерда эканлигини суриштирди.

– Ана картон қути ичида турибди. Энди унинг бутун жасади топилмагунча тиним бўлмайди, – норози кайфиятда жавоб берди майор. Сардор Ҳамидов қути ичидаги одамнинг чап оёғига зимдан разм солар экан, унинг кесилган жойидаги тери қатлами орқага қайтарилганлигини пайқади. Бундай усулни фақат жарроҳларгина қўллаши мумкин. Чунки сақлаб қолиш мумкин бўлган қисмининг тери қатлами ичга қараб қайтарилиб тикилади. Капитанни пайқаб қолган ИИБ бошлиғи ёнига чақирди:

– Хўш, сен нима дейсан?

– Рухсат этинг ўз хулосамни баён қилишга, – деб қаддини ғоз тутди капитан. Бошлиқ унчалик хушламайгина бош ирғади. Ўз тахминий фикрларини билдирган капитан касалхоналарни суриштириб кўришга рухсат олиб, ишни марказий касалхонадан бошлади. Ниҳоят шифокорлардан бири уч кун олдин иллат олишидан суяклари жиддий шикаст еган қирқ етти ёшли Асқар исмли қозоқ кишининг чап оёғи кесилганлигини, ҳозир ўзини жуда яхши ҳис қилаётганини маълум қилди.

– Кесилган оёғини нима қилдингизлар? – сўради капитан.

– Отамизнинг кесилган оёғини муслмончилик асосида дафн этамиз деб қизлари ялиниб, ҳоли-жонимизга қўймай олиб кетишди, – деб бош эгди шифокор. Капитан Сардор Ҳамидов бемор билан суҳбатлашиб, қайси ўлчамда пойафзал кийишини ва қизларининг яшаш манзилини билиб олди. Тушликка яқинлашганда эшик кўнғироғининг жиринглаши душ қабул қилаётган Чўлпонойнинг оромини бузди. Кутилмаган меҳмоннинг ички ишлар ходими эканлиги ва отасининг оёғини суриштириши эндигина йигирма бирга кирган ёш келинчакни саросимага солди.

– Уни қабристонга кўмганмиз, – деб узоқ ўйланишдан кейин зўрға жавоб қайтарди.

– Лекин, опангиз Айсулув мутлақо бошқа гапни

айтди. Негадир гапингиз қовушмаяпти, – ўсмоқчилади изкувар.

– Сиз опамни кўрдингизми? – шошиб сўради Чўлпоной.

– Албатта, ҳозиргина у отангизнинг кесилган оёғини қайси ахлатхонага ташлаганини кўрсатди. Унинг таъкидлашича, бу фикр сиздан чиққан экан.

– Ёлғон, ҳаммасини ўзи қилди, – деб бақириб йиғлаб юборди. Шундан кейин капитан Сардор Ҳамидов Асқарнинг турмуш ўртоғи Жузимгул ва унинг қизларини воқеа жойига олиб борди. Бу ерда иш ҳамон қизғин эди. Сардор Ҳамидов бошлиғига қисқа ахборот бериб, Жузимгулга қути ичидаги оёқни кўрсатди. Аёл унга тикилиб қарар экан:

– Вой, мнов Асқарнинг аяғи ғой, – деб бақириб йиғлаб юборди. Сўнг оқибатсиз қизларини қарғай кетди. Соғ ва «ўлик» оёқлар ўлчамининг тўғри келиши эса аёл ноласига ҳеч шубҳа қолдирмади.

– Бунинг қотилликка алоқадор эмаслигини қандай пайқаган эдинг? – сўради бошлиқ капитандан.

– Еттинчи синфда ўқиётган пайтимизда йўл-транспорт ходисаси туфайли жиддий жароҳатланган синфдошим Икромжоннинг оёғини кесишганди. Ўшанда дўстимнинг кесилган оёғи ҳам худди шу алфозда эди. Болалигимдан қолган бу аччиқ хотира ҳеч эсимдан чиқмайди, – деди капитан. Тезкор тадбирни тўхтатишга буйруқ берган бошлиқ Сардор Ҳамидовнинг кўлини мамнун қисиб қўйди.



## БАХТ ОРТИДАГИ БАХТСИЗЛИК

*«Сиркадан кўра асалда нашла кўпроқ ўлади».*

**АБДУЛ ФАРОЖ**

\* \* \*

Тақдирнинг аччиқ зарбасига учраб, эрта бева қолган Зинаида иродали бўлди. Бутун куч-қувватини қизини тарбиялашга бахш этди. Гарчи унинг бирор ўқув муассасини тугатганлик ҳақида дипломи бўлмаса-да, у бундан асло афсусланмади. Чунки аёл моҳир пазанда эди. Кўпгина тамаддихоналардан уни ишга таклиф қилишди. Лекин баъзи хўжайинларнинг ёш, гўзал аёлга бошқача қарашлари ёқмади. Шу сабаб Зинаида уйда егуликлар пишириб, бозорга чиқариб сота бошлади. Аста-секин мижозлар кўпайиб, унинг пиширикларини талашиб-тортишиб олишадиган бўлишди. Бу унинг иқтисодини кўтариб олишда муҳим омил бўлди. Қизи улғайган сайин унинг эҳтиёжи ҳам катталашарди. Қизини жон-дилидан яхши кўрувчи, унга бор меҳрини берган онаизор савдодан келаётган даромадни янада ошириш мақсадида Салим исмли йигит билан ҳамкорлик қила бошлади. Тушгача егуликларни сотиб бўлган Зинаида бўш вақтларида Салимнинг дўконида сотувчилик қиларди. Она қизини яхши едириб-кийдираётганидан беҳад хурсанд. Коллежга ўқишга кирган Ританинг илм олиши учун астойдил жон куйдираётган эди. Оила аъзосига айланиб қолган Салим ҳам энди бу хонадонга тез-тез келиб турарди. Зинаида ўзидан олти ёш кичик бўлган бу йигитга негадир ишонгиси келарди. Қийналган пайтларида шундай суянчиқ топилганидан минг бор шукроналик қиларди. Аммо шундай кунларнинг бирида хонадонига милиция ходими ташриф буюрди. Ўзини капитан Сардор Ҳамидов деб таништирган ходим дарров мақсадга ўтмай, ошйишталикни таъминлашга қаратилган махсус тадбир

олиб борилаётганлиги, шу боис хонадон эгалари билан сухбатлар ўтказилаётганлигини ётиғи билан тушунтириб, хожатхонадан фойдаланишга рухсат сўради. Ювиниш хонасида хожатхонанинг жойлашганлиги изкувар учун айни муддао бўлди. Ванна ичидаги бир уюм кийимлар орасидан қон юқи қотиб қолган матоларнинг топилиши, хожатга чиқиш жойида ва деворда ҳам қон доғларининг мавжудлиги изкуварни хушёр торттирди. Капитан аёлни чақириб, буларнинг сабабини суриштирганида Зинаида елкасини қисиб,

– Эрталаб уйдан чиқиб кетганимда қон доғлари йўқ эди, – деди.

– Балки қизингиз билар? – сўради капитан. Аёл кизини тергай бошлаганида:

– Боя бурним қонаб кетган эди, – деди Рита кўзларини олиб қочиб. Капитан тез ёрдамга кўнғироқ қилаётганида қиз безовталана бошлади. Ҳаялламай етиб келган шифокор Ритани нариги хонада текшириб кўриб, уни зудлик билан шифохонага ётқизиш зарурлигини маълум қилди. Чунки қизда қон кетиш хавфи кучли тус олган эди.

– Чақалоқни ахлатга сен ташлаганмидинг? – сўради капитан.

– Ҳа, шу пайтгача қорнимни тортиб боғлаб, спорт костюмимни кийиб, онамга билдирмай келган эдим. Эрталаб онам ишга кетаётганларида энди тўлғоқ бошланган эди. Тишимни-тишимга қўйиб, баъзўр онамни кузатиб қолдим. Онам кетиши билан ювиниш хонасига кирдим, шу ерда тўлғоқ азобини тортиб, болани туғдим, тишим билан киндигини узиб, латтага ўраб, ахлат челака солиб, ташқаридаги ахлатхонага чиқариб ташладим, – деб йиғлаб юборди. Эшик кесакисига суяниб, жим эшитиб турган Зинаиданинг лаблари баъзўр пичирлаб:

– Боланинг отаси ким? – деб сўради.

– Салим амаки, у сиз дўконда пайтингизда ҳар куни уйга келарди. Унинг турли-туман совғаларидан ақлим

шошиб, қандай қилиб унинг қучоғига тушиб қолганимни билмай қолдим. Кейин бу ҳол узоқ давом этди, – деди қиз ҳамон кўз ёшларини тўхтата олмай.

– Уни мўмин-қобил йигит десам, қўйнимга кирган илон экан-да, – деб тишларини ғичирлатди Зинаида. Ритани шифохонага олиб кетишди. Аёл бошини чангаллаганча йиғлаб қолаверди.

– Боя қизингизнинг ёшлигини ҳисобга олиб, ташрифимнинг сабабини очикчасига айтолмаган эдим. Фуқаролардан бири ахлатхонадан янги туғилган чақалок топиб олгач, дарҳол ички ишлар бўлимига хабар қилди. Эрталабдан буён бутун милиция ходимларида тиним йўқ. Шу атрофдаги барча хонадонларга кириб, суриштирув ишлари олиб боришди, – босиқлик билан тушунтирди капитан.

– Хизматингизнинг нақадар оғир эканлигини тушунаман ва сиздан хафа ҳам эмасман. Лекин, менинг айбим нима? Ахир, шу қизим ҳеч кимдан кам бўлмасин деб тиним билмай меҳнат қилсам. Отасиз ўсган дили ўксимасин деб ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйган бўлсам. Соддалагим курсин, мен ўзимни нокаслардан эҳтиёт қилишни ўйлабман-у, қизим бўй етганида ғафлатда қолибман. Менимча, хатоим ҳам айбим ҳам шу бўлса керак, – деб яна пиқиллаб йиғлаб юборди Зинаида. Капитан кўрсатма бериш учун аёлни ички ишлар бўлимига олиб кетди. У ерда чақалокни топиб олган Галя Петрова капитанни интиқлик билан кутиб ўтирарди.

– Шу чақалокқа кўзим тушиши билан юрагим жиз этиб кетди. Боиси, етти йилдан бери фарзанд кўриш умидида яшайман. Эрим билан иккимиз шу чақалокни фарзанд қилиб олишни маслаҳат қилиб ўтирганимизда онаси топилганини эшитиб, ҳафсаламиз пир бўлиб кетди. Агар қонунларимизда бу ҳолат назарда тутилган бўлса, бизга ёрдам беринг, шу болани қонуний хужжатлаштириб олайлик. Ҳатто шу боланинг келажаги учун бошқа

ерга кўчиб яшашга ҳам тайёрмиз, – деди аёл кўзларини жавдиратиб. «Қанийди меҳр тўла бу кўзларни боласидан воз кечаётган оналар кўрсайди», деб хаёл қилди капитан. Шифохонада анча тетиклашган чақалокни Галя Петрова қонуний ҳужжатлаштириб, унга Денис деб исм қўйди ва бошқа шаҳарга кўчиб кетди. Бунинг сабабини ва манзилни капитан Сардор Ҳамидовдан бошқа ҳеч ким билмасди.



## ИСНОД

**«Виждони мажруҳ кишиларга қараш, калтакланганларга қарашдан ҳам даҳшатлироқдир».**

**ЮЛИУС ФУЧИК**

\* \* \*

Эрининг қадрдон дўсти ташриф буюрганидан Ҳанифанинг ҳам кўнгли тоғдек кўтарилиб, дастурхон безаб, пазандаликдаги бор маҳоратини ишга солди.

– Машҳур шоир Эркин Воҳидовнинг «Дўст билан обод уйинг, гар бўлса ул вайрона ҳам, дўст қадам қўймас экан, вайронадир кошона ҳам» деган мисраларини эшитганимда, беихтиёр кўз ўнгимда намоён бўласиз, – деб мезбон ҳамон меҳмонга илтифот кўрсатарди.

– Қайсидир мамлакатда «дўсти йўқ одам ўлимга маҳкум» деган ғалати нақл бор экан. Худога шукрки, битта бўлса ҳам мингтага арзийдиган сиздай дўстим бор, – деб меҳмон ҳам ёнбошлаб ётган жойидан туриб, мезбонни бағрига босди. Дўстлик риштасини мустаҳкам боғлашган хонадон соҳибларининг фарзандлари ҳам шубҳасиз бири-бириникига ҳеч тортинмай кириб келаверишарди.

2001 йил ёз оқшомларининг бирида жиринглаган эшик кўнғироғидан ҳеч қандай шубҳага бормаган Ҳанифа хотиржам эшикни очди. Шу пайт пешонасига қадалган совуқ қуролдан аъзои баданидан муздай тер чиқиб кетди. Телпагини бостириб кийган кимса, уйда она билан боладан бошқа ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, уларнинг қўл-оёқларини боғлаб, тилла тақинчоқлар ва пуллар қаерда турганлигини сўрай бошлади. Аёл жим тураверганидан кейин қуролланган шахс уларга қарата уч марта ўқ узди...

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ навбатчи қисмга босқинчилик жинойти ҳақида хабар келиб тушиши билан тезкор гуруҳ йўлга отланди. Ҳеч қанча

вақт ўтмай ички ишлар бошқармаси бошлиғи, генерал майор Равшан Ҳайдаров ҳам воқеа жойига етиб келди. Туман раҳбарлари томонидан кутиб олинган генерал хонада иш олиб боришаётган ходимлар билан қўл бериб кўришар экан, капитан Сардор Ҳамидовнинг қўлини бирпас тутиб туриб,

– Нима гаплар? – деб сўради.

– Жиноят ҳақида хонадон соҳиби ИИБга хабар қилган. Жиноят тахминан бир соатлар чамаси олдин содир этилган, – қаддини ғоз тутиб жавоб берди капитан.

– Жабрланувчилар кўпчиликни ташкил қиладими?

– Икки киши – она билан бола.

– Қурбонлар йўқми?

– Йўқ, ўртоқ бошлиқ.

– Жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилганми?

– Жабрланувчиларнинг таъкидлашларича, жиноятчи йигирма уч, йигирма беш ёшлар чамасидаги битта шахс бўлган.

– Нима билан қуролланган экан?

– Жиноятчи бир неча маротаба ўқ узган. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жиноят жойида гильзаларнинг топилмаганлиги мазкур қуролнинг «револьвер» эканлигидан далолат беради. Ўзингизга маълум, бундай қуролдан отилганда гильзалар жойида қолади.

– Жабрланувчилар қай даражада жароҳат олишган?

– Уларга яқин масофадан туриб ўқ узилган бўлса-да, она-бола жиддий жароҳат олишмаган. Аксинча отилган ўқлар хиёл ўз шаклини йўқотган.

– Ўйлаб гапиряпсанми, отилган ўқ ҳам ўз шаклини йўқотади?

– Топилган 5, 6 калибрлик ўқлардан шуни тахмин қилиш мумкинки, газли тўппончани жанговар ҳолатга келтириш учун, стволи ичидаги газ пурковичнинг металини пармалаган бўлиши керак. Бунинг оқибатида

қолган қолдиқлар отилган ўқларни қисиб чиқарганлиги сабабли, улар ўз кучини ствол ичидан чиқишдаёқ, йўқотган. Шунинг учун ҳам аёл жағидан, бола орқасидан ўқ ёйишига қарамасдан жиддий жароҳат олишмаган.

– Тўппончани кўрмасдан, худди ўзинг отгандай гапирасан, – жаҳли чикди генералнинг.

– Менинг тахмин ва таҳлилларим бўйича жиноятга жабрланувчиларнинг танишлари ёки қариндошларидан бири алоқадор бўлса керак, деб ўйлайман.

– Буни нимага асосланиб айтаяпсан?

– Эътибор берган бўлсангиз, хонадонга кириш эшигининг тепасига иккита кўнғироқ тугмачаси ўрнатилган. Бироқ биттаси унчалик кўзга ташланмайдиган жойга ўрнатилган. Икки хил мусиқа чалувчи мазкур кўнғироқлар ўзига хос вазифани бажаришган. Яширин кўнғироқ тугмачаси босилганда хонадонда яшовчилар эшикдаги махсус «кўз» билан қараб ўтирмасдан, хотиржам эшикни очишган. Чунки ундан фақат бу оилага яқин кишилар фойдаланишган.

Шундан кейин генерал, кўрқувдан ҳамон дағ-дағ титраётган оила аъзолари билан гаплашиб, бу жиноят, албатта, очилишини, жиноятчига жазо муқаррар эканлигини таъкидлаб, уларни юпатди.

– Кечирасиз, рафиқангиз билан икки оғиз гаплашиб бўладими? – сўради капитан хотини билан ўғлини бағрига босиб ўтирган хонадон соҳибидан.

– Ҳа, албатта, – деди Саттор Ғуломович.

– Мабодо сизга жиноятчи таниш туюлмадими? Унинг кўриниши ва юз-тузилишини эслай оласизми? – деб капитан аёлга юзланди.

– Дарҳақиқат, мен уни кимгадир ўхшатдим, бироқ азбаройи кўрққанимдан бошимдан ҳушим учиб, уни илгари қаерда кўрганимни ҳеч эслолмаяпман.

– У нима билан қуролланган эди?

– Қўлида тўппончаси бор эди.

– Мана шундай курул эдими? – деб капитан тўппончасини чиқариб кўрсатди.

– Йўқ, уники сал бошқачароқ эди, – деди Ҳанифа бир оз ўйланиб. Капитан иш дафтарига бир неча тўппончалар расмини чизиб, аёлга кўрсатди.

– Яхшилаб боқинг-чи, улардан қай бири сиз кўрган тўппончага ўхшайди. Дафтарга узоқ тикилган Ҳанифа, «револьвер» тўппончаси расмига кўрсаткич бармоғини кўйди.

– Қурулланган шахс нималар деди, эслай оласизми? – суҳбатни давом эттирди Сардор.

– Тилла тақинчоқлар ва пулларни беринглар. Акс ҳолда, омон қолдирмайман деди.

– Унинг уй ичида юрган жойларини кўрсатинг. Капитаннинг бу талабини сўзсиз адо этаётган аёл йўл бошлаб, хонама-хона юра бошлади. Унинг орқасидан оҳиста юриб келаётган капитан чўғдай гилам устидаги бир парча қоғозни кўриб, кўздан кечира бошлади. У Сирдарёлик тадбиркор Лолахон Акромовага тегишли фирманинг муҳри босилган ишонч қоғози эди.

– Бу қоғоз кимники? – сўради капитан. Аёл қоғозга анча вақт разм солди-да, бошини сарак-сарак қилиб:

– Бизнинг уйда бундай қоғозни биринчи кўришим. Қаердан келиб қолганини билмайман, – деб жавоб берди. Шундан кейин капитан аёлнинг эрига юзланиб:

– Балки, бу, сизга тегишлидир, – деб қоғозни унга узатди. Қоғозга кўз югуртирган Саттор Ғуломовичнинг авзойи ўзгариб:

– Устимдан кулаяпсизми, ахир мен фирмада эмас, адлия идораларида ишлайман-ку. Капитан калаванинг учини топганидан хурсанд бўлиб кетди. Шундан кейин капитан генералдан рухсат олиб, бир гуруҳ ходимлар билан Сирдарёнинг Гулистон шаҳрига йўл олди. Лолахон Акромовага тегишли хусусий фирмани топиб, хўжайинига ўзини таништириб, қўлидаги қоғозни кўрсатганида аёл



бу ишонч қоғозидаги муҳр айнан шу фирманики эканлигини таъкидлади.

– Қаерга ташлаб кетгандингиз? – сўради капитан.

– Бу ишонч қоғозини Равшанга берган эдим. У фирмага тегишли техникаларга ёнилғи олиб келиш учун Тошкентга кетган эди, – деди аёл ҳайрон бўлиб.

– Равшан қаерда яшайди?

– Гулистон шаҳрида.

– Илтимос, уни шу ерга чақирсангиз, фақат биз ҳақимизда ҳеч нарса гапирманг, – деб капитан аёлга маъноли қараб қўйди. Аёл минг бир ҳадик билан қўл телефони орқали Равшан билан боғланиб, тез офисга келишни тайинлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ВАЗ-2106 автомашинаси офис олдида тўхтаб, ундан жабрланувчилар тасвирлаган жинойтчининг белгиларига ўхшаш шахс тушди.

– Сиз таъкидлаган йигит шуми? – сўради капитан.

– Худди ўзи, – деб Лола Акромова йигитга ёнидагиларни таништираётганида Равшаннинг ранги ўзгариб,

– Лола опа, мени нимага чақирган эдингиз? – деб сўради.

– Сизни биз йўқлаган эдик, – деб капитан Сардор Ҳамидов гувоҳномасини кўрсатмоқчи бўлганида, Равшан офисдан ўқдай учиб чиқиб, қочишга уринди. Бироқ шай турган ходимлар уни бирпасда қўлга олишди.

– Қўйиб юборинглар, мен ҳеч қандай жинойт содир этмадим, – деб бақирди Равшан.

– Айбинг бўлмаса, нега қочасан? – деб капитан Равшанга қаради. Йигит нигоҳларини олиб қочиб, жим бошини эгди. Тинтув пайтида Равшаннинг чўнтақларидан 5,6 калибрлик ўқлар топилди.

– Бунинг тўппончаси қани? – сўради капитан.

– Ҳеч қандай тўппончани билмайман. Агар отам бу қилмишларингиздан хабар топса, сизларни ишдан ҳайдаттиради, – кўрслик билан жавоб берди.

– Бўлиши мумкин, бироқ сенинг қилмишингдан воқиф бўлгач, исноддан бош кўтара олмай қолиши аниқ. Чунки сен отанг билан ўртоғининг ўртасидаги қил ўтмас риштага путур етказдинг, – деб капитан аёлга юзланиб, яна гапида давом этди. – Кўрдингизми Лолахон, ота ишончини поймол қилган ўғил учун сизнинг ишонч қоғозингиз нима бўпти. Агар, Равшан тўппончани бизга топширмаса, бу совуқ қурол яна бировни жабрлаши ёхуд ёстиғини қуриштириши мумкин. Ҳечқиси йўқ, биз бу тўппончани, албатта, топамиз. Шундан кейин Равшанни Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасига олиб кетишди. Жабрланувчилар тергов хонасига кириб, бошини қўллари орасига олиб ғужанак бўлиб ўтирган йигитга кўзлари тушгач, беихтиёр:

– Наҳотки сен... Ахрор аканинг ўғли шундай номақбул ишни қилади, деб ҳеч ўйламаган эдик. Отанг энди бизнинг кўзимизга қандай қарайди, падарингни қай аҳволга солиб қўйдинг, аҳмоқ! – тишларини қисирлатиб сўкинди Саттор Ғуломович.

– Мени кечиринглар, шайтон йўлдан урди, қилган ишимдан мингдан бир пушаймонман, – деб йиғлаб юборди Равшан.

... Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди зали одамлар билан гавжум. Судланувчи Равшан Ахрорович Шерматовнинг жиноий иши бўйича судда капитан Сардор Ҳамидов ва унинг ходимлари ҳам гувоҳ сифатида иштироқ этишди. Залга капитан Сардор Ҳамидов чақирилганда башанг кийинган аёл виқор билан ён томондаги йўлакка қараб, шахдам қадамлар билан минбарга қараб бораётган капитаннинг орқасидан:

– Ҳа, илоё, йигит ўлгин, жувонмарг бўлгин, – деб сўкиниб қолди. Бунга унчалик парво қилмаган капитан минбарга кўтарилиб:

– Ҳурматли судя ва суд қатнашчилари! Ҳозиргина орқамдан судланувчи Равшаннинг онаси ва кариндош уруғлари қарғаб қолди. Мен ҳам бир онанинг фарзан-

диман. Равшаннинг «қора курси»да ўтиришида менинг айбим йўқ. Менинг айбим судланувчининг онаси ўйлаганидек, мазкур жиноятни фош этганим бўлса, агар бу очилмай қолганида номаъкул ўғил, ота-онасининг бошига бундан-да оғир кулфатларни келтириши муқаррар эди, – деди.

Залга чўккан оғир сукунатни бир аёлнинг уввос тортиб йиғлаши бузиб юборди. Аҳрор ака турмуш ўртоғининг қўлтиғига кириб уни суяди, бироқ қаддини тик тутиб, бошини баланд кўтаришга мажоли етмади. Равшан қилмишига яраша тегишли жазосини олиб, узок йилларга озодликдан маҳрум этилди. Аммо у қолдирган иснод доғи йиллар силсиласида янада катталашиб, ота-онасини тоғдек босди.



## БОШИГА ЕТГАН ТАКЛИФ

*«Қинғирликлар билан ошна тутинган одам, ўша қинғирликларнинг қурбонига айланади».*

ТЕОДОР ДРАЙЗЕР

\* \* \*

Ўғил бола камолга етгандан кейин, ҳаётда ўз ўрнини топиб кетолмаса, нафақат ўзига, балки яқинларига ҳам ташвиш туғдиради. Оролбўйи ўлкасининг марказида дунёга келган Қуанишнинг гўдаклик чоғидаги шўх қилиқлари ва ғаройиб кулгиларидан ота-она қалбидаги қувонч кўкларга ўрлаганига шубҳа йўқ. Гарчи пойтахтда илм олиш қишлоқ жойига нисбатан бирмунча қулайроқ бўлса-да, Қуаниш (исмлар ўзгартирилган) бундай имкониятдан унумли фойдаланишни истамади. Чунки кўзига улкан тоғ бўлиб кўринган ота-онасини муносиб тирговуч деб билди. Афсуски, ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди деганларидек, нафақага чиқиб, анча кексайиб қолган ота-онаси ҳам аста-секин кўз ўнгида чўкиб борарди. Вақтида бир ҳунарнинг этагидан тутмаган йигитнинг ўзи ҳам ота бўлгач, жавдираб турган қора кўзларни боқишнинг ташвиши нақадар оғир эканлигини тушуниб етди. Бирок четга ишлагани кетиб, эшакдай меҳнат қилиб, ҳақини ололмай қуруқ қайтгани уни янада изтиробга солди. Шундай кунларнинг бирида яқин танишларидан бири уни автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасига оператор қилиб ишга киргизиб қўйди. Қўлингдан ҳар куни катта миқдордаги пул ўтиб турганидан кейин зорманданинг кири юқиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас экан. Аввал пулнинг ҳиди, кейин кири ва ниҳоят чўнтагида бўлиши унинг эсини оғдирди. Қуанишнинг феъл-атворида салбий ўзгаришлар пайдо бўлди. Бу биринчи навбатда мижозлар билан бўлган муомалада турли хил кўнгил хи-

раликларни келтириб чиқарди. Оқибатда, мазкур ёнилғи куйиш шохобчасининг обрў-эътиборига путур етиб, кундалик тушум ҳам тушиб кетди. Савдо ҳолатининг ёмонлашуви ва мижозларнинг шикоятидан тоқати тоқ бўлган шохобча эгаси Қуанишнинг қўлига паттасини тутқазиб, катта кўчани кўрсатиб қўйди. Хатосини англаш ва пушаймонлик ҳиссини туйиб, тегишли ҳулоса чиқариш ўрнига Қуаниш аламини арокдан ола бошлади.

Кўча одамига айланиб қолган йигит ёзнинг қисқа тунида юлдузларга қараганча узоқ ётди. Афтидан, у мунажжимлик қилиб, ўз тақдирини билмоқчи бўлди шекилли. Лекин ёшлигида яхши ўқимагани боис юлдузлар харитасига тиши ўтмай оҳиста кўзларини юмди. Супани тозалашга келган ошхона ишчиси қошларини чимириб:

– Меҳмонга келганингиз йўқ, бошқа буюртма бермангиз, бу ерни бўшатинг. Ана яна мижозлар келаяпти, – деди.

– Ишни бизнинг қўлимиздан олиб, анча «семирибсан», – деди Қайрат. Бир ўзинг битта супани банд қилиб ўтиришингга қараганда чиндан ҳам топишинг чакки эмас, – деди Марат.

– Эмас эди, – деб оғир хўрсинди Қуаниш эски ҳамкасбларини кўриб. Унинг бу тушкун кайфиятини кўтариш ва эски идорадаги сир-асрорлардан хабар топиш мақсадида яна улфатчиликни давом эттиришди. Сокин тун, майин шабада, тўкин дастурхон атрофида бош қизиган сайин суҳбат ҳам янада файз оларди. Қуанишнинг кутилмаган таклифи эса улфатларга мойдек ёқди. Уларни жунбушга келтирган ғоясидан фахрланган Қуаниш назарида мунажжимликни боплагандай яна самога тикилди. Ғуж-ғуж юлдузлар шуъласидан кўнгли қувониб, эртанги кунга умид боғлади. Афсуски, қабих ғоя муаллифига нафақат куёшни балки тонг отишини кўриш ҳам насиб этмади...

...Мамлакатимиз шимолида жойлашган орол бўйи

ўлкасининг қиши қанчалик совуқ бўлса ёзи шунчалик жазирама иссиқ бўлади. Нукус шахрининг чеккасидаги Қизилқум бағрида бунёд этилган ёнилғи қуйиш шохобчасига ташриф буюрган мижозлардан бири машинадан тушиб, узоқ керишди-да, кичик дарчани охиста тақиллатди. Лекин анча кутишига қарамасдан жавоб бўлавермагач, ухлаб қолишибди шекилли деб, эшикни чертганида очилиб кетиб, ичкарида қонга беланиб ётган одамларга кўзи тушиши билан бошига муздай сув қуйилгандай қарахт бўлиб турди-да, сўнг ИИБ навбатчи қисмига қўнғироқ қилди. Навбатчи тезкор гуруҳ оёққа қалқди.

Воқеа жойига етиб борилганда, Нукус шаҳар ИИБ бошлиғи, полковник Сапарнияз Хўжаназаров капитан Сардор Ҳамидовни ёнилғи қуйиш шохобчасига бошлади ва жасадларнинг иккита эканлиги, прокуратурага хабар берилганлиги, тиббий эксперт, эксперт-криминалист ва кинологлар ҳам буйруқни кутиб туришганлиги ҳақида ахборот берди.

– Прокурор ва республика ички ишлар вазири, полковник Оринбай Турдақовни кутамиз, – деди капитан. Ҳеч қанча вақт ўтмай айтилган раҳбарлар ҳам етиб келишди ва уларни капитан оператор хонасидаги жасадлар ёнига бошлаб бориб, бу мудҳиш қотиллик ҳақида қачон ва ким томонидан Нукус шаҳар ИИБ навбатчи қисмига хабар берилганлиги тўғрисида ахборот берди. Шундан кейин мазкур қотилликни очишга жалб этилган барча тегишли хизматлар ходимлари ўз ишини бошлаб юборишди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жинойтни очишда кинологиянинг хусусан «тўрт оёқли дўстлар»нинг хизмати муҳим. Кинолог Алишер Бозоровнинг «Рекс» лақабли хизмат ити ҳам бунда фаол иштирок этди. Тиббий экспертлар, шохобча оператори бўлиб ишлаётган Жарас Жонузоқов тунги соат, уч яримларда, Қуаниш Халязов эса орадан икки соат чамаси вақт ўтиб ўлганлиги ҳақида

хулоса беришди. Демак, Қуаниш Халязов жиноятчиларга шерик бўлган, кутилмаган вазият рўй бериб, ўзаро келиша олмай қолгач, шериклари уни ҳам ўлдиришган. Чунки хона ичидаги қонлар артилган латта Қуанишнинг қўлида қолиб кетган эди. Капитан тахминий хулосаларни ҳамкасбларига билдириб, ён дафтарчага қайд қилиб қўйди. Полковник Сапарнияз Хўжаназаров мазкур шохобча эгасини бошлаб келди. Бу киши билан бўлиб ўтган суҳбатда асосий эътибор ундан хафа бўлиб, жанжаллашиб, норози кайфиятда ишдан кетган шахсларга қаратилди ва уларнинг рўйхатини капитан ёзиб олди.

Шунингдек, ЖК ва ТҚКБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Саламат Мадреймов ва коррупция, товламачилик ва рекетга қарши курашиш бўлими бошлиғи, подполковник Султонмурот Абдиевлар бошчилигидаги кичик гуруҳ бир кунлик тушум – уч ярим миллион сўм пул жиноятчилар томонидан олиб кетилганлигини аниқлашди. Республика ЖК ва ТҚКБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник Генжабой Сейитназаровга жиноят содир этилган жойда кечаси кимлар юрганлиги ва охириги марта машинасига ёнилғи қуйган шахсларни суриштириш топширилди. Кечга яқин Нукус шаҳар ИИБга келган республика ички ишлар вазирли тизкор ходимлар томонидан йиғилган маълумотларни таҳлил қилиб, йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб, тегишли тавсиялар бериб, жиноятчининг очикда юришга ҳаққи йўқлигини, тезроқ уни фош қилиб, бизга умид билан қараётган жабрдийдалар ишончини асло йўқотмасликни алоҳида таъкидлади. Раҳбарнинг қўллаб-қувватлаб туриши ҳам ходимларга руҳий куч бағишлаб, тезкор тадбирларнинг самарали бўлишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ёнилғи қуйиш шохобчаси эгасининг берган рўйхатига кўра дастлабки суриштирувга жалб этилган шахслардан иккитаси капитан Ҳамидовда шубҳа уйғотди. Ёнилғи қуйиш шохобчаси раҳбари билан тортишиб, ишдан бўшаган Қайрат Аҳмедовнинг

кимор ўйнаб, анчагина қарзга ботгани маълум бўлди. Бироқ у берилган саволларга ҳозиржавоблик билан жавоб қайтариб, сувдан қуруқ чиқишга ҳаракат қиларди. Ойлик маоши устида тортишиб, жанжаллашган ва охиरोқибат бу ерни елкаминг чуқури кўрсин деб шохобчани тарк этган Марат Сабиров эса негадир ўнг кўлининг бош бармоғидаги жароҳатини яширишга уриниб, кўзларини олиб қочарди.

– Бармоғингга нима қилди? – сўради капитан унга синчков тикилиб.

– Тарвуз сўйганимда бехосдан кесиб олдим, – деб нигоҳларини ерга қадади у. Капитан бармоғидаги доқадан ўралган боғични ечиб кўрсатишни талаб қилдим. У истар-истамас, шошмасдан еча бошлади. Капитан эса жим унинг ҳар бир ҳаракатини ҳатто қандай нафас олишигача кузатиб турди. Ниҳоят оғир хўрсиниб, жароҳатланган бармоғини секин узатди. Бармоғининг учидан тепага қараб кесилгани Ҳамидовни ажаблантирди.

– Тарвуз сўйганингда тепадан пастга қараб ёки ярмидан кесган бўлардинг. Бу жароҳатинг ёлғон гапираётганингни кўрсатиб турибди. Боз устига тегишли хизмат ходимлари қотиллик рўй берган жойда уч хил қон гуруҳларини аниқлашган. Бунга сенинг қон гуруҳингни аниқлашгандан кейин ойдinлик киритилади, – деди.

– Ўлай агар, рост айтяпман, худони ўртага қўйиб қасам ичаман. Бундай қотиллик қилиш менинг кўлимдан келмайди, – деб бутун вужуди асабий титрай бошлади Маратнинг.

– Тинчлан, ҳали ҳеч ким сени қотилликда айбламаяпти. Балки гапинг тўғридир, чиндан ҳам жароҳатни тарвуз сўйганингда олгандирсан. Фақат, ҳозир мана бу коптокни сўйиб кўр-чи, – деб унинг олдига копток билан пичоқни қўйди капитан. Марат чапақай эмаслиги боис пичоқни ўнг кўлида ушлаб, чап кўлига олган коптокни дир-дир



калтираганча ёришга уринди-ю кутилмаганда бақириб йиғлаб юборди.

– Жуда қийналиб кетдим, жароҳатни ёнилғи қуйиш шохобчаси оператори Жарас Жонузоқовни ўлдирганимизда олган эдим. Суҳбатни жим эшитиб турган Нукус шаҳар ИИБ бошлиғи, полковник Сапарнияз Хўжаназаров капитанга маъноли қаради-да, Маратга сув ва сигарет узатиб, олдига қоғоз билан ручка қўйди. Унинг оқ қоғозга тушган қора қилмишлари шуни баён қиладики, ўша кунги улфатчиликда Қуаниш Халязов, собиқ ҳамкасбларига ўзларини хафа қилган ёнилғи қуйиш шохобчаси раҳбаридан ўч олишни маслаҳат бериб, ярим тунда шохобчага бостириб кириб, операторни кўрқитиш йўли билан пулларни олишни режа қилишади. Бу таклиф дардлари бир хил бўлган Қайрат ва Маратга ҳам маъкул келади. Уларни яхши танийдиган шохобча оператори Жарас ҳеч нарсадан шубҳаланмасдан жонини олишга келган «азроиллар»ни ичкарига қўяди. Босқинчилик ғояси муаллифи Қуаниш Халязов кутилмаган қотилликдан аччиқланиб, пулларни сумкаларга жойлаётган шерикларига қараб:

– Биз бунга келишмаган эдик-ку, тошбағир, ваҳший экансизлар, – деб бақиради.

– Бўлар иш бўлди, ўқ жойидан кўчди, шундай қилмасак, у бизларни сотиши аниқ эди. Шунинг учун дарров қонларни артиб, изларни йўқот, – деди ўқрайиб Қайрат. Унинг вазоҳатидан кўрққан Қуаниш чўкка тушиб, латта билан қонларни артаётганида Қайрат Маратга маъноли ишора қилади. Аммо бу пайтда Марат бармоғидан оқаётган қонни тўхтата олмай овора эди. Қайратнинг ўзи пайт пойлаб Қуанишнинг орқасига кетма-кет бир неча бор пичоқ санчиб, уни ҳам тинчилади. Сўнг қўлга киритишган пулларни ва қотилликда ишлатишган пичоқни Қайратнинг уйи олдидаги кумлоқ ерга қўмиб қўйишади. Ҳамон қайсарлик қилиб, айбини

тан олгиси келмаётган Қайрат ҳамтовоғи Марат билан юзлаштирилиб, яширилган пичоқ ва пуллар – ашёвий далиллар топилганида бошини қўллари орасига олиб, ғужанак бўлиб ўтириб қолди. Тиббий текширувлар хулосаси ҳам воқеа жойидан олинган қон гуруҳларидан бири айнан Марат Сабировга тегишли эканлигини тасдиқлади.

Йигирма соатдан ортиқ тиним билмаган ходимлар уйқусизликдан қизарган кўзларини хушёр очиб, навбатдаги буйруқни кутиб туришарди. Республика ички ишлар вазири, полковник Оринбай Турдақов ҳар бир ходимнинг меҳнатига муносиб баҳо бериб, жирканч жиноятни очишга қаратилган тезкор тадбир муваффақиятли яқунланганини маълум қилди. Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича олий Суди жиноятчиларга тегишли жазо тайинланди.



## АЖАЛ БИЛАН ЮЗЛАШИБ

*«Жасоратли юрак ҳар қандай мусибатларни ҳам чилпарчин қилади».*

СЕРВАНТЕС

\* \* \*

Маълумки, 1999 йил 16 февраль куни мамлакатимиз пойтахтида содир этилган террорчилик ҳаракати тинч, осуда яшаётган халқимизнинг қаҳр-ғазабини тошириб, мустақиллигимизга раҳна солмоқчи бўлган ғаламисларга нисбатан ҳушёрликни оширди. Ўшанда баъзи чет эл оммавий-ахборот воситалари Ўзбекистон хали бундай террор хуружларига тайёр эмас эди, деб осойишталик посбонлари тўғрисида танқидий фикрлар билдиришган эди. Терроризмнинг яширин ва панадан туриб, кутилмаганда хавф солишини назарда тутадиган бўлсак, бу хавфдан ривожланган давлатлар ҳам четда қолгани йўқ. Чунки тарих ва замондошларимизнинг ўзи бунга шохид. Давлатимиз мустақилликка эришган куниданоқ, асосий эътиборни халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга қаратди. Шу мақсадда ички ишлар идоралари тизимида кўплаб ислохотлар олиб борилиб, соҳа ходимларининг билим ва жисмоний имкониятларини янада ошириш учун ривожланган давлатлар билан тажриба алмашиш ва малака ошириш каби кенг кўламли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Ана шундай намунали ўқув курсларидан бирида тезкор вакил, капитан Сардор Ҳамидов ҳам билим ва малакасини бойитиб қайтган эди.

...1999 йилнинг 5 январи, қиш ўз ҳукмронлигини кўрсатиб, заминга оппоқ гиламин ёйиб, аёзнинг наштарлари аъзои баданни қақшатади. Лекин кишилар қалбида ўзгача сурур, айниқса, яхмалакда чана учиб, қорбўрон ўйнаётган болаларнинг қувончи чексиз.

Янги йил кайфияти ҳали тарк этмаган, кўтаринки руҳиятда иш бошлаган одамлар ҳам янги режалар, янги орзулар оғушида сармаст бўлишган.

Одатдагидек Фарҳод бозори бугун ҳам гавжум.

Яхши ният қилиб, тўйга тайёргарлик кўраётган Саминжон ака ўғли Абдуҳалил билан яхшигина харажат қилишиб, йўл бўйида қолдиришган Волга машинасига энди ўтиришганида, кутилмаганда жиддий хавф-хатар остида қолишди. Бу хабардан воқиф бўлган тезкор вакил капитан Сардор Ҳамидов ҳам ҳамкасблари билан воқеа жойига тезда етиб келди. Туман ИИБ бошлиғининг маълумот беришича, кеча террорчилар жойлашиши мумкин бўлган хонадоннинг манзили аниқланиб, у ерга пистирма қўйилган. Қўлга олиш вақтида улардан бири қочишга муваффақ бўлган. Бироқ шаҳардан чиқиб кетолмаслигига кўзи етиб, Волга машинасидаги одамларни гаровга олган. ИИБ бошлиғи капитан Сардор Ҳамидовни ёнига чақириб, террорчи шахс билан гаплашиб, унинг кимлиги ва мақсади нималардан иборат эканлигини билиб келишни топширди. Сардор Ҳамидов эҳтиёткорлик билан машинага яқинлашганда олдинги ўриндиқларда ўтирган кишиларнинг ранги докадек оқариб кетган, бир нуқтага тикилганча жим эдилар. Машина эшикларининг барчаси ичкаридан кулфланган, капитан орқа ўриндиқда ўтирган ўттиз ёшлар чамасидаги турқи совуқ йигитга гаплашиб олиш зарурлигини ишора қилди. У ҳам ишора билан хайдовчи томондаги эшикдан келишни сўради. Эшик очилиши билан ҳалиги йигитнинг турқи баттар тундлашиб:

– Қимирламай ўтиринглар! Бўлмаса портлатиб юбораман, – деб бақирди. Сардор Ҳамидов террорчининг қўлидаги граната ўн беш метргача жиддий хавф туғдирувчи РГД-5 эканлигини ва унинг эҳтиёт сими чиқарилганлигини кўрди. Капитан ўзини таништириб,

кимлиги ва бундай қабих жиноятга қўл уриш сабаби ҳамда таклифи билан қизиқди.

– Оллоҳнинг аскариман. Мени Тожикистон республикаси чегарасигача етказиб қўйинглар. Акс ҳолда, мана булар ҳам мен билан бирга шаҳид бўлишади, – асабий бақирди террорчи. Сардор Ҳамидов уни бир оз тинчлантириб, талабини, албатта, раҳбарларга етказишини айтиб ортига қайтди. Бошлиқлар олдига келган капитан вазият ниҳоятда қалтислигини, одамлар ҳаёти хавф остида эканлигини ва террорчининг хоразм ше-васида гапираётганини маълум қилди.

– Тахминларимиз тўғри чикди, – деди ИИББ бошлиғи ва капитанга бир нечта суратларни кўрсатиб. – Уни таний оласанми? – деб сўради. Суратларга разм солган Сардор Ҳамидов ҳозиргина кўрган чехрани тез илғаб, Баҳром Ортиқов исмли шахснинг суратига жуда ўхшашлигини билдирди.

– Кеча бу расмларни вилоят ИИБларидан бири юборган эди. Бу шахслар Тожикистон ва Чеченистон ҳарбий лагерларида тайёргарликдан ўтишган. Шунинг учун ишимиз анча оғир кечади. Сардор Ҳамидов, ўғлим, сен ўзингни эҳтиёт қилиб, қандай бўлмасин, гаровдаги юртдошларимизни қутқаришинг керак, – деди ИИББ бошлиғи.

– Террорчини нима қиламиз? – шошиб сўради капитан.

– Вазиятга қараб ўзинг ҳал қиласан, – деди бошлиқ. Сардор Ҳамидов тўппончасини отишга шайлаб, курт-касининг чўнтагига жойлаб, машинага яқинлашди. Террорчи капитанга яна ҳайдовчи томондан келишни ишора қилди. Эшик очилди, капитан ичкарига бошини хиёл суқиб, талаб бажарилгани фақат гаровдагиларнинг ўрнига ўзи боришини билдириб, ота-болага тез машинани тарк этишни буюрди. Тамоман умидини йўқотишган гаровдаги шахслар бирдан жонланиб, зумда қочиб қолишди.

– Нима қилаяпсан? – бақирди террорчи.

– Сенга айтдим-ку, ўзим бораман деб, – овозини баландлатди капитан ҳам. Террорчи билан ёлғиз қолган Сардор Ҳамидов, ундан гранатасини топшириб, таслим бўлишни илтимос қилди. Террорчи эса кўлидаги гранатани янада юқори кўтариб, капитанга машинага ўтиришни буюрди. Сардор Ҳамидов ўнг кўли чўнтагида бўлиб, бармоғи тўппонча тепкисида тайёр турарди. Капитаннинг ўзини йўқотмасдан, دادил қарашларига бардош беролмаган террорчи:

– У ҳолда сен ҳам мен билан у дунёга равона бўласан,– деб гранатани капитан томонга отмоқчи бўлганида, яшин тезлигида отилган тўппонча ўқидан кўли яраланиб, граната машина ичига тушди. Бир оз нарига бориб, ётиб олишга улгурган Сардор Ҳамидовнинг кулоқлари кучли портлашдан шанғиллаб кетди. Машина ойнасининг парчалари баданига игнадай санчилган эди. ИИББ бошлиғи югуриб келиб, уни бағрига босганча нималарнидир гапирарди. Сардор Ҳамидов бошлиқнинг меҳр тўла нигоҳлари ва пир-пир учаётган лабларидан ўзи ҳақида илиқ гаплар айтаётганини илғарди. Капитан вужудини ўртаётган оғриқ ҳақида бошлиққа билдирмади. Бир оздан кейин милиция ходимларининг бир уюм терсакка айланиб, қорайиб кетган машина ичидан тилка-пора бўлган жасадни олишга ҳаракат қилишаётганини кўриб Сардор Ҳамидов:

– Жасадни ип билан боғлаб, узокроқдан тортиб олинглар. Террорчилар ўлимидан олдин ёнида бошқа граната ҳам қолдириб кетишади. Чет давлатдаги терроризмга қарши кураш мактабида ўқиганимизда бизга шундай деб ўргатишган эди, – деди. Дарҳақиқат, капитан айтганидек таниб бўлмас даражадаги мурданинг чўнтагидан яна бир дона граната топилди. Эртасига

ишхонасига яқинлашган капитанни кимдир тўхтатди. Ота-болани таниган капитан Сардор Ҳамидов енгил табассум қилиб, улар билан қўл олишди.

– Тўй азага айланишига бир баҳя қолган эди. Ҳаммаси учун раҳмат сизга, – деди Саминжон ака тўйга таклифнома бериб. Уларнинг кўзидаги чексиз қувончни кўрган капитаннинг юраги яйраб кетди!..



**«БЕОЗОР» ҚЎПОРУВЧИЛАР  
ЎКИ  
«РИСОВИЙ»ДАГИ РАЗОЛАТ**

*«Қаерда-ки лоқайдлик – у ерда хато,  
қаерда-ки совуққонлик – у ерда жиноят  
бор».*

**ГЕОРГ ЛИХТЕНБЕРГ**

\* \* \*

Машъум 16 февраль воқеаларидан кейин ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари олдиға зудлик билан террорчи газандаларни аниқлаш ва тағ-томири билан йўқотиш каби долзарб вазифалар қўйилди. Халқ оммаси хушёрлик ва огоҳликка даъват этилиб, диний экстремизм ва унинг негизида шаклланаётган терроризмнинг мазмун-моҳияти ва мақсади ҳақида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилди. Минг афсуски, баъзи фуқароларнинг лоқайдликка берилиб, хушёрликни унутишлари, тева-рак атрофдаги воқеаларға бепарволик билан қарашлари разолат аждарлари учун жуда қўл келди. Манқуртға айланган малъунлар содда одамлардан унумли фойдаланишини капитан Сардор Ҳамидов жуда яхши биларди. Қўлга тушган газандалардан олинган маълумотлар билан шуғулланаётган капитанда тоқ сон билан бошланиб, жуфт сон билан тугаган телефон рақами негадир шубҳа уйғотди. Капитан календарға разм солди, 1999 йилнинг 29 март санаси эди. Ҳамон қоғозлардан бошини кўтармаётган Сардор Ҳамидов телефон рақамининг манзилини аниқлаб олғач, ҳамкасби майор Ақром Алиевни олиб «Рисивий» даҳасига кетди. Манзил беш қаватли уйнинг иккинчи қаватида жойлашган бўлиб, икки хонадан иборат эди. Эшиги темирдан ясалган, аммо деразаларида темир панжаралар мавжуд эмасди. Қўшнилар мазкур хонадонда ижарада яшаётган йигитларнинг мулойимлиги, шовқин қилмаслиги, жуда тинч яшаши, саломлашишган-



да ҳатто тикилиб ҳам қарамаслиги, одоб-ахлоқи таҳсинга лойиқ, ўта маданиятли эканликлари ҳақида тўлиб-тошиб гапиришди.

– Шундай беозор одамлардан бекорга шубҳа қилган экансан. Қўшни кўшнини беш бармоқдай билади. Қўш-нилар бир-бирининг гапини маъқуллаб тургандан кейин бу ерда қолишимиз ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Қани, ишхонага кетдик. – деди майор Алиев.

– Тўғри айтасан, аммо улар таъкидлаётган ана шу жимлик, ғалати беозорлик, мулойимлик менга ёқмаяпти. Одоб сақлаб ерга қараб ўтиш, имкон қадар одамлар эътиборини жалб этмаслик террорчиларнинг иш услуби. Шунда уларни ҳеч ким эслаб қололмайди, – деб Сардор Ҳамидов вазият ҳақида бошлиғига ахборот берди. Бошлиғи бугун кеч бўлгани, эрта саҳар бориб хонадонни текшириб кўришларини айтиб, қайтиш ҳақида буйруқ берди.

Эрталаб Сардор Ҳамидов учта ҳамкасби ва ўкчи сержантлар гуруҳини олиб йўлга чиқди.

Афсуски, киндик қони тўкилган заминга хиёнат қилиб, қўлига қурол олган ёхуд бу юртнинг тузини еб тузлиғига тупураётган кимсаларнинг уясига, разолат ботқоғига ботган кимсалар ҳузурига келишаётганларидан Сардор Ҳамидовнинг гуруҳи беҳабар эди. Аммо терроризмга қарши кураш мактабида чиниққан капитан вазиятга эҳтиёткорлик билан ёндошиб, ходимларни жой-жойига қўйди. Эшикка обдон қулоқ солган капитан уйдаги жимжитликни текшириб кўриш мақсадида қўл телефонидан қўнғироқ қилди. Гўшакдан эркак кишининг овози эшитилди. Сардор Ҳамидов жим турган ҳолда ҳамкасбларига уйда одам борлиги ҳақида ишора қилди ва эшикни тақиллатиб:

– Эшикни очинг, милицияданмиз, – деб бақирди. Ичкаридан бир зум шовқин-сурон саси эшитилди, аммо ҳеч ким эшикни очмади. Шу он уйнинг орқа томонида аввал тўппончанинг сўнг автоматнинг тариллаши эшитилди.

Сардор Ҳамидов ва ҳамкасбларининг капалаги учиб кетди. Капитан уларга эшикка кўз-қулоқ бўлишларини ҳеч кимнинг қочиб кетишига йўл қўймасликни таъкидлаб, ташқарига чикди. Уйнинг орқа томонида турган сержант Сатторов иккинчи қаватга қараб ўқ узарди.

– Тўхта, нима қилаяпсан, – бақирди капитан.

– Ана у балкондан менга қараб ўқ узишди, – деди сержант иккинчи қаватни кўрсатиб. Капитан унинг кўлидан ушлаб, панага олиб ўтди ва сержантнинг кўлидан оқаётган қонни кўриб, минг бир ҳадик ила ўтиб бораётган фуқароларнинг бирига зудлик билан «тез ёрдам»га қўнғироқ қилишни ва яраланган сержантни касалхонага олиб боришни тайинлади. Сўнг ҳамкасблари олдига қайтиб, ИИББ навбатчи қисмига вазият ҳақида маълум қилди. Бошлиғи билан ҳам боғланиб, тезда қўшимча ёрдам жўнатишни сўради. Жинойтчиларнинг жим қолишгани капитанни яна ташвишлантирди. Террорчилар қуршовга тушган ҳолатда ҳар қандай қабиҳликлардан ҳам қайтмасликларини чуқур ўрганган капитан ҳамкасбига тезда уйга уланган газ ва ичимлик суви қувурларини ёпиб, электр ва телефон симларини тармоқдан ажратиб қўйишни топширди. Ёрдамчи куч етиб келиши билан капитан уларга вазият ҳақида қисқача тушунтириб, ниҳоятда сергак бўлишларини тайинлади. Қисқа отишма бошланди.

– Таслим бўлинглар, илтимос қон тўкилмасин, – бақирди Сардор Ҳамидов. Ичкаридан «Оллоҳу акбар» деган овоз эшитилиб, эшикка қараб тўхтовсиз ўқ узилди. Капитаннинг гуруҳи ҳам қурол билан жавоб қайтаришди. Махсус отряд етиб келгандан кейин, газандаларни қуршовда ушлаб турган ходимлар янада руҳланиб кетишди. Биргаликда ҳужумни давом эттиришиб, махсус портловчи қурилма билан эшикни бузишга муаффақ бўлишди. Аммо террорчилар бир муддат жимиб қолишди. Сардор Ҳамидов гуруҳи зинада жим пусиб ётарди. Бутун вужуди қулоққа айланган капитан

гранатанинг эҳтиёт сими олинганида чиқадиган «чак» деган овозни эшитиб, ҳамкасбларига эҳтиёт ишорасини қилди ва сонияларни тескари 21, 20, 19, 18 тарзида санай бошлади. Ва ичкаридан отилган граната ёнларига келиб тушишга улгурмай уни олиб, тезда яна орқага қараб отди. Граната уйга кириши билан кучли портлаш содир бўлди. Капитан терроризмга қарши кураш мактабида ўқитганидан яна бир бор мамнун, агар шуларни ўрганмаганида ўзи ва ҳамкасблари нобуд бўлиб кетишар эди. Ичкарига киришга уринаётган ходимларга Сардор Ҳамидов:

– Эҳтиёт бўлинглар, улар яна бош кўтаришади, – деб бақирди. Дарҳақиқат, ичкарида яна автомат «сайради». Сержант Шарипов елкасига теккан ўқдан «ох» деб бақириб юборди. Ходимлар қарши ҳужумга ўтишиб, разолат ботқоғига ботганларнинг нафас олишига имкон беришмади. Газандалар йўқ қилинган, капитан Сардор Ҳамидов бошлиғига ахборот берди.

Қуёшга талпинаётган кўм-кўк майсалар устида дам олаётган ходимларга деразалардан боқаётган ишонч тўла кўзларнинг саноғи йўқ эди. Фақат тўрт-бешта одамгина ийманиб, мулзамлигидан бош кўтара олмай, улардан ўзларини олиб қочишга ҳаракат қилишарди.



## ҲИЖОБ ОСТИГА ЯШИРИЛГАН ҚУРОЛ

*«Жаҳолат – бу зулмат, унда ёвузлик  
увлайди».*

**ВИКТОР ГЮГО**

\* \* \*

Ислом дини ниқоби остида ёшлар онгини заҳарлаётган кимсалар ҳали-ҳануз пана-пастқам жойларда яширинганча, бузғунчиликни кўзлаб, юрт осойишталигига раҳна солишнинг энг қалтис йўллари ни излашарди. Маълум маънода ўз мақсадига эришган ватанфурушлар ҳаёт чорраҳасида бир зум ўйланиб қолган маънан ва жисмонан бўш ёшларни ўз томонларига оғдириб, улардан манқуртлар ясаш пайида эдилар. Манқурт – нафақат юртини балки ўз тукқан онасини танимайдиган, инсон қиёфасидаги махлуқдир. Йигирманчи асрнинг ўрталарига келиб, бундай шахсларни террорчилар деб атай бошлашди. Улар қандай ном билан аталмасин, чиройли ғоялар билан безалмасин, туб мақсади маккорлик, мунофиқлик, бузғунчилик, кўпоровчиликдан иборат эди.

Террорчиларни аниқлаш ва уларни зарарсизлантириш бўйича ишлаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларида бир зум бўлса ҳам тиним йўқ. Тезкор вакил, капитан Сардор Ҳамидовнинг бу борадаги изланишлари ўз самарасини бериб, 1999 йилнинг 14 август куни муҳим маълумотни қўлга киритди. Унда Аҳад исмли йигитнинг уйидагиларидан беш юз доллар сўрагани ва уни бир рус боласидан бериб юбориш, учрашув Олой бозорида соат олтига белгиланганлиги қайд этилган эди. Капитан ҳамкасблари билан тезкор режа тузишди. Мазкур режага мувофиқ Аҳаднинг тоғаси Ақром уларга ёрдам берадиган бўлди. Дарҳақиқат, айтилган вақтда Ақром ўзига эҳтиёткорлик билан яқинлашиб келаётган кечаги рус болани таниди ва расталар орқасида кузатиб турган капитанга ишора қилди. Йигирма ёшлар чамасидаги йи-

гит жуссаси кичик бўлса-да, жуда абжир ва чайир эди. Тўртта ходимга бас келишга астойдил уринаётган бо- ланинг қўллари қайрилиб, кишан солинганида рус йи- гитнинг «Аллоху Акбар» деб бақириб юбориши Сардор Ҳамидов ҳамкасбларини хайратда қолдирди. Капитанда эса ҳеч қандай ўзгариш сезилмади. Чунки у ўзининг тах- минлари тўғри чиқаётганини тушуниб турарди.

– Демак, мусулмон динини қабул қилган экансан-да, – деди бошқармага келишгач капитан йигитга.

– Ҳа, шундан кейин менга Абдуллоҳ исмини бериш- ди.

– Асл исми-шарифинг ким бўлган?

– Зарбус Игорьь Александрович. 1978 йил Тошкент шаҳрида туғилганман. Капитан зудлик билан уни ман- зиллар бюросидан текшириб кўрди. Рус йигити алдама- ган экан.

– Яхши Абдуллоҳ, мусулмон динини қабул қилиш ва унинг амалларини бажариш ўз эътиқодингга боғлиқ. Бунга ҳеч ким қаршилик қилмайди. Аммо, долларни қаерга олиб боришингни билишни истаймиз, – деди ка- питан.

– Айтолмайман, бу омонат, – кўзларини олиб қочди Абдуллоҳ. Капитан унга бир пиёла муздек сув бериб:

– Агар билсанг, ўша сен таниган Аҳад ҳам намоз- хон бўлиб, ота-онасини анча қувонтирган эди. Лекин бора-бора ўз миллий қадриятларимизни тан олмайдиган, ақидаларни куфур санайдиган бўлиб, яқинларини иснод- га қўйди. Анча бўлди, ўзи ҳам кўринмай қолди. Аҳадни яхши танишингни ва омонатни ўшанга олиб боришингни биламиз, – деди капитан ишонч билан қатъий. Рус йиги- ти бир зум сукунатга чўмди ва намланган кўзларини бош бармоғининг орқаси билан енгил артиб:

– Мен Аҳад билан Тожикистон ва Чеченистонда- ги Хаттобнинг ҳарбий лагерларида бирга бўлганман. Кўрқоқларни қасамёдга хиёнат қилган деб ўлдириб юбо- ришади, – лаблари титради Зарбуснинг.

– Ота-боболаримиз Ватан, эл учун ўз жонларидан кечишган. Сен эса ўз юртдошларингнинг ҳаётини хавф остига қўйяпсан. Ўша ерда сенинг жигарларинг ҳам бўлиши мумкин-ку. Наҳотки, юртингга қилаётган хиёнатингни тушуниб етмасанг. Ислом динида бундай даъват йўқ, – деди секинлик билан капитан.

Зарбус–Абдуллоҳ Сардор Ҳамидовнинг таъсирли гапларидан кейин бор овози билан бўкирганча йиғлаб юборди ва Аҳад яшириниб ётган манзилни айтди. Капитаннинг ахборотини батафсил тинглаган бошлиғи тезда чора кўришга рухсат берди. Сардор Ҳамидов бошчилигида тезкор гуруҳ манзилга етиб келишганида, соддадил замондошларимиз кўп қаватли уйлардан бирининг учинчи қаватидаги тўрт хонали хонадонда ижарада яшаётган, ўзлари мутлақо яхши билмайдиган шахслар ҳақида яна илиқ фикрлар билдиришди. Сардор Ҳамидов хонадон эшигидаги «Биз ойимникига кетдик. Уйда ҳеч ким йўқ» деган бир парча қоғоз, террорчиларнинг ҳийласи эканлигини тушунди. Ҳийлага қарши ҳийла ишлатган капитан, рўпарадаги уйнинг қулай жойига кузатувга битта ходим қўйди. Бошқалар эса худди қайтиб кетишгандек, тапир-тупур қилишиб, пастга тушишди-да, анча нарида машина ичидан кузатиб туришди. Кузатувда қолдирилган ходим сал вақт ўтмай алоқага чиқиб, хонадонда кимлардир борлигини ва панжарадан дорга қуриштиш учун қизил қўйлак осиб қўйганини маълум қилди. Бу уларнинг белгиси эканлиги ва кимнидир кутишаётганликларига тўла ишонч ҳосил қилган капитан гуруҳни ичкарига бошлади.

– Милицияданмиз, эшикни очинг, – тақиллатди капитан. Ҳеч ким жавоб бермагач, – Аҳад, сенинг шу ерда эканлигингни биламиз. Эшикни оч, акс ҳолда бузиб кирамиз, – бақирди капитан.

Ҳеч қандай садо чиқмагач, гуруҳ эшикни бузиб, тўппончаларни шай тутганча капитаннинг ортидан эҳтиёткорлик билан ичкарига кириб боришди. Охириги

хонага яқинлашган капитан эшикни тепиб очди ва тескари қараб тиз чўкиб ўтирган ҳижобдаги аёлларга орқага ўгирилишни буюрди-да, кўлидаги тўппончасини кабура-сига солди. Улар эшитмагандай жим ўтираверишганидан кейин капитан яна бир қадам ташлади. Улардан бири аста ўрнидан туриб, ўгирилди-да, ҳижоб остида яшириб ўтирган тўппончасини чиқариб, Сардор Ҳамидовга қарата тепкини босди. Яшин тезлигидан содир бўлган бу ҳолатдан капитаннинг хаёлида, наҳотки ўқ танамни оғриқсиз тешиб ўтган бўлса нега ўқ овозини эшитмаяпман ёки одам ўқдан ўлаётганда унинг овозини эшитмас экан-да, деган фикр лип ўтди-ю, отилмай қолган қуролни иккинчи бор ишлатишга уринаётган террорчининг тўппончасини чаққонлик билан тепиб тушириб, самбо усулини кўллаб, ерга йиқитди. Етиб келган ҳамкасблари уларга бошқа имконият беришмади. Сардор Ҳамидов ерга тушган қуролни олиб, полга қарата тепкини босди. Қурол отилиб, ўқ полни тешиб кириб кетди. Кузатиб турган ҳамкасблар ҳайратда қолишди, Оллоҳ биз билан, деб кулиб кўйди Сардор Ҳамидов.

Ватан остонадан бошланади, деган ҳикмат бор. Ўз уйи, маҳалласи, остонасидан тайинсиз чиқиб кетган Аҳад дунё кўриб, ўз юртига ёвуз ният билан қайтиб келди. Унинг дунёси, тушунчаси ва тафаккури фақат разилликдан иборат бўлиб, бу мақсад йўлида яширин иш олиб бориш учун ҳижобга кириб, «аёл»га айланди. Аммо унинг асл башараси фош бўлиб, шериги Акмал билан сувга тушган мушукдай шумшайиб қолишди. Капитан Сардор Ҳамидов ходимлардан бирига дорга осилган кўйлакни олиб кўйишни топширди. Аҳад беихтиёр капитанга қаради ва Сардор Ҳамидовнинг ўтқир нигоҳларига дош беролмай яна кўзларини олиб қочди.

– Нега безовта бўлаяпсан, меҳмонинг келмай қолишидан кўрқаяпсанми? – сўради капитан. Аҳад бошини эгганча сукут сақлаб ўтираверди. Сардор Ҳамидов де-

раза томон боқиб, безовта бўлишингга ҳожат йўқ, белги бердик, ҳализамон келиб қолишади, – деди.

Бир соатлар чамаси вақт ўтиб, кузатувдаги ходим алоқага чиқиб, иккита номаълум кишининг деразага бир зум боқишгани ва ичкарига кириб кетишгани ҳақида маълум қилди. Сардор Ҳамидов гуруҳи хонада уларни жим кутиб ўтиришарди. Бироқ улар бузилган эшикка кўзлари тушишлари билан орқага қараб қочишди. Афсуски, пастда кутиб турган ходимлардан қочиб кутула олишмади. Суриштирув чоғида Рашид ва Пўлат исмли бу шахслар ҳам террорчиларнинг Чеченистондаги ҳарбий лагерида Аҳад билан бирга бўлишгани маълум бўлди. Ходимларнинг самарали фаолияти туфайли содир этилиши муқаррар бўлган оғир жиноятнинг олди олинди.





## ШУБҲАЛИ ШАХС

*«Барча тажрибалар умид ва синчков-лик чангалида пишиб етилади».*

**БАЛЬЗАК**

\* \* \*

Террорчи ғаламислар қакшатқич зарбага учрашлари-га қарамасдан бир муддат тинчиб, яна яширин ҳаракат қилишда давом этишарди.

2001 йилнинг 10 февраль куни эрталаб, «Нексия» машинаси Тошкент шахрига киришдаги йўл-патруль хизмати масканида тўхтатилди. Ҳайдовчи киракаш бўлиб, водийдан иккита эркак ва бир қизни олиб келаётган эди. Эркак йўловчилардан бири синчков ходимларда шубҳа уйғотди. Унинг сумкаси кўздан кечирилганда ичидан тўппонча ўқдони чикди. Вазият қалтис тус олганини сезган йўловчи кутилмаганда чўнтагидан гранатани олиб, портлатиб юбориш билан қўрқитиб, машинага ўтириб, жўнаб қолишди. Бу воқеадан барча ходимлар оёққа қалқди. Хизмат хонасига энди келиб, совкотган қўлларини иситиш қувурларига қўйган тезкор вакил Сардор Ҳамидовни ҳам бу хабар шошилинич ИИББ бошлиғининг биринчи ўринбосари олдиға олиб чикди.

– Тезда ўша машинада қолган йўловчиларни топиб, шубҳали шахснинг кимлигини аниқла. Йўл-патруль хизмати ходимлари ҳайдовчини олиб келишяпти, – деди бошлиқ. Капитан ташқарига чиққанида ЙПХ ходимлари ҳайдовчи билан бирга келишаётган эди.

– Қолган йўловчиларингиз қани? – сўради Сардор Ҳамидов.

– Йигит билан қизни темир йўл бекатига тушириб, энди овқатланмоқчи бўлиб турганимда ходимлар мени олиб келишди. Мен уларни мутлақо танимайман, – деди ҳайдовчи йиғлаб юборгудек бўлиб.

– Граната кўтарган зўравон қаерда қолди?

– Мен Тошкент шахрини яхши билмайман. Ўзи йўл кўрсатиб борди, қаерга туширганимни ўзим ҳам билмайман, – деб қалтираётган тиззаларини яширишга уринарди ҳайдовчи.

– Ҳар ҳолда унинг белгиларини эслаб қолгандирсиз?

– Эгнига узун қора пальто кийган, бошланг, сочи калта, баланд бўйли киши эди, – тез-тез гапирди ҳайдовчи.

Сардор Ҳамидов ҳайдовчини олиб, вақтни ўтказмасдан темир йўл бекатига борди. Самарага борадиган поездни кутиб ўтиришган йигит билан қизни ҳайдовчи дарров таниди. Уларни бошқармага олиб келиб суҳбат ўтказаётган капитан қизнинг кимдандир ийманаётганини пайқади. Алоҳида ўтказилган суҳбатда қиз ўша одам йигитга сездирмасдан телефон рақамини қолдиргани, бирор муаммо туғилгудек бўлса, тортинмасдан мурожаат қилишини билдирганлигини таъкидлаб, рақам ёзилган қоғозни Сардор Ҳамидовга берди ва бу ҳақда йигити билмаслигини илтимос қилди. Телефон рақами Чилонзор тумани автомат телефон станциясига қарашли бўлиб, капитан компьютер орқали унинг манзилини ҳам аниқлаб олди. Сардор Ҳамидовнинг аниқ маълумотларга таяниб берадиган ахборотига кўникиб қолган бошлиқ бу гал ҳам ҳеч иккиланмай манзилни текшириб кўришга рухсат берди.

Соат миллари тунги иккидан ошиб бормоқда. Атроф оппоқ қор, совуқ этни жунжиктиради, атроф жим-сокин. Фақат манзилга яқин ердаги профилактика инспектори хонасига жойлашган ходимлар бедор. Манзил тўққиз қаватли уйнинг учинчи қаватида жойлашган эди. Капитан Сардор Ҳамидов иккинчи қаватдаги уйнинг эшигини тақиллатиб, кўриниш берган аёлдан узр сўраб, танишини қидириб юрганини айтди. Сардор Ҳамидов тепадаги хонада ким яшаши билан қизиққанида, аёл, озарбайжон миллатига мансуб бир аёл икки фарзанди ва Тимур исм-

ли эри билан туришини маълум қилди. Капитан Сардор Ҳамидов фарзандларининг ёшини сўради.

– Катта қизи Солиҳа менинг қизим Анора билан бирга олтинчи синфда ўқишади.

– Қизингиз мактабга қай маҳал боради?

– Эрталаб соат етти яримда. Сиз ўзи кимсиз, танишингизни излаяпсизми ёки менинг оилам билан қизиқаяпсизми? Саволлар бериб бошимни қотираверманг, ҳозир милиция чақираман, – деди аёлнинг жаҳли чиқиб.

– Уларни безовта қилишнинг хожати йўқ, – деб капитан хизмат гувоҳномасини кўрсатди. Аёл бир оз тинчлангач, капитан Тимурнинг кўринишини имкон қадар батафсилроқ гапириб беришни илтимос қилди.

– У сизларнинг соҳангизда ишласа керак. Бир икки марта формада келганини кўргандим. Баланд бўйли, полвон келбатли, келишган киши эди, – деди аёл. Сардор Ҳамидов яна бир бор узр сўраб, аёл билан хайрлашди. Ҳамкасблари ёнига келган капитан Сардор Ҳамидов:

– Айни дақиқада бизга эшикни ҳеч ким очмайди. Боз устига бизнинг борганимизни пайқаб қолган шубҳали шахс уйдагиларни гаровга олиши ёки гранатасини бизга нисбатан қўллаши мумкин. Қизи эрталаб соат еттидан ошганда мактабга кетишини аниқладим, худди шу пайт кўкқисдан бостириб кириб, уни қўлга оламиз. Капитан Ҳасан Асадов ва катта лейтенант Агзам Маҳмудовлар подъезддан унча узоқ бўлмаган жойда машинада ўтириб кузатувни давом эттирасиз. Бошқалар шу ерда сергак ўтиришади, – деб тузган режасини эълон қилди. Осида ҳаёт лаззати қандай яхши, бундан баҳраманд бўлган одамлар бежавотир туннинг ширин онларидан хузурланиб, мазза қилиб ухлашмоқда. Ходимларнинг эса кўз юмишларига ҳаққи йўқ. Чунки бу бебаҳо неъмат бўлмиш тинчлик ва осойишталикка раҳна солмоқни ният қилган кимсалар бор. Уларни аниқлаш, таг-томири билан йўқотиш керак. Ходимга хос фидойилик, бурч ва

масъулият фақат ва фақат шуни тақозо этади. Аммо вақт худди бир жойда тўхтаб қолгандек, асабни ўйнатади. Шу пайт бирдан рация ишлаб қолди.

– Биринчи, биринчи, биздаги мавжуд маълумотларга ўхшаш – узун қора пальто кийган, бош яланг, бақувват киши ҳозир уйдан чиқиб, кўча томон йўл олди, – хабарини эшитган Сардор Ҳамидов ва унинг гуруҳи сергак тортишди. Соатига қараган капитан ҳам ҳайрон бўлиб:

– Бу қанақаси бўлди, шубҳали шахс биз кутгандан кўра анча эрта отланибди, – деб тезда унинг ортидан чопди. Капитан уни қочириб қўймаслик учун шундай тез югурдики, ҳамкасблари анча нарида қолиб кетишди. Ниҳоят ўша шубҳали шахс кўринди. У орқадан эшиталаётган қорнинг ғичирлашидан кимдир келаётганини пайқаб, оғзидаги сигаретни ташлаб, қўлларини граната солинган чўнтагига тикиб олди. Орқадан келаётган одам унга яқинлашар экан:

– Ёрдам беринг, безорилар мени қувиб келишяпти, – деб бақирди.

– Қани, ҳеч ким йўқ-ку, намунча ваҳима қиласан, – деди совуққонлик билан ҳалиги киши.

– Менимча, улар таъқибни тўхтатишди шекилли. Ис-мим Рустам, – деб унга қўлини узатди чуқур нафас олаётган йигит. Бўйдор киши ҳам беихтиёр қўл бериб саломлашиши билан кутилмаганда оёғи осмондан келиб, кураги ерга тушди. «Безорилар»нинг сониялар ичида бирдан кўпайишиб, қўлларига кишан солиши шубҳали шахсни янада ҳайрон қолдирди. Унинг чўнтақларидан икки дона граната топилди. Милиция таянч пунктига олиб келинган шубҳали шахс ёруғ хонага киргач, елкасидан шикаст еган капитан Сардор Ҳамидовни таниб, ҳайратдан тош қотди.

– Сен қандай қилиб мени кўтариб отдинг? Мен сени чиндан ҳам кўрқоқ боламикин деб ўйлаган эдим. Бало экансан-ку, – деди бамайлихотирлик билан.

Сардор Ҳамидов ўзини таништириб, унинг исми шарифини сўради.

– Солиев Тимур Солиҳович, 1965 йил туғилганман. Андижонда яшайман.

– Нима иш қиласиз?

– Ҳозир ишламайман, илгари Қирғизистон қуролли кучлари махсус отрядида командир бўлганман.

– Гранаталарни қаердан олгансиз ва уларни Тошкент шаҳрига олиб келишдан асосий кўзлаган мақсадингиз нима?

– Қайнотам ва унинг оиласини йўқ қилиш. Чунки улар хотиним ва икки фарзандимни мендан ажратиб олишди. Сардор Ҳамидов унинг ёлғон гапираётганини кўзларидан уқиб турарди. Ҳаммасини ойдинлаштириш мақсадида уни бошқармага олиб келиб, терговга топширди. Раҳбарият капитан Сардор Ҳамидов бошчилик қилган тезкор гуруҳ ходимларини пул мукофотлари билан рағбатлантирди.

– Бу пулларга шахримизнинг чойхоналарнинг бирида зиёфат ташкил қилишни таклиф қиламан, – деди майор Тоҳир Якубов. Унинг таклифи бир овоздан маъқулланиб, бозорга кетишди. Бўлимда қолган бошқа ходимлар эса лоақал тил учида бўлса ҳам зиёфатга айтишмаганидан хафа бўлиб қолаверишди.

– Бунча нарсани бир ҳафтада ҳам еб тугата олмаимиз ёки бутун шахсий таркибни ҳам зиёфатга чақирмоқчимисиз? – машинага зўрға сиғган харажатни кўриб, сабри чидамай сўради катта лейтенант Афзам Маҳмудов.

– Қўрқманг, ўзимиз боплаймиз. Олган кўйимиз ўттиз беш килодан кам чиқмайди. Маза қилиб шашликхўрлик қиламиз, – деди капитан Ҳасан Асадов лабларини енгил ялаб кўйиб. Юк тўла машина орқада келар, олдиндаги машинани бошқариб бораётган капитан Сардор Ҳамидов кутилмаганда рулни бошқа томонга бурди. Ҳамкасблари хайрон бўлишиб бир-бирларига қарашди.

– Бошлиқнинг биз билмаган хилват жойлари кўп. Афтидан бугун улардан бири билан бизни таништирмоқни

ният қилган бўлсалар керак, – ҳазиллашди майор Тохир Якубов.

– Қаерга бўлса ҳам майли фақат тезроқ борайлик. Ошқозон тўхтовсиз SMS – хабар жўнатаяпти, – деди катта лейтенант Агзам Маҳмудов бояги хуш кайфиятда. Машинанинг Қора Қамиш даҳасидаги ногирон болалар уйи олдида тўхташи янада ҳайратли бўлди.

– Бу ерда нима қиламиз, – тагин сабри чидамай сўради капитан Ҳасан Асадов.

– Юкларни туширинглар, – деб капитан ичкарига кириб кетди. Ногиронлар уйи раҳбарияти ва тарбияланувчилари жинойт қидирув хизмати ходимларидан жуда миннатдор бўлиб қолишди. Ҳамкасбларининг аввалги кайфиятидан асар ҳам қолмай, ҳаммаларининг таъби хира торди. Бироқ ёрдамга муҳтож норасидаларнинг аҳволини ва уларга яратиб қўйилган шароит ҳамда тарбиячиларнинг меҳр-муҳаббатини кўриб, хайрли-савоб иш қилганликларидан ўзлари ҳам мамнун бўлишди. Бу қилмиши учун аввал капитан Сардор Ҳамидов танбех эшитди. Бироқ кейинчалик ИИББ бошлиғи уни чақириб:

– Менга нотўғри ахборот беришган экан. Билишимча, «Автомобилдан сақланинг» кинофильми қаҳрамонига ўхшаб болаларни яхши кўрар экансан. Ҳозиргина ногирон болалар уйи раҳбариятидан миннатдорчилик хати олдик. Баракалла Детичкин, – деб капитан Сардор Ҳамидовнинг елкасига гурсиллатиб қоқиб қўйди.

## СЕРТАХАЛЛУС АМИР

*«Ақл ирода йўлини ёритади, ирода эса фаолиятни идора қилади».*

**ЯН КОМЕНСКИЙ**

\* \* \*

Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалиши ва дунё миқёсида катта обрў-эътибор топаётганини кўролмай ҳасад ўтида жизғанақ бўлаётган кимсалар қабиҳ ниятларига етолмаганликларидан алазамдалиқ билан ўзларини ўтга-чўкқа уришиб, тубанликдан тап тортмай 2001 йилда республиканинг турли бурчакларида яна террорчилик ҳаракатини содир этишди. Бироқ мард, фидойи оёйишталик посбонларининг жасорати ва азиз жонларини қурбон қилишлари эвазига террорчи газандалар юрт тинчлигига путур етказа олишмади. Улар қанчалиқ тиш-тирноғи билан уринишар экан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг бу борадаги хизмат тажрибалари ҳам шунчалиқ бойиб борарди.

Ички ишлар вазири биринчи ўринбосарининг қабулхонасида ўтирган капитан Сардор Ҳамидовнинг кўзларида ҳам нафрат ва ғазаб ўти порларди. Биринчи ўринбосар Сардор Ҳамидов билан илиқ саломлашиб:

– 16 февраль воқеалари бўйича иш олиб борганингда, Қозоқ ёки Серик исмли шахсларни эшитган бўлсанг керак, – деб фотороботни кўрсатиб, яна гапида давом этди. – Бу қўлга тушган террорчилардан бири Фарҳоднинг кўрсатмаси бўйича чизилган.

– Кимгадир ўхшатаяпман, лекин кимлигини аниқ эслолмаяпман, – деди капитан.

– Фарҳод ўз тушунтириш хатида Қозоқ ва Серик исмларни айтиб, иккаласи бир киши яъни ҳозир қидирувда бўлган Баҳодиров Амирсаидга ўхшашлигини таъкидлаб ўтган. Сен Баҳодиров Амирсаид бўйича қидирув ишла-

рини олиб борасан, – деб биринчи ўринбосар, у бўйича тўпланган йиғма жилдни капитанга тутқазди.

Сардор Ҳамидов Фарҳод билан гаплашиб олишга рухсат олгач, хизмат хонасига келиб, 1999 йил 16 февраль куни Тошкент шаҳрида содир этилган терактлар бўйича ишланган ҳужжатларни кўтариб, уларнинг орасидан шахси аниқланмай қолган, қўлга тушган жиноятчиларнинг кўрсатмаси бўйича тайёрланган Қирғиз Абдуллоҳнинг фотороботини топиб, биринчи ўринбосар берган фоторобот билан солиштириб кўрди. Дарҳақиқат, уларнинг бир-бирига шу қадар ўхшашлиги капитанни ҳам ҳайрон қолдирди. Тергов хонасида Фарҳод билан узоқ гаплашган капитан унга Қозоқ ёки Серик деб атаувчи шахсларнинг фотороботини кўрсатди.

– Булар бир киши, яъни бизнинг амиримиз, – деди Фарҳод Комилов 1999 йилда чизилган Қирғиз Абдуллоҳнинг фотороботини кўрсатиб,

– Буни ҳам танийсанми? – деб сўради капитан. Фарҳод фотороботларга зимдан ва узоқ тикилиб турдида:

– Бу ҳам худди ўша мен айтган амиримиз бўлади, – деди. Капитан уни зимдан кузатиб, Баҳодиров Амирсаиднинг фотороботини кўрсатганида, Фарҳод синчиклаб, бу мутлақо бошқа шахс эканлигини таъкидлади.

– Лекин сен тушунтириш хатингда юқоридаги фотороботларнинг Баҳодиров Абдусаидга ўхшашлигини таъкидлаб ўтгансан-ку.

– Сўнгги фотороботни, яъни Қирғиз Абдуллоҳни кўрсатганингиздан кейин Баҳодиров Амирсаиднинг умуман бошқа одам эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим. – деди Фарҳод ва кўп тахаллусли амирининг юриш-туриши, гаплашиши ва бошқа хислатлари тўғрисида батафсил маълумот берди. Сардор Ҳамидовнинг ахборотини тинглаган вазирнинг биринчи ўринбосари:

– Буниси қизиқ бўлди-ку. Хўш капитан, энди ишни нимадан бошламоқчисан? – деб сўради.



– Қирғиз Абдуллохнинг шахсини аниқлаш бўйича шуғулланаман. У 1998 йили спорт велосипедида Қибрай овулларидаги масжидларга бориб, одамларни жиҳодга даъват этган, – деди капитан.

– Бош прокурорнинг тергов бўйича ўринбосари Самир Салихов билан бирга ишлайсизлар. Менга ҳар куни эрталаб соат олтида кўнғироқ қилиб, ахборот бериб турасан. Ишингга омад, – деб биринчи ўринбосар капитанга рухсат берди. Республика прокуратурасида Сардор Ҳамидовни Самир ака илиқ қарши олиб, хавфсизлик хизмати ходими Рустам билан таништириб, биргаликда иш режасини тузиб олишди. Рустам Баҳодиров Амирсаид, Сардор Ҳамидов эса Қирғиз Абдуллох бўйича иш олиб борадиган бўлишди.

Сардор Ҳамидов вилоят ИИБга келиб, ҳамкасблари билан учрашиб, 1999 йили қамалган ва жазосини ўтаб, ҳозирги кунда озодликда юрган, ҳизбут-таҳрир, ваҳобий оқимиغا мансуб шахсларнинг рўйхатини ўрганиб чиқди. Улар орасидан танлаб олган етти кишининг яшаш тарзини ўрганиш ва улар билан яқинроқ танишиш мақсадида уйларига бориб, бирга масжидларда намоз ўқиб, ўн уч йил бурун спорт велосипедида юриб, одамларни турли диний оқимларга ва жиҳодга даъват этган йигит ҳақида суриштирди.

– У худди шайтондай бизни авраб, йўлимиздан адаштирди. Иснодга қолиб ҳалигача бошимизни тик кўтара олмаймиз. 1998 йили Ғазалкентга синглизининг тўйига боргандик, – деди Қодир.

– Нега шуни олдинроқ айтмадингиз, – деди капитан Сардор Ҳамидов.

– Айтган билан у ерни топиб бера оламанми, йўқми деб кўрқдим.

– Сиз билан яна кимлар борган эди? – сўради капитан. Қодир яна олти кишининг номини айтди. Улар ҳам Қодирнинг гапини тасдиқлаб, «электричка»да боришга-

нини қайд этишди. Капитан Ғазалкентга жўнади. Албатта, шунча вақт ичида қишлоқда жуда катта ўзгаришлар бўлиб, хаёт тарзи тубдан фаровонлашиб кетган эди. Сардор Ҳамидов уларнинг эслашлари учун бир кўчадан етти-саккиз марта олиб ўтган пайти ҳам бўлди. Ниҳоят Толиб деган одам чиройли қилиб таъмирланган масжидга узоқ тикилиб туриб:

– Худди шу масжид олдидан ўтган эдик. Фақат у пайтда масжид сал эскироқ эди, – деди.

– Тўғри, мен ҳам эсладим, шу масжидда пешин намозини ўқигандик, – деб Собир унинг гапини маъқуллади.

– Шундан кейин яна қанча йўл юргандингиз? – сўради капитан.

– Тахминан йигирма дақиқа яёв юрдик, холос, – деди Толиб анча жонланиб.

Бошқаларнинг хотиралари ҳам ишга тушиб, дарҳақиқат сал вақтдан кейин Қирғиз Абдуллоҳнинг уйини топишди. Сардор Ҳамидов уларни темир йўл бекатига чиқариб, раҳмат айтиб кузатиб кўйгач, Ғазалкент шаҳар ИИБга келиб, ўша уйда яшовчиларнинг рўйхати билан танишди. Ўзига зарур исм-фамилияларни топмаган капитан, уй эгалари билан суҳбатлашди. Суҳбат жараёнида бу уй тўрт йил олдин Бимирзаев Колдибай томонидан сотилгани маълум бўлди. Ички ишлар бўлимига қайтиб келган капитан, паспорт бўлими бошлиғидан Бимирзаев Колдибай ва унинг оила аъзоларига тегишли ҳужжатларни беришни сўради. Ҳужжатларнинг орасидан Бимирзаев Колдибайнинг 1976 йилда туғилган ўғли Бимирзаев Жақсибек Колдибаевичнинг 1999 йил рўйхатдан чиқиб, Қозоғистонга кетганлиги тўғрисидаги маълумот капитан Сардор Ҳамидовни ҳушёр торттирди. Унинг паспортига илова форма №1 даги суратини иш дафтаридаги фоторобот билан солиштириб кўрганида капитан кўзларига ишонгиси келмади. У бир томчи сувдек жуда ўхшар эди. Бимирзаев Колдибайнинг

янги турар жой манзилини аниқлагач, Сардор Ҳамидов ҳокимият ходими сифатида қишлоққа ташриф буюриб, кўшниларида Бимирзаев Жақсибек Колдибаевич ҳақида суриштирди. Улар елка қисишиб, Колдибай оғанинг бундай ўғли борлигини эшитмаганлиги ва кўрмаганлигини таъкидлашди. Рўйхат бўйича фуқароларни санаб юрган ҳокимият вакилига Колдибай оғанинг ўзи ҳам ўғли Жақсибек бўйича ҳеч нарса гапирмади. Худди бундай фарзанди бўлмагандай кампири Хадича, ўғли Қодир ва келини Марям билан яшаётганини ва Қирғизистон Республикасининг Талас вилоятидан 1970 йилларда кўчиб келишганини хотиржам гапириб берди. Шундан кейин Сардор Ҳамидов ёзма ахборотни икки нусхада тайёрлаб, вазирнинг биринчи ўринбосари ва бош прокурорнинг тергов бўйича ўринбосари Самир Салиҳовга топширди. Самир ака Бимирзаев Жақсибек Колдибаевич бўйича тўпланган ҳужжатлар айна пайтда Қозоғистонда юрган ходимларга тезкор жўнатилишини маълум қилиб, Сардор Ҳамидовнинг Қозоғистонга режалаштирган сафарини тўхтатди. Капитан Сардор Ҳамидов яна вилоятга қайтиб, Бимирзаевлар биринчи бор кўчиб келган Така ёнғок номли қишлоққа борди. Қишлоқда бир ҳафта қолиб, Бимирзаев Жақсибек Колдибаевичнинг бешта шогирдини аниқлади. Сухбат жараёнида Жақсибек исломни ўргатиш мақсадида уларни Наманган шаҳрига олиб боргани, аммо икки ойдан кейин қочиб келишгани, шундан кейин Жақсибекни умуман кўришмаганини таъкидлашди. Капитан Сардор Ҳамидов қишлоқдаги қилган ишлари юзасидан кўшимча ахборот тайёрлаб яна вазирнинг биринчи ўринбосари олдига кирди. Бироқ уни хушламаган биринчи ўринбосар:

– Унинг шахсини аллақачон аниқлашди. Қозоғистонда яшириниб юрган экан, – деб капитанга бир сурат кўрсатди. Бимирзаев Жақсибек Колдибаевични таниб турса-да, капитан сукут сақлашни афзал кўрди. Чунки мақтанчоқлик Сардор Ҳамидовнинг табиатига, хулқ-

атвориға мутлақо ёт хислат эди. Бир неча кунлардан сўнг Сардор Ҳамидовни яна вазирнинг биринчи ўринбосари йўқлади. Капитан эшикдан кириши билан:

– Ҳамма ишни қилиб қўйиб, жим юрган экансанда. Баракалла капитан, биз сен билан фахрланамиз, – деб генерал капитанни бағрига босди. Сал вақт ўтмай Қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари ички ишлар ходимларининг ҳамкорликда ўтказишган тезкор тадбири давомида Бимирзаев Жақсибек Колдибаевич Тараз шаҳрида қўлга олинди. Тергов жараёнида Бимирзаев Жақсибек Колдибаевичнинг Ўзбекистонда содир этилган хунрезликларга бошчилик қилгани маълум бўлди.

Юрт осойишталигига рахна солишни кўзлаган, ёвуз террорчи Бимирзаев Жақсибек Колдибаевич Қозоғистон республикаси қонунига мувофиқ узоқ йилларга озодликдан маҳрум этилди.



# УЯЛИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ОЧИЛГАН ЖИНОЯТ

**«Далгитиш маъсаднинг жон-  
жонга тиккетганига дидардаги  
ниятга эришиш мумкин».**

ФЕРДИНАНД ЛЕССАЛЬ

\* \* \*

Ушбу воқеа 2007 йилнинг ёз кунларидан бирида содир бўлган эди.

Капитан Сардор Ҳамидов деярли ҳар галгидек тунги 01.00 ларда ишдан толиқиб, уйга қайтди. Меҳр билан йўл пойлаган турмуш ўртоғи олдига қўйган таомга эндигина қўл урган ҳам эдики, ички ишлар Бош бошқармаси навбатчилик қисми сардорининг хабари унинг хотиржамлигини чилпарчин қилди:

– Ўртоқ капитан, Сергели тумани ҳудудидаги 9 қаватли 23-А уйда ёнғин содир бўлган, йўлакдан қўл-оёғи боғланган 3 нафар кимсанинг ёнган мурдаси топилган...

Капитан ўз гуруҳини оёққа турғизди, шошилинич топшириқлар бериб, ўзи ҳам зудлик билан воқеа жойига йўл олди.

Суюқоёқлиги билан ном чиқариб, ички ишлар идорасининг тегишли рўйхатига тушган Алёна, Наташа исмли дугонасига «70 минг доллар пулим бор, шунга бирорта кафе очмоқчиман» деб қолди. 70 мингнинг дарагини эшитган Наташа оёғи куйган товукдек типирчилаб, ўзини қўярга жой топа олмай қолди... Бевозталиқ, пулга эришиш фикри Наташани жинойий тадбир тузишга бошлади.

4 кишилик жинойий гуруҳ ана шу васваса оқибатида тузилди.

Бир куни тунги 23.00 ларда гуруҳ Алёнанинг уйига

кириб келди. Бу пайт Алёна Наташа томонидан мўмай пул эвазига топилган «мижоз»нинг кўнглини овлашга кетган эди.

Алёнанинг уйида унинг ўғли Сергей ўртоғи билан компьютер ўйнаб ўтирган эди. Жиноий гуруҳ иккала боланинг ҳам қўл-оёғини боғлаб, уйни ағдар-тўнтар қилиб, 70 минг долларни қидира кетади.

«Мижоз» билан келиша олмай, гудраниб-сўкинганча ортига қайтган Алёнани уйида даҳшатли кўргуликлар кутиб турар эди. Уй эшигини тақиллатиб, ўғлини кўриш илинжида бўлган Алёнани қандайдир кучли қўл кескин ичкарига тортиб олди-ю, унинг ҳам қўл-оёғини боғлади:

— Бақирсанг, боланг ўлади, жимгина биз айтганларни қиласан. Пул ва қимматбаҳо нарсалар қаерда, айт, акс ҳолда, ҳеч ким тирик қолмайди, — деди гуруҳ аъзоси.

Алёна 1000 доллар пул ва тилла тақинчоқлар йўлак эшиги тепасидаги ҳужрачада эканини айтди. Жиноий гуруҳ, кафе очиш учун мўлжалланган 70 минг қани, деб қистовга ола бошлади. Алёна бошқа пул йўқ, деб дод-вой қилишга тушди. Ниятига ета олмаган гуруҳ Алёнанинг оғзига латта тиқиб, бошига қаттиқ жисм билан уриб, ўлдирди. Пулга эришолмай қаҳр-ғазабга минган гуруҳ бошлиғи Наташага кўнғироқ қилиб, тезда етиб келишни буюрди. Кела солиб Алёнанинг жасадига кўзи тушган Наташа ҳангу манг аҳволда:

— Ахир уни ўлдирмаймиз, деган эдиларинг-ку, энди нима бўлади, деб ваҳимага тушди.

— Шунақаси ҳам бўлиб туради, ўлдирмаймиз, деймиз-у билмай қоламиз, — деди гуруҳ аъзоларидан бири совуққина.

Сўроққа тутилган Алёнанинг ўғлидан ҳам бирор фойдали жавоб чиқмади. Аслида уйда нима бор-у нима йўқлигидан Сергей мутлақо беҳабар эди.

— Болаларни тирик қолдириб бўлмайди, улар бизни

таниб қолишди, Наташани эса ҳозироқ сотишади, — деб шипшиди гуруҳ аҳзоларидан бири бошқаларига.

Шу кўйи икки нафар норасида гўдак ҳам қонхўр гуруҳнинг қўлида жон таслим қилди. Жиноятчилар болалар билан машғул бўлиб турганда Наташа 7-қаватдан 8-қаватга кўтарилиб, жон сақлаб қолади. Гуруҳ уни ҳам ўлдириш пайида пастки қаватдан излагани Наташанинг жонига оро кирган эди.

3 та жасад бир хонага олиб кирилиб, ёндириб юборилади. Жинойи гуруҳ шундан сўнггина воқеа жойидан ғойиб бўлади.

Капитан Сардор Ҳамидов ўз гуруҳи билан жиноятни ўрганишга тушаркан, аввало, Алёна билан телефонда сўзлашганларнинг шахсини аниқлайди. Улар ичида охирги сўзлашган кимсалардан Наташа исмли дугонасини қўлга олади.

Наташа тамоман ўзини йўқотиб қўйган, тўхтовсиз йиғлар, ўзини қўярга жой тополмай типирчиларди. Охири бўлиб ўтган воқеаларни ҳикоя қиларкан, гуруҳдагиларнинг исминигина билишини, ҳатто телефон рақамларини ҳам билмаслигини, улар билан Қўйлик бозорида танишганини айтади. Наташанинг бу гаплари терговни мураккаблаштирмоқда эди, холос.

Шу пайт уйдан Алёнага тегишли 88.00 марка рақамли уяли телефон ҳужжати чиқади, аммо аппаратнинг ўзи топилмайди.

Худди шу пайт капитан Ҳамидовда беихтиёр: «қанийди шу аппаратни жиноятчилар ўғирлаб кетишган бўлса» деган ғалати умид пайдо бўлади!

Туни бўйи сўроқ-саволлар билан андармон бўлган капитан Ҳамидов тушликка яқин андак пинакка кетади. Шу пайт МТС компаниясидан келган қўнғироқ уни сергаклантиради ва, энг муҳими, у кутган жудаям зарур хабарни етказди!

— Узр, Сизни МТС компаниясидан 84-оператор безовта қиляпти. Сиз томонингиздан берилган хатга

биноан назоратга қўйилган телефон рақамига ... 86 рақамли абонент томонидан қўнғироқ бўлди.

Капитан зудлик билан ... 86 рақамли телефон эгасини топади. Кимнинг ким билан гаплашгани орқали Тоҳир исмли йигит аниқланади ва қўлга олинади. Наташа гуруҳ таркибидаги кишилар орасида унинг ҳам борлигини фоторобот орқали танийди.

Тоҳир ўз жиноий ҳаракатларини тан олади.

Муқаддам оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилиб, тегишли жазоларга тортилган гуруҳ устидан навбатдаги ҳукм ўқилди...





## АДОЛЬФ ФРАНК САБОҚЛАРИДАН

## Ўлим жазоси ҳақида

Қадимги ва Ўрта асрлар давомида ўлим жазосига қарши ҳам, унинг қонун чиқарувчилар томонидан тез-тез қўлланишига ҳам, одатда унга ҳамроҳлик қилгувчи кўрқинчли азоблашларга қарши ҳам бирон-бир нидо қарши кўтарилмади, ҳеч ким миқ этмади. Аллақачон таъкидлаб ўтилганидек, Библия—«Таврот»да келтирилган бир ҳикоя-ривоятда дастлабки қотил — одам ўлдирган шахс ўлим жазосига маҳкум этилмаган, аммо балки пешонасида хўрланганлик ва нафрат тамғаси босилган ҳолда Ер юзи бўйлаб умрбод сарсон-саргардон дайдиб юришга ҳукм қилингани тарихи келтирилган эди. Аммо ана шу ибрат— мисол ҳам Мусо алайҳиссаломга маълум бир жиноятлар учун ўлим жазоси таъминлашга монелик қилмаган эди. Евангелия — «Инжил» эса Ёвузликка Эзгулик билан муносиб жавоб қайтариш, Сизнинг ўнг чеккангизга тарсаки урган кимсага чап чеккани тутиб бериш, Сиздан қалпоғингизни тортиб олган кимсага чопонингизни беришни амр қилган, бироқ бу нарса ҳам черков руҳоний валломатлари, ҳеч бўлмаганда ўз сукут сақлаши билан, ўлим жазоси қонунийлигига йўл қўйиб беришга ҳалал бермаган, бу нарса Ўрта асрлар насроний қонунчиларига янги азоб-укубатларни жазо тариқасида киритишга ҳалақит бермаган эдики, ана шу азоб-укубатларни ёдга олишнинг ўзиёқ ҳар қандай кишини кўрқув ва даҳшат комига тортиб кетади.

Фақатгина XVI асрнинг охирида, фан ва санъат уйғониши, афтидан, ахлоқ дағаллиги ва шафқатсизлигини бирмунча юмшатган кезларда жазоларнинг миқдори ва шафқатсизлигига қарши турли-туман норозиликлар кўтарила бошлади. **Томас Мор** «Утопия» (Олис

келажак башоратномаси) асарининг биринчи қисмида ўғирлик учун ҳам худди қотиллик учун ўлим жазоси тайинланиши бутун адолатсизлиги ва шунинг баробарида амалий ва таъсирчан бир иш эмаслигини исботлаб беришга ҳаракат қилган. Табобатчи файласуф **Жан Виер** жодугарлар ва сеҳргарларни жинойтчилар сингари гулҳанда куйдирмасдан, балки даволаш лозим бўлган касал одамлар деб ҳисоблайди.

Бинобарин, **Жан-Жак Руссо** ўзининг «Contract social» (Ижтимоий шартнома) асарида, Гоббсдан ўзлаштирилган Бирламчи шартнома тўғрисидаги таълимотини баён этаётганида ўлим жазоси адолатли эканлигини исботлаб беришга ҳаракат қилган. «Кимки жамиятга ҳужум қилса, ўша одам ватан ва мамлакатга қарши исёнчи ва хоинга айланади; бундай одам жамиятнинг қонунларини бузганлиги билан қувғунга ҳукм қилиниши, ёки ҳатто жамиятнинг душмани тариқасида ўлим жазосига маҳкум этилиши лозим; негаки бундай душман ахлоқли шахс эмас, балки қотилдир, уруш ҳуқуқига кўра эса, мағлуб бўлган душманни ўлдириш ҳам мумкин». Монтескье бунчалик чуқур кетмаган; у барча жинойтчилар учун ҳам ўлим жазосига йўл қўймайди; ўлим жазосини фақатгина қотиллар учун тайинланишини ёқлайди ва шунда ҳам бунга ҳуқуқ юзасидан эмас, балки жамиятни даволаш — соғломлаштиришнинг зарурий бир воситаси деб билади. «Фукаро, — деб ёзади у, — башарти, агар бошқа бир кишини ҳаётдан маҳрум қилган бўлса ёхуд шунга қасд қилиб уриниб кўрган бўлса, ўлим жазосига лойиқдир.

Ушбу таълимот тез орада нафақат публицистлар ва файласуфлар ўртасида, қолаверса, монархлар ва давлат одамлари орасида ҳам ўзининг қизиққон ва оташин тарафдорларига эга бўлиб борди. Тоскания герцоги Леопольд I ўз мулкларида ўлим жазосини бекор қилди. Елизавета Петровна ва Екатерина II ундан ибрат олдилар, аммо Россияда қамчи, дарра ва чўптаёқлар 1863 йил 16 апрелдаги Фармон билан улар бекор қилингунга қадар ўлим жазоси

ўрнини етарли даража билдирмай босиб келган эди. Иосиф II ҳам ўзининг бепоён империясида ана шу ислохотни амалга оширишни хоҳлаган, аммо тез орада бу фикрдан қайтган ҳам эди.

Тез орада ўзини машҳур қилиб юборган, унинг умридаги энг аъло ишларидан бири бўлмиш рисоласида Гизо, энг аввало, сиёсий ишлардаги ўлим жазосига қарши исён кўтарган эди. Бошқалар эса, яъни Лафайет, Пастор, Дестут де Траси, Беранже, фуқаролик ишларида ўлим жазосини бекор қилишни талаб қилган эдилар. 1826 йилда Христиан ахлоқи жамияти ана шу масалани узил-кесил ҳал қилиш учун танлов эълон қилган ва ўн бир нафар танлов қатнашчиларидан ўнтаси ўлим жазосини бекор қилиш фойдасига овоз берган эди. Улар орасида шунингдек, хотиралари – мемуарлари тез орада бутун Европага машҳур бўлиб кетган Шарль Лукас ҳам бор эди.

Ўлим жазосини кучайтирган ҳамма нарса, бинобарин, падаркушлик ва подшокушликда қўлларни кесиб ташлаш, шарманда устунига халқ кўз ўнгида боғлаб қўйиш, тамға босиш, хуллас, барча исканжага солишлар бекор қилинди. Ўлим жазосининг ўзи эса сиёсий ишларда бекор қилинган ва фуқаролик ишларида ниҳоятда тор доиралардагина қолдирилган эди. Қалбаки тангалар яшаш ва ўт қўйиб кетиш ҳолларида эса у умуман бекор қилинган эди. Бола ўлдириш учун гарчи ўлим жазоси назарда тутилган бўлса-да, айбни камайтирувчи вазиятлар туфайли судьялар деярли ҳаммавақт ундан сақланадиган бўлдилар. Ниҳоят, ҳатто қасддан одам ўлдириш ҳолларида ҳам у ҳар доим тайинланмайдиган бўлди. Умид қилиш мумкинки, жамоатчилик фикри талабларига ана шундай аста-секин ва босқичма-босқич ён беришлар эртами-кечми ўлим жазосининг бутунлай бекор қилиниши билан ниҳоясига етади. Ва, амалда ҳам, унинг тарафдорлари кундан-кун борган сайин кучсизроқ бўлиб бормоқда. Бурунги замонларда ўлим жазосига йўлдошлик қилган исканжа ва қийноқлардан воз кечган

холда улар ўзлари ҳозирга қадар суяниб келган ва, кўриб чиққанимиздек, Де Местр таълимоти асосини ташкил этувчи интиқом ва қасос тамойили яроқсиз эканлигини шу тариқа тан олдилар. Уларнинг ихтиёрида эса амалга оширилиши амалда ҳар доим ақл-заковат ва вазият тақозосига бўйсунувчи абстракт (мавҳум) метафизик ҳуқуққа ва диний ривоятга ҳавола қилишгина қолади, холос. Ўлим жазоси, дейишади улар, барча замонларда ишлатиб келинган, барча халқлар кодекслари томонидан қабул қилинган. Гарчи унинг қўлланиши чек-чегарасиз даражада ўзгартирилган ва вақт ўтган сайин камайиб келган бўлса-да, аммо тамойилнинг ўзи XVIII юз йилликка қадар ҳеч қанақанги баҳс-мунозаралар кўзғатмаган эди. Ўлим жазоси, дея давом эттиради улар, зарурий мудофаа таркибига киради. Ўз ҳаётимни ҳимоя қила туриб, мен ўзимга ҳужум қилган жиноятчини ўлдиришга ҳақлиман – нега энди жамият ана шу ҳуқуқдан маҳрум этилиши керак?

Энг аввало таъкидлаш жоизки, жазонинг кучи эмас, балки унинг муқаррарлиги жиноятчиларга энг кучли таъсир ўтказди. Камроқ аҳамиятли жиноятчиларга тўхталадиган бўлсак, боя айтиб ўтганимиздек, уларни бундай жазога гирифтор қилиш адолатли эмас. Шундай экан, ўлим жазоси зарурат билан ҳам, фойдадорлиги билан ҳам ўзини оқламайди.

Нихоят, ўлим жазоси нафақат кутилмаган оқибатларни келтириб чиқармайди, балки қолаверса қонли томошага лоқайдларча қараб туришга ўргатган ҳолда халқ оммасини ҳам теран ва обдон айнитади, халқ эса ана шу қонли томошалардан инсон ҳаёти – муҳим нарса эмас деган хулоса чиқаради, шу тариқа, тақлид қилиш қонунига кўра у ҳам қотилликлар ва жиноятлар йўлига қизиқиб кетади.

Донишманд қонун чиқарувчи фикрига кўра, жиноятчиларни жазолашга қараганда, кўпроқ жиноятларни бартараф этишга ҳаракат қилиши лозим. Бартараф этиш ва огоҳлантиришнинг энг аъло воситалари эса,

меҳнатга яраша ноз-неъмат етказиб бериш ва қашшоқлик оқибатларини камайтириш учун маърифат ва меҳнатнинг тўғри тақсимланиши саналади. Инсон авлодларининг азалдан бузилганлиги ҳақидаги ҳамма уйдирмалар ва сафсаталар энг катта жинойтчилар бахтсиз ва жоҳил одамлар бўлишидек чин ҳақиқат қаршисида кунпаякун бўлиб кетади.

Энг аввало, барча тинч ва ҳалол машғулотларни рағбатлантирган ҳолда, кредит ва меҳнат манбаларини ошира бориб, қашшоқлик ва камбағалликни барта-раф этишга ҳаракат қилаверинг. Оммага иложи борича кўпроқ маърифат ва маориф тарқатаверинг – бир эсланг, ҳеч бўлмаганда Франция аҳолисининг учдан бир қисми ҳали ҳам на ўқишни ва на ёзишни билади. Маънавият оқлайдиган ва инсоният талаб қиладиган воситалар ва маблағлар қаршисида ортга чекинманг – бошланғич таълимни мажбурий дея эътироф этинг.

### ***Қиссадан ҳисса:***

Мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинганда мен Анатолий Франкнинг ушбу фикрларини яна бир бор ўқиб чиқдим, мулоҳаза қилдим. Дарҳақиқат, ўлим инсонга жудаям кам миқдорда тарбия бўлар экан. Қайтанга, ўлим инсон руҳиятини алғов-далғов қиладди, ҳаётга бўлган меҳр-муҳаббатни сўндиради, юракда аянчли, ноҳуш таассуротлар қолдиради. Ижирғаниш ҳисларини кучайтиради. Қатл қилинувчининг оила аъзолари, яқинлари дунёқарашига, турмуш тарзига кўнгилсизлик олиб келади. Фарзандлар қалбида жароҳат қолдиради. Авлодни анча вақтгача ноҳуш тамга таъқиб этади.

Шулардан келиб чиқиб, қўллаб-қувватлайманки, ўлим жазосининг бекор қилиниши халқимиз ҳаётида, руҳиятида ижобий ҳодиса бўлди.

## ҚАЛБ ТУҒЁНИ

Ёшлигимда «Устоз отандек улуг» деган ҳикматнинг мағзини ҳеч чақиб ололмас эдим. Балки ота-онамдан эрта айрилганим, уларнинг иссиқ меҳрини ҳис қилмаганимдандир, дердим. Етимликнинг энг даҳшатли томони шундаки, ўқиш ва уйланиш ҳақида нафақат ўйлаш ҳатто тасаввур қилишга ҳам қурбинг етмайди. Чунки қорин ғамининг таишиши ҳамини бошқа истақлардан устун туради. Кимнингдир шу топда қўлингдан тугиши, ҳаётда ўз ўрнингни топа олишингда имкон яратиши эса, ўзингга бўлган ишончни янада кучайтиради.

Ўтган ҳаёт йўлимни таҳлил қилар эканман, эришган барча муваффақиятларимда ва мени шунга етишишимда устозларимнинг беминнат хизматлари борлигини алоҳида эътироф этгим келади. Тақдир менга шундай олийжаноб инсонларни рўбарў қилганидан шукроналигимнинг адоғи йўқ.

Мутлақо бошқа касб эгасининг дабдурустдан қўлига қалам олиши ғайритабиий ҳол, албатта. Тўғри, мен ёзувчи эмасман, бунга даъво қилаётганим ҳам йўқ. Бироқ Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тўлепберган Қайипбергенов таърифлаганидек; «Китобинг душманлар учун заҳар, дўстлар учун дори бўлиб хизмат қилмас экан, бундай ёзувчиликнинг баҳридан ўтганинг маъқул! Ахир шунинг учун ҳам ёзувчининг меҳнати инсоният кашф этган меҳнат турларининг ҳеч бири билан таққослаб бўлмайдиган даражада оғир!»...

Энди, ушбу ҳикояларни ёзиш ва китоб ҳолида сиз, азиз китобхонларга тақдим қилишдан мақсад эса, ички ишлар ходимларининг машаққатли меҳнатини шунчаки кўрсатишдангина иборат эмас. Зеро, халқнинг ўзи буни аллақачон теран англаб етган. Инсонларнинг ҳушёрлигини ва ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини оширишда, шунингдек, соҳага энди кириб келаётган ёш ходимларнинг назарий билимларини амалиёт билан бойитишда мазкур китоб муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади деган умиддаман.

Муаллиф.

**ШУХРАТ АБДУЖАББОРОВ**

# **ИЗ БЛОКНОТА ОПЕРАТИВНИКА**

*(На основе реальных событий)*

*перевод Азизы Жониевой,  
литературная обработка Гулнары Нормурадовой.*

ГЛАВНАЯ РЕДАКЦИЯ  
ИЗДАТЕЛЬСКО-ПОЛИГРАФИЧЕСКОЙ  
АКЦИОНЕРНОЙ КОМПАНИИ «SHARQ»  
ТАШКЕНТ — 2011

## РАЗГОВОР С ПРИЗРАКОМ

*Человек хуже зверя, когда он зверь.*

**Р. ТАГОР**

В тот год осень выдалась на редкость теплой. Зеленовато-золотистые листья деревьев еще не жились под жаркими лучами солнца, словно питая надежду не опасть на землю никогда.

